

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими ва жараёни

Маҳаллий бюджетларнинг самарали ижросини таъминлашда
маҳаллий вакиллик органларининг ўрни ва аҳамияти



Uzbekistan

О. Ғайбуллаев, У. Ўроқов



Тошкент - 2015

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими ва жараёни



Маҳаллий бюджетларнинг самарали ижросини таъминлашда
маҳаллий вакиллик органларининг ўрни ва аҳамияти

О. Файбуллаев, У. Ўроқов



Baktria press
Тошкент - 2015

УЎК 336.14 (575.1)
КБК 65.261.3(5Ў)
Г 15

Ғайбуллаев О.

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими ва жараёни [Матн] : ўқув қўлланма / -
О. Ғайбуллаев, У. Ўроқов. - Тошкент: Baktria press, 2015. — 168 б.

Тақризчилар: и.ф.н., доц. Н. Жиянова
и.ф.н., доц. Ж. Атаниязов

Қўлланма Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури (БМТТД)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида тайёрланди. Муаллифларнинг ушбу китобдаги фикрлари БМТТДнинг расмий нуқтаи назарини акс эттирмаслиги мумкин.

Муаллифлар ушбу қўлланманинг алоҳида бобларини таҳрир ва тақриз қилишга ўз ҳиссасини қўшган Ўзбекистондаги БМТТДнинг ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва БМТТДнинг «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш/2-босқич» қўшма лойиҳаси маслаҳатчилари ва ходимлари, шу жумладан, Азиза Умарова, Дилшод Исроилов, Азизхон Баҳодиров, Ойбек Юлдашев, Мирзоҳид Қаршиев, Нодира Мухаммадқулова, Ойбек Яхшиев, Жалол Ходжаевга ўз миннатдорчилигини билдирадилар.

Шунингдек, муаллифлар қўлланмани тайёрлашда ўз амалий тақлифларини берган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Қурбонмурод Топаров, Тошкент Молия институти проректори, профессор Низомиддин Ҳайдаров, «Молия» кафедраси мудирини Комила Шарифходжаева, мазкур кафедра ўқитувчилари Одилжон Камолов, Акбар Шернаев ҳамда қўлланма тақризчиларига ташаккур изҳор этадилар.

КБК 65.261.3(5Ў)

Ўқув қўлланма Тошкент Молия институтининг 2015 йил 27 октябрдаги илмий-услубий Кенгашининг 3-сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-4566-9-3

© Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
Тараққиёт дастури (БМТТД), 2015
© Baktria press, 2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
1-БОБ. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими ва тузилмаси	
1.1 Бюджет тизими тушунчаси ва принциплари.....	8
1.2 Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилмаси.....	14
<i>Назорат учун саволлар</i>	19
2-БОБ. Бюджет тизимида маҳаллий бюджетларнинг ўрни	
2.1 Маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.....	20
2.2 Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар тизими.....	21
2.3 Маҳаллий бюджетларнинг харажатлар тизими.....	34
<i>Назорат учун саволлар</i>	42
3-БОБ. Бюджетлараро муносабатлар	
3.1 Бюджетлараро муносабатлар тушунчаси ва унинг зарурияти.....	43
3.2 Бюджетлараро трансфертларнинг шакллари.....	45
3.3 Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатлар механизми.....	51
<i>Назорат учун саволлар</i>	57
4-БОБ. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси ва унинг бюджет тизимини тартибга солишдаги аҳамияти	
4.1 Ўзбекистонда Бюджет кодекси қабул қилинишининг зарурияти.....	58
4.2 Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг таркибий тузилиши.....	62
4.3 Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг аҳамияти ва афзалликлари.....	67
4.4 Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексини мукамаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар	71
<i>Назорат учун саволлар</i>	75
5-БОБ. Бюджет соҳасидаги ваколатлар	
5.1 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет соҳасидаги ваколатлари.....	76

5.2	Халқ депутатлари вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг ва вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг бюджет соҳасидаги ваколатлари.....	77
5.3	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва ҳудудий молия органларининг бюджет соҳасидаги ваколатлари.....	87
5.4	Бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет соҳасидаги ваколатлари.....	90
	<i>Назорат учун саволлар</i>	92
6-БОБ. Бюджет жараёни ва уни амалга оширишда маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг функциялари		
6.1	Бюджет жараёнининг моҳияти ва унинг босқичлари.....	93
6.2	Маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг маҳаллий бюджетларнинг лойиҳасини тузиш ва тасдиқлаш жараёнидаги функциялари.....	96
6.3	Маҳаллий бюджетларнинг ижросини таъминлаш ва уларга ўзгартиришлар киритиш тартиби.....	100
6.4	Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот ва уни тасдиқлаш тартиби.....	104
	<i>Назорат учун саволлар</i>	106
7-БОБ. Маҳаллий бюджетларнинг самарали ижросини таъминлашда маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари фаолиятларини такомиллаштириш		
7.1	Маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг ҳудудий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлиги.....	107
7.2	Бюджет маблағларининг самарали ва мақсадли сарфланиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари устидан Парламент назорати: хориж тажрибаси.....	111
	<i>Назорат учун саволлар</i>	119
	Глоссарий	120
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	124
	Иловалар	126

КИРИШ

Ўзбекистонда давлат молиясининг марказий бўғинида турган давлат бюджети ва бюджет тизимини такомиллаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда бюджет жараёнининг айрим босқичлари бир нечта қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши, баъзи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормалари турлича талқин қилиниши, «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуннинг айрим моддалари янги талабларга мувофиқ эмаслиги амалиётда баъзи қийинчиликларни юзага келтирмоқда эди. Мазкур ҳолатларни бартараф этиш, амалиётда ўзини оқлаган меъёрлар ҳамда халқаро тажриба ҳисобга олинган ҳолда айти йўналишдаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида бутун бюджет жараёнини тартибга солувчи ягона ҳужжат - Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

Бюджет кодекси давлат молиясини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, бюджет сиёсатининг устувор йўналишларини тартибга солиш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилди. У бюджет жараёнини тартибга солиб, амалиётдаги мавжуд зиддиятлар ва эскирган нормаларни бартараф этиш билан биргаликда, амалиётда ўзини оқлаб, ишлаб турган нормалар, қоидалар ва бюджет жараёни иштирокчиларининг ваколатлари ва мажбуриятларини тизимлаштиришга хизмат қилади.

2014 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонунда¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2014 ва 2015 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси нормаларининг амал қилиши ва самарадорлиги мунтазам равишда ҳамда ҳар томонлама мониторинг ва таҳлил қилинишини таъминлаш, зарур бўлган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг айрим нормаларини янада такомиллаштиришга қаратилган тақлифларни белгиланган тартибда киритиш вазифаси юклатилган.

Мазкур вазифаларнинг талаб даражасида бажарилишида, аввало маҳаллий вакиллик органлари - Қорақалпоғистон Респуб-

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги ЎРҚ-360-сонли Қонуни

ликаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари, ҳамда маҳаллий ижроия органлари - маҳаллий ҳокимият вакиллари зиммаларида катта масъулият ётади. Зеро, кейинги йил учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети лойиҳасини тузишда белгиланган муддатларда бюджет сўровини тақдим этиш, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларини ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига мувофиқ кўриб чиқиб, қабул қилиш, шунингдек, ушбу бюджетларнинг тегишли даврдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ҳар чорақда кўриб чиқиш, тасдиқлаш, маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини қонун ҳужжатларида ўрнатилган миқдорлар доирасида белгилаш, маҳаллий бюджетлардан ажратилаётган маблағларни масъулият билан сарфлаш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган молиявий назоратни тартибга солиш ҳамда бюджет интизомини кучайтириш каби вазифалар жойлардаги вакиллик ва ижроия органларидан жиддий масъулият талаб қилади.

Қолаверса, маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг вакиллари бюджет сўровини тузиш, маҳаллий бюджетларнинг лойиҳаларини тайёрлаш, тасдиқлаш ва ижро этиш жараёнида, ҳамда маҳаллий бюджетлардан бюджет муассасаларини ва бошқа маблағ олувчи ташкилотларни молиялаштириш амалиётида юзага келаётган муаммоларга бевосита яқин бўладилар, ҳамда мазкур муаммоларни бартараф этиш юзасидан юқори ижроия органларига ёки Олий Мажлисга мурожаат қилиш, ҳамда таклиф киритиш ваколатларига эгадирлар.

Шунингдек, Бюджет кодексининг мазмун-моҳияти ва унинг нормалари ҳақида жойлардаги бюджет жараёни иштирокчилари (давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат молиявий назорат органлари, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар) ва кенг жамоатчилик ўртасида атрофлича тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини самарали йўлга қўйишда ҳам маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг фаолиятлари муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ўқув қўлланмада бюджет тизими ва унинг принциплари, Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилмаси ҳамда унда маҳаллий бюджетларнинг ўрни ва роли, бюджетлараро муносабатлар ва уларни амалга ошириш тартиби, бюджет жараёни ва уни амалга оширишда маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг ваколатлари, шунингдек, маҳаллий бюджетларнинг самарали ижросини таъминлашда маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари фаолиятларини такомиллаштириш масалалари атрофлича ёритилган.

Қўлланманинг ҳар бир бобидан сўнг унда акс эттирилган фикрларнинг энг асосийлари асосида тузилган саволлар бизнинг фикримизча, ўқувчининг фикрлаш қобилиятини чархлайди, унинг мустақил фикрлаш имкониятларини кенгайтиради. Ушбу ўқув қўлланма иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртарининг ўқитувчилари ва талабалари, мустақил изланувчилар, молия-бюджет тизимида фаолият кўрсатаётган амалиётчи мутахассислар, шунингдек, маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакиллари учун мўлжалланган. Қўлланманинг сифатини оширишга (яхшилашга) холисона хизмат қиладиган фикрларнинг барчасини муаллифлар мамнуният билан қабул қиладилар.

1-БОБ Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими ва тузилмаси

1.1. Бюджет тизими тушунчаси ва принциплари

Мустақил республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиши шароитида, демократик давлат қуриш йўлидан бораётган даврда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби бюджет тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир.

Бюджет тизими мураккаб механизм бўлиб, муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа хусусиятлари асосида ва таъсирида шаклланади.

Бюджет тизимини профессорлар Т.С.Маликов ва Н.Х.Ҳайдаровлар қуйидагича таърифлаганлар: «Бюджет тизими бу турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш тамойилларини ифодаладиган, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатлар мажмуидир. Кўпчилик ҳолларда, соддароқ тарзда, бюджет тизими дейилганда, мамлакатдаги мавжуд бюджетлар тўплами (мажмуи) тушунилади»².

Соддароқ қилиб айтганда, бюджет тизими бу иқтисодий муносабатларга, давлат тузилишига ва қонун нормаларига асосланган давлат, маъмурий-худудий тузилишларнинг, бюджет муносабатларида мустақил бўлган бюджет ташкилотлари муассасалари ва мақсадли давлат фондларининг мажмуидир.

Бюджет тизими мамлакатдаги турли даражадаги бюджетларни ўзида ифода этади. Бошқача маънода, бюджет тизими бюджетнинг ўзаро боғлиқликда бўлган бўғинларининг ўзаро йиғиндисидан иборатдир. Мамлакатнинг бюджет тизими жамиятнинг сиёсий тузилишига, давлатнинг иқтисодий тизимига ва унинг маъмурий-худудий бўлинишига бевосита боғлиқ.

Мамлакатнинг бюджет тизими икки ёки уч бўғинли бўлиши мумкин. Унитар давлатлар деб юритиладиган мамлакатларда бюджет тизими икки бўғиндан (марказий ва маҳаллий бюджетлар), федератив давлатлар деб юритиладиган мамлакатларда эса уч бўғиндан (марка-

Мазкур бобда бюджет тизимининг моҳияти, унинг принциплари, Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилмаси ва унинг таркибий тузилиши ёритилган

Бюджет тизими - барча даражадаги бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ташкил этиш принциплари, улар ўртасида бюджет жараёни мобайнида юзага келадиган ўзаро муносабатлар йиғиндисини ўзида ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, 2-боб, 6-модда

² Маликов Т., Ҳайдаров Н. Бюджет (тизими тузилмаси, жараёни). –Т.: «Иқтисод-молия», 2007 й., 5-бет

зий бюджет, федерация аъзолари бюджетлари ва маҳаллий бюджетлар) иборат бўлиши мумкин³.

Шунингдек, баъзи унитар давлатларда бюджетнинг марказлаштиришдан чиқарилиш даражаси, ҳудудлар ҳукумат органларининг ваколатлари билан белгиланадиган кўп даражали бюджет тизимига эга бўлиши мумкин. Масалан, марказлаштиришдан чиқарилган унитар давлат - Франция тўрт даражали бюджет тизимига, маҳаллий ҳокимиятларнинг солиққа оид ваколатлари конституция билан белгиланган марказлашган унитар давлат - Швеция уч даражали бюджет тизимига эга⁴.

Ҳар бир мамлакатнинг бюджет тизими маълум бир принцип (тамойил)ларга таянади. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимига хос бўлган принциплар қуйидагилардан иборат (1-расмга қаранг):

1-РАСМ: Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг принциплари⁵



³ Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. – Т: «Шарқ», 2010 й., 455- бет.

⁴ Срождинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Т.- 2010 й., 20- бет.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 2-боб, 6-моддаси

Бюджет тизимининг ягоналиги принципи бюджет ҳужжатлари ва бюджет ҳисоботларининг шакллари, бюджет таснифи ягона бўлиши ҳамда бюджет тизими бюджетларининг даромадлари ва харажатларини шакллантириш ҳамда ижро этиш, бюджет ҳисобини юритиш ва бюджет ҳисоботини тузишнинг ягона тартибини кўзда тутати.

Мисол

Ўзбекистон Республикасининг барча вилоят, туман, шаҳарларининг бюджетлари бир хил, ягона белгиланган тартиб асосида шакллантирилиб, ягона меъёрлар асосида харажатлар амалга оширилади. Қолаверса, мамлакат ҳудудидаги барча бюджетдан молиялаштириладиган ташкилот ва муассасалар жойлашган жойидан қатъий назар бир хил бюджет қонунчилигига риоя этади.

Бюджет тизимининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишига мувофиқлиги принципи эса бюджет тизими Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилишига мувофиқ бўлиши лозимлигини ифодалайди. Яъни, 14 та йирик маъмурий ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳри) ҳамда мазкур ҳудудлар таркибига кирувчи туман ва шаҳарлар сонига тенг жами 220 га яқин маҳаллий бюджетлар мавжуд.

Бюджет тизими бюджетларининг баланслилиги ва ўзаро боғлиқлиги принципи бюджет тизими бюджетларида назарда тутилган харажатлар ҳажми уларнинг даромадлари ва тақчилликни қоплаш манбалари йиғиндисининг ҳажмига мувофиқ бўлишини, ҳамда бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ижро этишда бюджетларнинг маблағлари мазкур бюджетларнинг баланслилигини таъминлаш учун улар ўртасида қайта тақсимланиши мумкинлигини англатади.

Мисол

Ҳар бир вилоят бюджетининг ҳам, ёки туман бюджетининг ҳам даромадлари миқдори харажатлари миқдорига тенг бўлиши лозим. Агар харажатларни қоплашга етарли даромадлар бўлмаса, вилоят бюджетига республика бюджетидан, туман бюджетига эса ўзи бўйсунувчи вилоятнинг бюджетидан турли хил молиявий ёрдамлар (бюджет трансфертлари) ҳисобига даромадлар харажатларни қоплашга етарли миқдорда шакллантирилади, яъни баланслаштирилади⁶. Бюджет жараёнида туман бюджетлари фақат ўзлари бўйсунувчи вилоят бюджети билан, вилоятлар бюджетлари эса республика бюджети билан ўзаро боғлиқликда бўлади.

⁶ Мазкур механизм тўғрисида қўлланманинг 3-бобида батафсил ўқишингиз мумкин

Бюджет тизими бюджетлари даромадларини прогноз қилиш ва харажатларини режалаштириш принципи бюджет тизими бюджетларини тузишда бюджет таснифига мувофиқ, даромадлар уларнинг аниқ манбалари бўйича прогноз қилинишини, харажатлар эса йўналишлар бўйича режалаштирилишини билдиради.

Мисол

Бирор вилоят бюджетини тузишда мазкур бюджетга йил давомида тушиши кўзда тутилган даромадлар миқдори ва уларнинг манбалари, яъни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек солиқ бўлмаган тўловлар миқдори олдиндан белгиланган тартиб ва меъёрлар асосида прогноз қилинади. Яъни, вилоят бюджетининг даромади йил давомида қанча миқдорда бўлиши, ҳар бир солиқ туридан, айтайлик мол-мулк солиғи ёки ер солиғидан йил давомида қанча миқдорда даромад тушиши маълум бир нормативлар ва методлар асосида олдиндан пухта ҳисоб-китоб қилиниб, прогнозлаштирилади.

Худди шунингдек, бирор вилоят ёки туман бюджетининг харажатлари миқдори ҳам олдиндан режалаштирилади. Масалан, халқ таълимига ёки соғлиқни сақлаш муассасаларининг йил давомида харажатлари қанча миқдорда бўлади, ҳамда бу муассасалар харажатларига йўналтирилаётган маблағлар йил давомида қандай мақсадда сарфланиши режалаштирилади. Айтайлик, қанча миқдори иш ҳақига, иш ҳақидан ажратмаларга ёки коммунал тўловларга сарфланиши олдиндан махсус норма ва нормативлар асосида режалаштирилади.

Бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг аниқ йўналтирилганлиги ва мақсадлилиқ хусусияти принципи эса бюджет тизими бюджетларининг маблағлари муайян бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга ушбу маблағлардан белгиланган мақсадларни молиялаштиришда фойдаланиш учун ажратилишини назарда туттади.

Мисол

Бирор мактаб иш ҳақи учун ажратилган маблағлардан капитал таъмирлаш ёки коммунал тўловлардан қарзларни тўлаш учун фойдаланиши мумкин эмас.

Бюджет тизими бюджетларининг мустақиллиги принципи бюджет тизимининг турли даражадаги бюджетлари мустақил эканлигини билдиради. Яъни, вилоятлар бюджетлари ёки туман бюджет-

лари амалдаги қонунчилик доирасида ўзидан юқори турувчи бюджет бўғинига боғлиқ бўлмаган ҳолда даромадларни шакллантириши ёки харажатларни амалга ошириши мумкин.

Бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг натижадорлиги принципи бюджет жараёни иштирокчилари бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ижро этишда ўзларига берилган ваколатлар доирасида бюджет тизими бюджетларининг белгиланган ҳажмдаги маблағларидан фойдаланган ҳолда натижага эришиш заруриятини ифодалайди.

Туман халқ депутатлари Кенгаши туман бюджети лойиҳасини тузишда ободонлаштириш учун ажратилаётган маблағлар натижасида туман ҳудудининг қанча қисми асфальтланиши, қанча кўчат экилиши каби аниқ натижаларга эришишни кўзда тутиши лозим.

Мисол

Кассанинг ягоналиги принципи эса бюджет тизими бюджетларининг барча даромадлари Ягона ғазна ҳисобварағига киритилишини ва уларнинг харажатларини тўлаш ушбу ҳисобварақдан амалга оширилишини англатади. Маълумки, 2007 йилдан бошлаб республикамизнинг барча ҳудудларидаги бюджет ташкилотлари ва муассасалари тўлиқ ғазначилик тизимига ўтказилди. Вилоят, туман бюджети ва улардан молиялаштириладиган барча бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг жойлашган жойидан ёки ҳисоб рақами қайси банкда бўлишидан қатъий назар уларнинг даромадлари Ягона ғазна ҳисобварағига киритилади(жамланади) ва ўз навбатида харажатларни амалга оширишда ҳам ғазначилик тизими орқали маблағдан фойдаланиш мумкин.

Мисол

Тошкент молия институтининг ҳисоб рақами ДАТ Халқ банкнинг Чилонзор филиалида. Институт талабалари жорий ойда тўлов-контракт учун 500 миллион сўм тўлади. Мазкур сумма (даромад) олдин Ягона ғазна ҳисобварағига тушиб, сўнгга Ягона ғазна ҳисобварағидан Молия институти ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

Айтайлик, институтнинг моддий техника базасини яхшилаш учун компьютер харид қилинмоқчи. Институт ҳисоб рақамида пул етарли. Лекин институт тўғридан-тўғри ҳисоб рақамидаги пулдан уни сотиб ололмайди. Тегишли ғазначилик органига тақдим этилган ҳужжат ва ғазначилик ташкилотининг розилиги билангина харажатни амалга ошириш мумкин.

Бу механизм бюджет даромадлари ва харажатларини назорат қилиш, улардан оқилона фойдаланиш мақсадида амалга оширилади.

Бюджет жараёни иштирокчиларининг жавобгарлиги принципи бюджет жараёнининг ҳар бир иштирокчиси бюджет жараёнининг ҳар бир босқичида ўз ҳаракатлари учун жавобгар бўлишини назарда тутади. Маълумки, бюджет жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат молиявий назорат органлари, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар иштирок этадилар. Мазкур субъектларнинг ҳар бири бюджет жараёнидаги ўз ҳаракатлари учун жавобгар бўладилар.

Мисол

Мактаб директори штатлар жадвали, тарификация ва харажатлар сметасини тўғри тузилганлиги, ажратилган маблағлардан белгиланган мақсадлар учун тўғри фойдаланилганлиги, ҳисоботларни белгиланган тартибда тақдим этилганлиги юзасидан жавобгар ҳисобланади.

Худди шунингдек, халқ депутатлари Кенгашлари, туман молия бўлимлари, солиқ ва ғазначилик идоралари ҳам бюджет жараёнидаги ваколатлари доирасида жавобгар ҳисобланадилар.

Очиқлик принципи давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини кўриб чиқиш ҳамда қабул қилиш тартиб-таомилларининг жамият ва оммавий ахборот воситалари учун очиқлигини билдиради. Қолаверса, тасдиқланган давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ва харажатларининг миқдори, таркиби тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида (газета, журнал, бюллетень, ҳамда махсус интернет сайтлари) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиниб борилади. Шунингдек, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари чораклик, ярим йиллик, 9 ойлик ва йиллик ижросининг бориши тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида чоп этилади.

Мисол

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ва харажатларининг прогнози ва уларнинг чораклик ва йиллик ижроси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб-сайти ([www. mf.uz](http://www.mf.uz))да жойлаштирилиб, мунтазам янгилаб борилмоқда.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилмаси

Бюджет тузилиши (тузилмаси) - давлат бюджетини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар мажмуи (унинг ички бўлинмалари таркиби ва тузилмаси, улардан фойдаланиш соҳаларининг функционал чекланганлиги, ўзаро бўйсунувчанлиги, ўзаро алоқадорлиги ва таъсирчанлиги ҳамда ҳуқуқий томонларини инobatга олган ҳолда)ни билдиради. Ҳар бир мамлакатнинг бюджет тузилмаси унинг миллий-давлат ёки маъмурий-ҳудудий тузилиши билан белгиланади⁷.

Бюджет тузилиши давлат бюджети ва мамлакат бюджет тизимининг ташкил этилишини, унинг алоҳида бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни, бюджет тизимига кирувчи бюджетларнинг фаолият юритиши, ҳуқуқий асосларини, бюджетларнинг таркиби ва тузилишини, бюджет маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиб-тамоийллари ва ҳоказоларни белгилайди.

Мамлакатларнинг давлат тузилишидаги, ҳокимият турли даражаларининг бюджет ҳуқуқларидаги фарқлар турли шаклдаги ва моделдаги бюджет тузилишлари мавжудлигини белгилайди.

Бюджет тузилишининг марказлаштирилган, марказлаштиришдан чиқарилган ва аралаш моделлари мавжуд.

***Марказлаштирилган модель** барча бюджетлар ягона давлат бюджетида марказлаштирилиши билан тавсифланади, бунда ҳар бир юқори бюджетга бошқарувчилик роли бириктирилган бўлади (Франция, Италия, Қозоғистон, Ўзбекистон).*

***Марказлаштиришдан чиқарилган модель** бюджет тизими марказий ва маҳаллий бюджетларининг эркинлиги билан тавсифланади, бунда ушбу бюджетларнинг ҳар бири уларнинг харажатларини таъминловчи ўз даромадлар манбаларига эга бўлади (АҚШ, ГФР).*


***Аралаш модель** марказий бюджетга маҳаллий бюджетларни тартибга солиш роли бириктирилиши билан тавсифланади, бунда ушбу бюджетларнинг ҳар бири уларнинг харажатларини таъминловчи ўз даромадлар манбаларига эга бўлади (Россия Федерацияси)⁸.*

⁷ Маликов Т., Ҳайдаров Н. Бюджет (tizimi, tuzilmasi, jara'eni) Т.: «Иқтисод-молия», 2007 й. 10-бет

⁸ Срождидинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Т.- 2010 й., 31-бет.

Қуйида келтирилатган 2-расмда Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилишини (тузилмасини) кўришимиз мумкин

2-РАСМ: Ўзбекистон Республикаси бюджет тузилмаси⁹



Ўзбекистон Республикаси бюджет тузилмасининг бўғинлари ҳам ўз навбатида таркибий тузилишга эга.

Давлат бюджети (кўпчилик ҳолларда давлат мақсадли жамғармаларисиз Давлат бюджети деб юритилади) қуйидаги даражадаги бюджетлардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети;
2. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари.

Республика бюджети - давлат бюджетининг умумдавлат аҳамиятига молик тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

⁹ Муаллифлар томонидан тузилган

Маҳаллий бюджет - давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда маълум маъмурий бирликнинг даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети - давлат бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, мазкур бюджетда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети тузилмасига Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ва шаҳарларининг бюджетлари киради.

Мисол

Юқорида таъкидлаганимиздек, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда маъмурий тузилмага кўра республикага (Қорақалпоғистонга) бўйсунувчи 14 та туман ва 1 та шаҳар (Нукус) бюджетларини ўз ичига олади.

Маъмурий-ҳудудий бўлинишга мос ҳолда Вилоят бюджети вилоят бюджетини, вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарларнинг бюджетларини ўз ичига олади.

Туманга бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туманнинг бюджети туман бюджетини ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети тузилмасига эса шаҳар бюджети ва шаҳар таркибига кирувчи туманларнинг бюджетлари киради.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг таркибий тузилишини қуйидагича ифодалаш мумкин (3-расм).

3-РАСМ: Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг таркибий тузилиши¹⁰

¹⁰ Муаллифлар томонидан тузилган

4-РАСМ: Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг таркибий тузилиши¹¹



Давлат мақсадли жамғармалари эса қуйидагилардир:

- ▶ *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси;*
- ▶ *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси;*
- ▶ *Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси;*
- ▶ *Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси;*

¹¹ Муаллифлар томонидан тузилган

- ▶ *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси;*
- ▶ *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси;*
- ▶ *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси.*

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига эса қуйидагилар киради:

- ▶ *Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси;*
- ▶ *Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси;*
- ▶ *Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари;*
- ▶ *Бюджет ташкилотларининг ундириладиган тўловлар ҳисобига шакллантириладиган бюджетдан ташқари маблағлари.*

Назорат учун саволлар:

1. Бюджет тизими деганда нимани тушунасиз?
2. Бюджет тизими ўзида қандай муносабатлар йиғиндисини ифодалайди?
3. Мамлакатларнинг бюджет тизими нималарга боғлиқ бўлиши мумкин?
4. Мамлакатларнинг бюджет тизими неча бўғинли (поғонали) бўлиши мумкин?
5. Федератив давлатларда бюджет тизими қандай бўғинлардан ташкил топади?
6. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимининг қандай принциплари амал қилади?
7. Бюджет тизимининг ягоналиги принципи моҳиятини қандай изоҳлайсиз?
8. Бюджет тизимининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги принципи нимани кўзда тутаяди?
9. Бюджет тизими бюджетларининг баланслилиги ва ўзаро боғлиқлиги принципи нимани назарда тутаяди?
10. Бюджет тизими бюджетлари даромадларини прогноз қилиш ва харажатларини режалаштириш принципини қандай изоҳлайсиз?
11. Бюджет тизимининг очиқлик принципини қандай изоҳлайсиз?
12. Бюджет тузилиши (тузилмаси) деганда нимани тушунасиз?
13. Бюджет тузилишининг қандай моделлари мавжуд?
14. Давлат бюджети қандай даражадаги бюджетлардан иборат?
15. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари таркибига қандай бюджетлар киради?
16. Давлат мақсадли жамғармаларига қайси жамғармалар киради?
17. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари қандай классификацияланади (таснифланади)?

2-БОБ Бюджет тизимида маҳаллий бюджетларнинг ўрни

2.1. Маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти

Маҳаллий бюджетлар - Қорақалпоғистон Республикаси бюджетлари, вилоятлар бюджетлари, Тошкент шаҳар бюджети, ҳамда мазкур бюджетларга кирувчи қуйи (шаҳар, туман) бюджетларни ўз ичига олади. Уларнинг даромадлари ва харажатлари таркиби, бюджет жараёни ва бюджет ҳуқуқи қонун билан белгиланган.

Маҳаллий бюджетларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти унинг функцияларида намоён бўлади. Улар ҳақида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- ▶ *маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг молиявий асосини ташкил этувчи пул фондларини шакллантириш;*
- ▶ *бу пул фондларини ҳудудий иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳалар ўртасида қайта тақсимлаш ва ишлатиш;*
- ▶ *маҳаллий ҳокимиятга бўйсунувчи корхона, ташкилот ва муассасалар молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат олиб бориш.*

Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида муҳим таркибий қисмни ташкил этади ва маҳаллий ҳукумат органларининг фаолият кўрсатишларида молиявий манба бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, маҳаллий бюджет асосий молиявий режа сифатида тегишли ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг барча соҳалари ва йўналишларини тўлиқ қамраб олади.

Маҳаллий бюджетлар ишлаб чиқаришнинг якуний натижаларини аҳолига етказишнинг асосий йўналишини белгилаб берувчи воқита бўлиб, у орқали ижтимоий истеъмол фондлари аҳолининг айрим гуруҳлари ўртасида тақсимланади.

Юқоридагилар билан биргаликда, маҳаллий бюджетлар умумдавлат иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда, давлат маблағларини тақсимлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатда яратилган ЯИМни тақсимлаш ва аҳолига етказиш асосан бюджет тизими орқали амалга оширади. Бунда халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, уй-жой коммунал хизмат соҳаси билан боғлиқ асосий харажатлар маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур бобда маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти, маҳаллий бюджетларнинг даромад манбалари ва улардан молиялаштириладиган харажатлар йўналишлари ёритилган

Давлат томонидан ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ сиёсатни амалга ошириш катта миқдордаги моддий ва молиявий ресурсларни талаб қилади ва бу муҳим вазифалар маҳаллий ҳокимият органларига юклатилган. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш ҳам асосан маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади.

Умумдават пул маблағларини бюджет звенолари ўртасида тақсимланишининг асосини ҳудудий бюджетлар мустақиллиги, уларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши, улар даромадларини ҳудудий манбалар ҳисобидан шаклланиши тамойиллари ташкил этади. Ушбу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ўз даромадлари ва бошқариладиган манбалар ҳисобидаги даромадлардан шаклланади.

2.2. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар тизими

Корақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари бир неча манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Маҳаллий бюджетларнинг мазкур даромадлар манбаларини шартли равишда **2 гуруҳга** ажратиш мумкин:

I. Маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари

Маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари (ўзларининг даромадлари) деганда қонунчилик бўйича тўлиқ маҳаллий бюджетларга бириктирилган даромад манбалари тушунилади. Ҳозирги кунда маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадларига қуйидагилар киради:

1. Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар - минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манбаини вужудга келтириш, табиий ва бошқа моддий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий органларининг фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш мақсадида жорий этилган. Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

- ▶ *ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;*

Маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари - қонунчилик бўйича тўлиқ маҳаллий бюджетларга бириктирилган даромад манбалари

- ▶ транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;
- ▶ юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи;
- ▶ юридик ва жисмоний шахсларнинг ер солиғи, ягона ер солиғи;
- ▶ айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи;
- ▶ айрим турдаги хизматларни кўрсатиш учун йиғимлар.

Қуйида келтириляётган 1-жадвал маълумотлари орқали 2012-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларида маҳаллий солиқларнинг салмоғини кўришимиз мумкин.

1-жадвал: 2012-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларида маҳаллий солиқларнинг салмоғи

Кўрсаткичлар		2012		2013		2014		2015 (режа)	
		млрд. сўм	%	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%
ЖАМИ ДАРОМАДЛАР (мақсадли жамғармаларсиз)		21295,7	100,0	26223,2	100,0	31729,6	100,0	36184,9	100,0
Маҳаллий солиқлар		2314,7	10,9	2859,9	10,9	3582,1	11,3	4671,5	12,9
1.1.	Мулк солиғи	736,1	3,5	1011,6	3,9	1273,8	4,0	1716,7	4,7
1.2.	Ер солиғи	486,3	2,3	583,4	2,2	647,5	2,0	929,6	2,6
1.3.	Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилганлик учун солиқ	532,4	2,5	670,5	2,6	1085,1	3,4	1281,7	3,5
1.4.	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	559,9	2,6	594,4	2,3	575,7	1,8	743,5	2,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий веб-сайти (www.mf.uz)даги маълумотлар асосида тайёрланган

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, давлат бюджети даромадларида маҳаллий солиқларнинг миқдори ва салмоғи ўсиш характерига эга. Ушбу ҳолатни сўнгги йилларда мазкур солиқларни тўловчилар сонини ортиши, солиққа тортиш объектларининг кенгайиши ҳамда мулк солиғи, ер солиғи ва транспорт воситалари учун бен-

Мисол учун

зин, дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилганлик учун солиқларнинг ставкаларини оширилиши билан изоҳлаш мумкин.

2015 йилда жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкалари ўртача 10 фоизга оширилди. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкаларини ўзгариш динамикасини қуйидаги 2-жадвал маълумотлари орқали кўришимиз мумкин.

2-жадвал: Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси

Солиқ солинадиган объектларнинг номи		Солиқ ставкаси, мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан %да			
		2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
1	Турар жойлар, квартиралар (шаҳарларда жойлашган, умумий майдони 200 кв.м дан ошиқ бўлганлари бундан мустасно), дала ҳовли қурилмалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар	0,9	1,04	1,2	1,3
2	Шаҳарларда жойлашган умумий майдони қуйидагича бўлган турар жойлар ва квартиралар:				
	200 кв.м дан ошиқ ва 500 кв.м гача бўлган	1,1	1,25	1,4	1,6
	500 кв.м дан ошиқ бўлган	1,35	1,55	1,8	2,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти (www.soliq.uz)даги маълумотлар асосида тайёрланган

Агар жисмоний шахслар мол-мулкнинг баҳолаш органлари томонидан белгиланган инвентаризация қиймати мавжуд бўлмаса, солиқни ундириш учун 2015 йилда Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 20328,0 минг сўм (2014 йилда 18480,0 минг сўм эди) миқдорида, бошқа шаҳар ва қишлоқ жойларда эса 8833,0 минг сўм (ўтган йилда 8030,0 минг сўм эди) миқдорида мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.

Юридик шахслар мол-мулкидан ундириладиган солиқ ставкаси бир неча йиллардан буён 4% миқдорида сақланиб қолинмоқда. 2015 йилдан бошлаб юридик шахсларнинг кўчмас мулки қайси туманда (шаҳарда) жойлашган бўлса, мол-мулк солиғи ўша ҳудуднинг

маҳаллий бюджетига тўланади. 2015 йилгача мол-мулк солиғи юридик шахс рўйхатдан ўтган жойдаги маҳаллий бюджетга тўлаб келинмоқда эди.

Мисол

СОСА-COLA ичимлиги Ўзбекистон ЛТД компанияси Наманган вилоятида рўйхатдан ўтган. Мазкур компаниянинг Тошкент шаҳрида маҳсулот ишлаб чиқариш заводи мавжуд. 2015 йилгача компаниянинг Тошкент шаҳридаги филиалдан олинadиган мол-мулк солиғи Наманган вилоятига ўтказиб берилadиган эди. Эндиликда мазкур филиалдан олинadиган мол-мулк солиғи Тошкент шаҳар бюджетига тўланади.

Ер солиғи ставкалари жаҳон амалиётида қабул қилинганидек, ер қийматидан келиб чиқиб белгиланади. Ўзбекистон Республикасида ернинг бозор қиймати шаклланмаганлиги сабабли, 1 гектар суғориладиган ердан олинadиган деҳқончилик ялпи маҳсулотининг ўртача қийматидан келиб чиқиб, уни шартли баҳолаш амалга оширилади.

Солиқ ставкаларини белгилашда тупроқ бонитети (сифати) ҳисобга олинади. Бонитетни аниқлашда тупроқнинг генетик келиб чиқиши, механик таркиби, шўрланганлик даражаси, тупроқ қатламнинг сув ўткази олиши, зичлиги каби бошқа табиий хоссалари ҳисобга олинади. Тупроқ бонитети 100 балли тизим бўйича аниқланади. 100 балл 10 та классга бўлинади, яъни 1 класс ерлар ноль баллдан 10 баллгача, 2 класс ерлар 11 баллдан 20 баллгача, 3 класс ерлар 21 баллдан 30 баллгача ва ҳ.к. 10 класс ерлар 91 баллдан 100 баллгача баҳоланади. Бунда ернинг балл бонитети қанча юқори бўлса солиқ ставкаси ҳам шунча юқори белгиланади.

Ерлардан ноқишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланadиган юридик шахслардан олинadиган ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги ПҚ-2270-сонли Қарорига асосан қуйидагича гуруҳланади:

1. Суғориладиган жамоат қишлоқ хўжалиги ерлари учун ундириладиган ер солиғи ставкалари.

Мисол

2015 йил учун Жиззах вилояти учун суғориладиган жамоат қишлоқ хўжалиги ерлари учун ундириладиган ер солиғи ставкалари қуйидагича белгиланган.

3-жадвал: 2015 йилда Жиззах вилоятида суғориладиган жамоат қишлоқ хўжалиги ерлари учун ер солиғининг базавий ставкалари

№	Туман ва шаҳарлар	1 га 1-класс ер учун базавий солиқ ставкаси, сўмда
1.	Арнасой тумани	10588,2
2.	Бахмал тумани	10685,8
3.	Ғаллаорол тумани	12704,9
4.	Жиззах тумани	11754,2
5.	Дўстлик тумани	11542,6
6.	Зомин тумани	9524,0
7.	Зарбдор тумани	9524,0
8.	Зафарабод тумани	10052,5
9.	Мирзачўл тумани	11007,7
10.	Пахтакор тумани	11122,3
11.	Фориш тумани	11542,6
12.	Янгиобод тумани	6364,7
13.	Жиззах шаҳри	11754,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси 2014 йил 4 декабрдаги 2270-сонли Қарорининг 20-илоvasи

Бунда ерларнинг балл бонитети (класси) юқорилигига қараб қуйидагича ошириш коэффициентлари қўлланилади.

№	Класс	Балл бонитети	Ошириш коэффициенти
1.	I	0 – 10	(базавий ставка) 1
2.	II	11 – 20	1,50
3.	III	21 – 30	2,25
4.	IV	31 – 40	3,29
5.	V	41 – 50	4,67
6.	VI	51 – 60	6,78
7.	VII	61 – 70	9,00
8.	VIII	71 – 80	11,68
9.	IX	81 – 90	14,36
10.	X	91 – 100	17,50
11.		Баҳоланмаган ерлар	4,67

Мисол

Мирзачўл туманидаги 20 сотих (0.2 га) суғориладиган жамоат қишлоқ хўжалиги ерига эга юридик шахс ер солиғини ҳисоблаймиз. Юридик шахс ерининг балл бонитети 32 га тенг, демак у IV классга тўғри келади.

Ер солиғи суммаси қуйидагича: (Мирзачўл тумани учун 1 га 1-класс ер учун базавий солиқ ставкаси) 11 007,7 х (ер майдони) 0.2 х (IV класс учун белгиланган ошириш коэффициентни) 3,29 = 7243

Худди шунингдек, лалми экинзорлар, бўз ерлар ва кўп йиллик кўчатлар учун, суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар учун, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар учун, Тошкент шаҳрида ер участкаларидан фойдаланганлик учун, шаҳар ва посёлкалардаги ер участкалари учун, қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан фойдаланганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун, ҳамда қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан фойдаланганлик учун фуқаролардан ундириладиган ер солиғи ставкалари 1 га (гектар) ер учун ер қийматидан келиб чиққан ҳолда алоҳида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қароридан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимият идоралари ҳам ўзларининг ҳудудий территориясига қараб қарор чиқаришади ва унда тегишли коэффициентлар ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалик ерларининг сифати ер участкаси мулкдори, ер эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашувига қадар белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Шаҳарлар ва шаҳар кўрғонларининг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалик аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида ундирилади.

Юридик шахслар фойдаланадиган (шу жумладан, ер солиғини тўлашдан озод этилган), давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча ер участкалари учун ер солиғи юридик шахслар учун 2,0 коэффициентини қўллаган ҳолда тўланади. Давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча фойдаланиладиган ерлар учун юқорида кўрсатилган коэффициентни қўллаган ҳолда ер солиғи тўланмаган тақдирда солиқ тўловчиларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий жазо чоралари қўлланади.

Маъмурий ва саноат марказларига нисбатан олганда ер участкаларининг жойлашиш жойига боғлиқ ҳолда қишлоқ жойлари учун белгиланган ер солиғи ставкаларига қуйидаги коэффициентлар қўлланади:

- ▶ *Тошкент шаҳри атрофида 20 кмлик айланада - 1.30;*
- ▶ *Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказлари атрофида 15 кмлик айланада - 1.20;*
- ▶ *туман марказлари атрофида 10 кмлик айланада - 1,15;*
- ▶ *бошқа шаҳарлар атрофида 5 кмлик айланада - 1,10.*

Ер участкаларигача масофа шаҳарлар ва туман марказларининг маъмурий чегараларидан бошлаб автомобил йўллари бўйлаб белгиланади. Ер участкаси икки шаҳар яқинида жойлашган тақдирда шаҳарнинг юқорироқ функционал вазифасига мувофиқ келадиган коэффициент қабул қилинади.

Бир қишлоқ аҳоли пункти доирасида ягона ставкаларни белгилаш мақсадида солиқ тўловчиларга берилган ерлар, ерларнинг қандай қисми ушбу зонага киришига боғлиқ ҳолда, бутунлай шаҳар атрофи зонасига киритилади ёки ушбу зонадан бутунлай чиқарилади.

Таъкидлаш жоизки, 2015 йилда ер солиғи ставкалари 15 фоизга оширилди. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг ер участкаларига солиқ солишда ер участкаларининг норматив майдонидан ортиқ қисмига белгиланган солиқ ставкаларга нисбатан 1,5 миқдорида кўпайтирувчи коэффициент қўлланилиши белгиланди. Ер участкаларининг норматив майдонлари қуйидагича:

- ▶ *Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят буйсунувидаги шаҳарларда – 0,06 гектар (6 сотих)*
- ▶ *Бошқа аҳоли пунктларида (деҳқон хўжаликлари бундан мустасно) – 0,1 гектар (10 сотих)*

Мисол

Тошкент шаҳар Чилонзор туманида яшовчи фуқаро А.Раҳмоновнинг эгалигида 8 сотих (0,08 гектар = 800 кв.м.) ер участкаси мавжуд. 2014 ва 2015 йиллар учун ер солиғи суммаси қуйидагича ҳисобланади:

2014 йил учун:

$$800 \text{ м}^2 * 235 \text{ сўм (1 м}^2 \text{. учун)} = 188 \text{ 000 сўм}$$

2015 йил учун:

$$(600 \text{ м}^2 * 270 \text{ сўм (1 м}^2 \text{. учун)}) + (200 \text{ м}^2 * 270 \text{ сўм * 1,5)} = 243 \text{ 000 сўм}$$

Маҳаллий солиқлар орасида транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқ ҳам катта аҳамиятга эга. Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали бензин, газ ва дизель ёқилғисини реализация қилишда транспорт воситаларига

бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқ ставкалари 2015 йилда 10 фоизга оширилди.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқ ставкаларини ўзгариш динамикасини қуйидаги 4-жадвал маълумотлари орқали кўришимиз мумкин.

4-жадвал: Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқ ставкалари

Ёқилғи тури	2014 йилда	2015 йилда
Бензин ва дизель ёқилғиси	1 литр учун 265 сўм	1 литр учун 290 сўм
Суюлтирилган газ	1 литр учун 180 сўм	1 литр учун 200 сўм
Сиқилган газ	1 м ³ учун 220 сўм	1 м ³ учун 240 сўм

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли, 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сонли Қарорлари асосида тайёрланган

Яна бир маҳаллий солиқ саналмиш ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ставкаси эса анча йиллардан буён 8 % лигича ўзгармай келмоқда.

Маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий йиғимлар сирасига кирувчи айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи, масалан алкогольли маҳсулотлар билан савдо қилиш учун бир ойда энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида, қимматбаҳо металл ва тошлардан ясалган буюмлар билан савдо қилиш учун бир ойда энг кам иш ҳақининг 3,5 баробари миқдорида йиғим ундирилади.

2.Бозорлардан тушадиган даромадлар. Тегишли маъмурий ҳудуд (вилоят, туман, шаҳар)да жойлашган турли хил бозорлар (деҳқон бозорлари, буюм бозорлари, чорвачилик моллари бозори ва бошқалар)дан тушадиган даромадлар (бир марталик патта тўловлари) ҳам маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари қаторига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сонли «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг 4-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳар йили бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хиз-

матлар қийматининг минимал миқдорларини белгилайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳудудий молия ва солиқ органлари билан келишилган ҳолда бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ҳар йили белгиланадиган минимал миқдорлардан паст бўлмаган миқдорда тасдиқлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326 сонли «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, кўрсатиладиган мажбурий хизматлар рўйхати ва қиймати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади. Ушбу хизматлар бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино ва иншоотлар мулкдорларига кўрсатилади ҳамда улар учун кадастр ҳужжатларида кўрсатилган эгаллаган ер майдонларидан келиб чиқиб ҳақ тўланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан савдо қилинганда, бир жой (савдо ўрни) ўлчами 1-1,2 погон метр деб белгиланади ва шу ўлчамдан ортиқ ўрин учун қўшимча равишда ҳар бир савдо ўрни учун белгиланган тўлов миқдоридан жой ҳақи ундирилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари аралаш ҳолда сотилганда, тўлов сотиладиган маҳсулот турлари бўйича белгиланган энг юқори ставка бўйича ундирилади.

3. Юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари. Бундай даромадларга одатда совға, ҳадя кўринишда, шунингдек, беғараз ҳомийлик кўринишида тақдим этилган даромадлар киради.

4. Бошқа даромадлар. Бошқа даромадларга давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга беришдан ва сотишдан белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар, қонун ҳужжатларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар, товон пуллари ва жарима санкциялари, эгасиз мол-мулкни, мерос ҳуқуқи бўйича

давлат ихтиёрига ўтган мол-мулкни, ҳуқуқ бўйича давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган хазиналарни реализация қилишдан тушган тушумлар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар кирди.

Қуйида келтириладиган жадвалда Бухоро вилояти маҳаллий бюджети таркибида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар салмоғи келтирилган.

5-жадвал: 2014-2015 йилларда Бухоро вилояти маҳаллий бюджети таркибида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар салмоғи

Даромад турлари	2014 йил		2015 йил	
	млн. сўм	%	млн. сўм	%
ЖАМИ ДАРОМАДЛАР	883497,6	100	1075440,4	100
Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар	195735,9	22,2	263149,6	24,5
1. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	51353,4	5,8	69664,7	6,5
2. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	19745	2,2	25225,2	2,3
3. Ер солиғи (ягона ер солиғидан ташқари)	34516,5	3,9	52373,2	4,9
4. Ягона ер солиғи	14718,3	1,7	18770,6	1,7
5. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	22900,6	2,6	10215,9	0,9
6. Транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси ва газ истеъмол қилганлик учун солиқ	43709,8	4,9	62645,2	5,8
7. Бозорлар даромадидан тушум	7636,3	0,9	9440,8	0,9
8. Маҳаллий йиғимлар	1156	0,1	769	0,1
9. Бошқа тушумлар	3487,8	0,4	14045	1,3

Манба: Жадвал маълумотлари Бухоро вилояти маҳаллий бюджети даромадларининг дастлабки прогноз кўрсаткичлари асосида тузилган, ҳақиқатда вилоят бюджети даромадлари ижроси ушбу маълумотлардан фарқланиши мумкин

II. Маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи (балансловчи) даромадлари

Ўзбекистон бюджет амалиётида маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари (маҳаллий солиқлар ва йиғимлар) ҳудуд (вилоят, туман, шаҳар) бюджетидан амалга оширилиши лозим бўлган харажатларни қоплашга етмаслиги мумкин. Мазкур харажатларни молиялаштиришда узилиш бўлмаслигини таъминлаш мақсадида маҳаллий бюджетларга даромадларни тўлдириш учун қўшимча равишда тартибга солувчи даромадлар тақдим этилади. Маҳаллий бюджетлар даромадларини тартибга солиш механизмини қўлланмамининг кейинги параграфида кенгрок ёритамиз.

Маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи (балансловчи) даромадларига қуйидагилар киради:

1. Белгиланган норматив (миқдор)ларга мувофиқ умумдават солиқлари. Тўлиқ республика бюджетига тушиши лозим бўлган баъзи умумдават солиқларидан тегишли ҳудуд (вилоят, туман, шаҳар)нинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, мазкур маҳаллий бюджетдан амалга оширилиши режалаштирилган харажатлар миқдори, ҳамда маҳаллий бюджетнинг ўз даромадлари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда маълум бир миқдори(нормативи) маҳаллий бюджетларга қолдирилади. Бугунги кунда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ, кўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ каби умумдават солиқларидан ҳар йили маҳаллий бюджетларга маълум бир норматив(миқдорда) даги даромадлар қолдирилади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғи учун акциз солиғи бир неча йиллардан бери тўлиқ миқдорда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларига ўтказиб берилди.

Қуйида келтириладиган 6-жадвалда 2012-2013 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига умумдават солиқларидан ажратмалар меъёрларини кўришимиз мумкин.

6-жадвал: 2012-2013 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

Минтақалар номи		Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи		Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан ажратмалар		Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловидан ажратмалар	
		2012 йил	2013 йил	2012 йил	2013 йил	2012 йил	2013 йил
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	100	100	100	100	100	100
2.	Андижон вилояти	100	100	100	100	100	100
3.	Бухоро вилояти	53	55	100	100	100	100
4.	Жиззах вилояти	100	100	100	100	100	100
5.	Кашқадарё вилояти	65	52	100	100	100	100
6.	Навоий вилояти	61	66	100	100	100	100
7.	Наманган вилояти	100	100	100	100	100	100
8.	Самарқанд вилояти	100	100	100	100	100	100
9.	Сурхондарё вилояти	100	100	100	100	100	100
10.	Сирдарё вилояти	100	100	100	100	100	100
11.	Тошкент вилояти	62	57	100	100	100	100
12.	Фарғона вилояти	93	98	100	100	100	100
13.	Хоразм вилояти	100	100	100	100	100	100
14.	Тошкент шаҳри	5	5	5	5	5	5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675, 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сонли Қарорлари асосида тайёрланган

2. Бюджетларо трансфертлар. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар ва дотациялар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг навбатдаги тартибга солувчи даромадлари ҳисобланади.

Бюджетларо трансфертлар, уларнинг мазмуни ва турларини қўлланмамининг кейинги параграфидида кенгроқ ёритамиз.

бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари (% ҳисобида)

	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи		ҚҚС		Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ		Акциз солиғи			
	2012 йил	2013 йил	2012 йил	2013 йил	2012 йил	2013 йил	Ёнилғидан (бензин, дизел ёқилғиси, авиакеросин)		Алкоголли маҳсулотларга (этил спиртидан ташқари)	
	2012 йил	2013 йил	2012 йил	2013 йил	2012 йил	2013 йил	2012 йил	2013 йил	2012 йил	2013 йил
	100	100	100	100	100	100	53	55	50	50
	100	100	100	100					50	50
	50	50	53	55					50	50
	100	100	100	100						
	100	100	65	52					50	50
	61	66	61	66						50
	100	100	100	100					100	100
	100	100	100	100					100	100
	100	100	100	100	100	100			100	100
	100	100	100	100			93	98	100	100
	50	50	62	57					50	50
	100	100	93	98					50	50
	100	100	100	100					50	50
	5	5	5	5					50	50

2.3. Маҳаллий бюджетларнинг харажатлар тизими

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, маҳаллий бюджетлар ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг барча соҳалари ва йўналишларини тўлиқ қамраб олади, ҳамда турли иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда молиявий манба сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Амалдаги қонунчиликка кўра, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган харажатларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1) Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари. Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари миқдори ва кўлами катта бўлиб, ўз навбатида улар қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- ▶ умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, мактабдан ташқари таълим, педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, бошқа ёрдамчи ва услубий таълим муассасаларини сақлаб туриш харажатлари;
- ▶ болалар уйлари, давлат болалар шаҳарчаларини сақлаб туриш, қонун ҳужжатларида Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилиши назарда тутилган таълим тизимидаги ёрдамчи хизматлар ва мақсадли тадбирлар харажатлари;
- ▶ Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази филиалини, кўп тармоқли ва ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини, ихтисослаштирилган касалхоналар ва диспансерларни, туғуруқхоналар ва акушерлик мажмуаларини, тиббий ташхис қўйиш ва давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини, қон қуйиш хизмати ва суд-тиббиёт экспертизаси муассасаларини, Саломатлик ва тиббиёт статистикаси институти филиалини, ҳудудий соғлиқни сақлашни бошқариш органлари тасарруфидаги бошқа даволаш-профилактика муассасалари ва ёрдамчи ташкилотларни сақлаб туриш, шунингдек қонун ҳужжатларида Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилиши назарда

- тутилган хизматларга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ▶ қабул қилинган давлат дастурларига мувофиқ фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тадбирларини амалга ошириш харажатлари;
 - ▶ ҳудудий маданият ва спортни бошқариш органлари тасарруфидаги маданият, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини сақлаб туриш, шунингдек маданият ва спортни ривожлантиришга доир мақсадли тадбирларни амалга ошириш харажатлари;
 - ▶ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасарруфидаги архивларни сақлаб туриш харажатлари;
 - ▶ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасарруфидаги қариялар ва ногиронларнинг интернат-уйлари, пансионатлари ва санаторийлари, ногиронларни реабилитация қилиш марказларини, бошқа муассасаларни сақлаб туриш харажатлари, шунингдек аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир мақсадли тадбирлар харажатлари;
 - ▶ шаҳар йўловчилар транспорти ташувчиларининг йўловчиларни ва бағажни чекланган тарифлар бўйича ташиш, шунингдек алоҳида тоифадаги фуқароларни имтиёзли ташиш хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплаш харажатлари.

Қуйида келтирилаётган жадвалда Жиззах вилояти маҳаллий бюджети таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлари салмоғини кўришимиз мумкин.

7-жадвал: Жиззах вилояти маҳаллий бюджети таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлари салмоғи

Кўрсаткичлар		2014 йил		2015 йил	
		млн. сўм	%	млн. сўм	%
ХАРАЖАТЛАР - ЖАМИ		790510,2	100	814441,7	100
1. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами		639910,7	80,9	735613,7	90,32
1.1	Маориф	425697,8	53,9	490895,3	60,27
	- умумий таълим	336678,7	42,6	390939,2	48
	- кадрлар тайёрлаш	89019,1	11,3	99956,1	12,27

1.2	Соғлиқни сақлаш	144006,2	18,2	167451,4	20,56
1.3.	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	4998,2	0,6	5563	0,68
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	4873,7	0,6	5429,7	0,67
	- спорт	124,5	0,02	133,3	0,02
1.4	Фан	423,7	0,1	476,7	0,06
1.5	Ижтимоий таъминот	4464,8	0,6	5051,7	0,62
1.6	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар	59872,5	7,6	65668	8,06
1.7	Чернобыль фалокатини бартараф этишда қатнашганларни ижтимоий ҳимоялаш	1,7	0,0002	2,1	0,0003
1.8	Давлат мукофотларини тўлаш бўйича харажатлар	4,8	0,001	6	0,001
1.9	Ижтимоий кўникма марказлари	250,4	0,03	295,6	0,036
1.10	Иситиш қозонхоналари ва коммунал хўжаликнинг иситиш тизимларини капитал таъмирлаш	190,6	0,027	203,9	0,025

Манба: Жадвал маълумотлари Жиззах вилояти маҳаллий бюджети харажатларининг дастлабки прогноз кўрсаткичлари асосида тузилган, ҳақиқатда вилоят бюджети харажатлари ижроси ушбу маълумотлардан фарқланиши мумкин

2) Иқтисодиёт харажатлари. Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилиши назарда тутилган иқтисодиёт харажатлари куйидагилардир:

- ▶ қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат органларини сақлаб туриш, шу жумладан ҳайвонлар касалликларига қарши курашувчи муассасалар хизматларига ҳақ тўлаш, шунингдек ерларни рекультивация қилиш ишларини бажариш;
- ▶ уй-жой-коммунал хўжалиги объектларида таъмирлаш ишларини олиб бориш;
- ▶ сув йўлларининг айрим техник участкаларини сақлаб туриш;
- ▶ аҳоли пунктларини ободонлаштириш;
- ▶ шаҳарларнинг, бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш, шунингдек айрим ташкилотлар харажатлари;
- ▶ қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўрмон хўжалигини сақлаб туриш харажатлари.

8-жадвалда Тошкент вилояти маҳаллий бюджети таркибида иқтисодиёт харажатлари салмоғини кўришимиз мумкин.

8-жадвал: Тошкент вилояти маҳаллий бюджети таркибида иқтисодиёт харажатлари салмоғи

Кўрсаткичлар		2014 йил		2015 йил	
		млн. сўм	%	млн. сўм	%
ХАРАЖАТЛАР - ЖАМИ		1420634,3	100	1570515,2	100
1. Иқтисодиётга харажатлар		67586	4,76	81674,3	5,2
1.1	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	6118,4	0,43	6961,6	0,44
1.2	Тошкент вилояти ҳокимлигининг ўрмон хўжаликлари	14098,1	0,99	16555	1,05
1.3.	Ободонлаштириш	47369,5	3,33	58157,8	3,7

Манба: Жадвал маълумотлари Тошкент вилояти маҳаллий бюджети харажатларининг дастлабки прогноз кўрсаткичлари асосида тузилган, ҳақиқатда вилоят бюджети харажатлари ижроси ушбу маълумотлардан фарқланиши мумкин

3) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмачи бўлган марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари.

Мисол

Тошкент вилояти маҳаллий бюджетидан 2014 йилда марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш учун 23407,4 млн. сўм (жами вилоят бюджети харажатларининг 1,7 фоизи) миқдорда маблағ сарфланган бўлса, 2015 йилда 39929 млн. сўм (жами вилоят бюджети харажатларининг 2,5 фоизи) миқдорда маблағ йўналтирилиши режалаштирилган.

4) Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари-ни сақлаб туриш харажатлари.

Бу харажатларга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесини, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, уларнинг бошқармалари ва бўлимларини сақлаб туриш харажатлари киритилади.

Мисол

Наманган вилояти маҳаллий бюджетидан 2014 йилда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаш учун 12216,9 млн. сўм (жами вилоят бюджети харажатларининг 9,6 фоизи) миқдорда маблағ сарфланган бўлса, 2015 йилда 14143,5 млн. сўм (жами вилоят бюджети харажатларининг 9,6 фоизи) миқдорда маблағ йўналтирилиши режалаштирилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш учун эса 2014 йил 31300 млн. сўм миқдорда маблағ сарфланган бўлса (жами вилоят бюджети харажатларининг 31,3 фоизи), 2015 йилда 36064,6 млн. сўм (жами вилоят бюджети харажатларининг 2,4 фоизи) миқдорда маблағ йўналтирилиши режалаштирилган.

5) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармаларини шакллантириш харажатлари. Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари молия йили мобайнида иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги кўшимча, кўзда тутилмаган харажатлар ўз вақтида ҳамда узлуксиз молиялаштирилишини таъминлаш учун ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари маблағлари тегишинча Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тушадиган даромадлар ҳисобидан шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари маблағларининг тақсимловчилари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларидир.

Мисол

Наманган вилояти маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси 2014 йилда 1518,4 млн. сўм (жами вилоят бюджети харажатларининг 0,12 фоизи) миқдорни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 1765,5 млн. сўм (жами вилоят бюджети харажатларининг 0,12 фоизи) миқдорда маблағ захира жамғармасига йўналтирилиши режалаштирилган.

Худди шунингдек, Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси 2014 йилда 1638,8 млн. сўм (жами вилоят бюджети харажатларининг 0,12 фоизи) миқдорни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 1882,4 млн. сўм (жами вилоят бюджети харажатларининг 0,12 фоизи) миқдорда маблағ захира жамғармасига йўналтирилиши режалаштирилган.

6) Давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш харажатлари.

Бундай харажатларга маълум бир ҳудудни ободонлаштириш ёки зарур ҳолларда саноат корхоналари қуриш учун ўша ҳудуддаги юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларини олиш зарурияти туғилганда, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш назарда тутилади.

Мисол

Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмидаги Нурафшон кўчасида 2014 йилда олиб борилган янги йўл қуриш, ободонлаштириш учун жисмоний шахсларнинг ер участкаларини бузиш зарурияти туфайли мазкур жисмоний шахсларга шаҳарнинг бошқа ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйлардан квартиралар бериш ёки ер майдонлари ажратиш шаҳар маҳаллий бюджетининг ушбу тоифасидаги маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

7) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилдиган ташкилотлар ва тадбирларнинг харажатлари.

Бу харажат гуруҳига вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашига ўтказиладиган сайловлар харажатлари, сиёсий партияларнинг низом бўйича фаолиятини молиялаштириш харажатлари, «Мустақиллик» ва «Наврўз» каби умумхалқ байрам тантаналарини ўтказиш харажатларини киритишимиз мумкин.

Мисол

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетидан 2014 йилда маҳаллий бюджетдан молиялаштирилдиган бошқа муассасалар ва тадбирларга 945,8 млн. сўм (жами шаҳар бюджети харажатларининг 0,07 фоизи) миқдорда маблағ сарфланган бўлса, 2015 йилда 1932,6млн. сўм (жами шаҳар бюджети харажатларининг 1,2 фоизи) миқдорда маблағ йўналтирилиши режалаштирилган.

8) Қўйи бюджетларга бериладиган трансфертлар.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига бюджет ссудалари, дотациялар, субвенциялар ва ўтказиб бериладиган даромадлар ажратилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бюджет қонунчилигига кўра, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан эса қуйидаги харажатлар амалга оширилиши белгиланган:

а) Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари. Бу харажат тоифаси ўз ичига қуйидаги йўналишларни қамраб олади:

- ▶ туманлар (шаҳарлар) халқ таълими муассасалари фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларини, шунингдек улар тасарруфидаги мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим муассасаларини сақлаб туриш ҳамда қонун ҳужжатларида туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилиши назарда тутилган таълим тизимидаги тадбирлар харажатлари;
- ▶ туманлар (шаҳарлар) тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги даволаш-профилактика муассасаларини ҳамда давлат санитария-эпидемиология назорати туман, шаҳар муассасаларини сақлаб туриш харажатлари;
- ▶ қабул қилинган давлат дастурларига мувофиқ фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тадбирларини амалга ошириш харажатлари;
- ▶ туманлар (шаҳарлар) маданият ва спорт ишлари бўлимлари тасарруфидаги маданият, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини сақлаб туриш, шунингдек маданият ва спортни ривожлантиришга доир мақсадли тадбирлар харажатлари;
- ▶ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кам таъминланган оилаларга тайинланадиган ҳамда тўланадиган ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам ҳамда табиий офатлардан жабрланган оилаларга моддий ёрдам, уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш, Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатларини тугатишда иштирок этган шахсларни ва радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари.

9-жадвалда Тошкент шаҳар М. Улуғбек тумани маҳаллий бюджети таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари салмоғини кўришимиз мумкин.

9-жадвал: Тошкент шаҳар Мирзо-Улугбек тумани маҳаллий бюджети таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари салмоғи (млн. сўм)

Харажатлар	2012 йил	2013 йил	Ўсиш сурати (+; -) %
Харажатлар жами	65518,6	81549,7	24,5
Ижтимоий-маданий тадбирлар харажатлари жами	59796	74050,3	23,8
- маориф	46153,3	57255,6	24
- соғлиқни сақлаш	13304,3	16392,8	23,2
- маданият ва фан	217,1	292,89	34,8
- ижтимоий таъминот	121,2	109,7	-10,1

Манба: Жадвал маълумотлари Тошкент шаҳар М. Улугбек тумани маҳаллий бюджети харажатларининг дастлабки прогноз кўрсаткичлари асосида тузилган, ҳақиқатда туман бюджети харажатлари ижроси ушбу маълумотлардан фарқланиши мумкин

б) Иқтисодиёт харажатлари. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан амалга ошириладиган иқтисодиёт харажатларига ветеринария лабораториялари ва ҳайвонлар касалликларига қарши курашиш станцияларини сақлаб туриш харажатлари, шаҳарларнинг ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро автомобиль йўлларини таъмирлаш харажатлари, уй-жой-коммунал хўжалиги объектларида таъмирлаш ишларини олиб бориш харажатлари, ҳамда аҳоли пунктларини ободонлаштириш харажатлари киради.

Қуйида келтириладиган 10-жадвалда 2014 йилда Қарши шаҳар маҳаллий бюджети таркибида иқтисодиёт харажатлари салмоғини кўришимиз мумкин.

10-жадвал: 2014 йилда Қарши шаҳар маҳаллий бюджети таркибида иқтисодиёт харажатлари салмоғи

	Кўрсаткичлар	млн. сўмда	%
	Харажатлар - жами	86444,1	100
1.	Иқтисодиётга харажатлар	8605,6	11,49
1.1	- Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	110,4	0,15
1.2	- Ободонлаштириш	7 562,7	10,1
1.3	- Дренаж ишлари билан боғлиқ харажатлар	932,5	1,25

Манба: Жадвал маълумотлари Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар маҳаллий бюджети харажатларининг дастлабки прогноз кўрсаткичлари асосида тузилган, ҳақиқатда туман бюджети харажатлари ижроси ушбу маълумотлардан фарқланиши мумкин

в) Туман ва шаҳар ҳокимликларини ҳамда уларнинг бўлимларини сақлаб туриш харажатлари.

Қуйида келтирилаётган 11-жадвалда 2014 йилда Фарғона вилояти Боғдод тумани маҳаллий бюджети таркибида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари салмоғини кўришимиз мумкин.

11-жадвал: 2014 йилда Фарғона вилояти Боғдод тумани маҳаллий бюджети таркибида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари салмоғи

	Кўрсаткичлар	млн. сўмда	%
	Харажатлар - жами	68 316,1	100
1.	Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаш	683,5	1,1
2.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш	2068,7	3

Манба: Жадвал маълумотлари Фарғона вилояти Боғдод тумани маҳаллий бюджети харажатларининг дастлабки прогноз кўрсаткичлари асосида тузилган, ҳақиқатда туман бюджети харажатлари ижроси ушбу маълумотлардан фарқланиши мумкин

г) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш харажатлари.

д) Бошқа харажатлар, яъни қонун ҳужжатларида туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилиши назарда тутилган айрим ташкилотлар ва тадбирларнинг харажатлари.

Назорат учун саволлар:

- Маҳаллий бюджет деганда нимани тушунаси?
- Маҳаллий бюджет қандай вазифаларни амалга оширишни кўзда тутди?
- Маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадларига қандай даромадлар киради?
- Қайси солиқлар маҳаллий солиқлар ҳисобланади?
- Маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи(балансловчи) даромадлари деганда қандай даромадлар тушунилади?
- Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан қандай харажатларни амалга ошириш белгиланган?
- Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими харажатлари қайси даражадаги маҳаллий бюджетдан молиялаштирилади?
- Туман бюджетларида ҳам захира жамғармалари ташкил этиладими?
- Болалар уйлари харажатлари қайси даражадаги маҳаллий бюджетдан молиялаштирилади?
- Байрам тадбирларини ўтказиш харажатлари қайси даражадаги маҳаллий бюджетдан қопланади?
- Вилоят бюджети ва шу вилоятга бўйсунувчи туман ёки шаҳарлар бюджетларининг харажатлар йўналишлари бир хил кўринишга эгами?
- Давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарар қайси даражадаги маҳаллий бюджетдан молиялаштирилади?

Мазкур бобда бюджетлараро муносабатларнинг иқтисодий моҳияти ва зарурияти, бюджетлараро трансфертларнинг шакллари ва Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатлар механизми ёритилган

Бюджетлараро муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туманлар, шаҳарлар бюджетлари, шунингдек давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ўртасидаги бириктирилган харажатларни амалга ошириш учун зарур бўлган тегишли бюджетларни молиявий ресурслар билан таъминлашга доир муносабатлардир.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, 20-боб, 132-модда

3-БОБ Бюджетлараро муносабатлар

3.1. Бюджетлараро муносабатлар тушунчаси ва унинг зарурилиги

Бюджетлараро муносабатларнинг иқтисодий моҳиятини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- ▶ **биринчидан**, бюджетлараро муносабатлар кенг қамровли бюджет сиёсатини марказий ва ҳудудий даражада амалга ошириш жараёнининг ажралмас қисмидир;
- ▶ **иккинчидан**, бюджетлараро муносабатлар бюджет сиёсатининг бошқа йўналишларига нисбатан бирламчи аҳамият касб этади;
- ▶ **учинчидан**, бюджетлараро муносабатлар — нафақат бошқарувнинг турли даражаларидаги ҳокимият органлари ўртасидаги муносабат, балки энг аввало, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий тузилмалари субъектлари ўртасида марказ орқали шаклланган ва давлат ҳокимиятига унинг аниқ функцияларини ҳудудий даражада бажариш, жамият тараққиёти учун нормал шароитларни яратиш мақсадида берилган барча пул маблағларининг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши жараёнидаги муносабатлардир;
- ▶ **тўртинчидан**, ҳудудлардан, жойлардан марказий ҳокимият (республика даражаси)га маблағлар тушиб туришининг таъминланиши ўз навбатида уларга давлат бошқаруви бўйича аниқ вазифалар ва мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиб олиш ҳуқуқини ҳам беради, бу ҳолат республика давлат ҳокимиятининг ўз ҳудудлари манфаатида ягона ва самарали бошқарувни таъминлайди. Шу билан бирга, республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга маблағларни ажратилиши мамлакатни марказдан бошқаришда маҳаллий бюджетлар зиммасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши учун дастак яратади ҳамда ҳудудларда маълум маҳаллийчилик кайфиятлари юзага келишининг объектив асосларини бартараф этади;
- ▶ **бешинчидан**, бюджетлараро муносабатлар - бу мутлақо тенг аҳамиятли тарзда қуйидан юқорига ва юқоридан қуйига ҳаракатланувчи молиявий оқимлардир. Ушбу муносабатлар-

сиз турли даражадаги бюджетларни муваффақиятли шакллантириб бўлмас эди. Шу сабабли ушбу молиявий оқимлар маҳаллий бюджетларни шакллантирувчи таъсирчан омил ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари баланслаштирилган даромадлар ва харажатларга эга бўлиши лозим. Амалдаги қонунчиликка кўра, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тақчиллигига йўл қўйилмайди¹². Шу боис маҳаллий бюджетлар уларга бириктирилган харажатларни амалга ошириш учун зарур бўлган миқдорда даромадларга эга бўлмаган ҳолатда, уларга ўзларидан бир поғона юқори турувчи бюджетдан молиявий ресурслар ажратилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг туманлар ва шаҳарлар бюджетлари билан, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг туманлар ва шаҳарлар бюджетлари билан, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг бир-бири билан, шунингдек бошқа маъмурий-ҳудудий бирликнинг туманлари ва шаҳарлари бюджетлари билан, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида ўзаро муносабатларига йўл қўйилмайди.

Мисол

Даромадларни баланслаштириш учун Наманган вилоятининг Поп тумани маҳаллий бюджети тўғридан тўғри Чуст тумани маҳаллий бюджети, ёки Фарғона вилояти маҳаллий бюджети, шунингдек, Андижон вилояти Шаҳрихон тумани маҳаллий бюджети билан ўзаро муносабатларга (тақчилликни қоплаш учун турли кўринишдаги трансфертларни олишга) йўл қўйилмайди. Поп тумани маҳаллий бюджети фақат Наманган вилояти бюджети билан муносабатга кириша олади, яъни трансфертларни ола олади. Агар Наманган вилояти маҳаллий бюджетидан Поп тумани маҳаллий бюджетига берилиши лозим бўлган бюджет трансфертлари миқдорида етарли маблағ бўлмаса, вилоят ушбу маблағни республика бюджетидан олиб бериши мумкин.

¹² Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 20-боб, 142-моддаси

3.2. Бюджетлараро трансфертларнинг шакллари

Бюджетлараро трансфертлар - Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига, давлат мақсадли жамғармаларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган маблағлардир.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, 1-боб, 3-модда

Бюджетлараро трансфертлар-субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар, дотациялар, бюджет ссудаси ва ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар шаклида амалга оширилади.

Бюджетлараро трансфертларнинг ҳажмлари жорий молия йилида турли даражадаги бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўзгаришига сабаб бўлувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинганда, тегишли барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан ҳамда бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг ўзлаштирилишидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Юқори турувчи молия органи ташаббуси билан юқори турувчи бюджет қуйи турувчи бюджет олдидаги бюджетлараро трансфертнинг бир шакли бўйича мажбуриятлари қуйи турувчи бюджетнинг юқори турувчи бюджет олдидаги бюджетлараро трансфертнинг бошқа шакли бўйича мажбуриятларини камайтириш эвазига ҳисобга олиниши мумкин.

Субвенция — муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағларидир.

Мисол

Учтепа тумани маҳаллий бюджетида халқ таълими муассасаларига иш хақи ва ягона ижтимоий тўловни қоплаш учун етарли маблағ бўлмаса, Тошкент шаҳар бюджетидан субвенциялар ажратилади. Ушбу субвенция кўринишида олинган маблағлар фақат шу харажатларга йўналтирилиши лозим. Ушбу маблағдан бошқа харажатларни, айтайлик ижтимоий нафақаларни молиялаштиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига бериладиган субвенцияларнинг миқдорлари ҳар йили асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига бериладиган субвенцияларнинг миқдорлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан белгиланади.

Фойдаланилмаган субвенциялар жорий молия йили охирида тегишли юқори турувчи бюджетга қайтарилиши керак.

Ўтказиб бериладиган даромадлар — тегишли маъмурий-худудий бирликда шаклландиган ва юқори турувчи бюджетга ўтказиладиган, улар қаерда шаклланган бўлса, кейинчалик ўша маъмурий-худудий бирлик бюджетига ўтказиб бериладиган даромадлардир.

Мисол

СОСА-COLA ичимлиги Ўзбекистон ЛТД қўшма корхонаси Наманган вилоятида рўйхатдан ўтган. Мазкур компания Тошкент шаҳрида фаолият юритади. Тошкент шаҳридаги фаолиятдан олинadиган солиқларнинг баъзилари Наманган вилоятига ўтказиб берилади.

Ўтказиб бериладиган даромадларнинг умумий ҳажми Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қуйи турувчи бюджетларга - асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда; Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қуйи турувчи бюджетларга тушумлари ўтказиб бериладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳамда улар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тушумлари ўтказиб бериладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳамда улар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари билан биргаликда тасдиқланади.

Мисол

Бир корхона Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидан рўйхатдан ўтган бўлиб, фаолиятини Жиззах шаҳрида амалга оширади. Корхона фаолият юритаётган Жиззах шаҳар бюджетига солиқларни тўласа-да, мазкур корхона йил бошида Жиззах вилоят молия бошқармаси ва солиқ бошқармаси ҳамкорликда тузилган рўйхатга киритилган бўлса, корхонанинг Жиззах шаҳри маҳаллий бюджетига тўлаган солиқларининг муайян миқдори у рўйхатдан ўтган Зарбдор тумани маҳаллий бюджетига ўтказиб берилади.

Юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга ўтказиб бериладиган даромадларнинг суммаси тегишли қуйи турувчи бюджетга тушиши лозим бўлган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ўтказиб бериладиган даромадларни ўтказиш улар бўйича ҳақиқатда тушган тушумлар доирасида, бироқ уларнинг тасдиқланган ҳажмидан ортиқ бўлмаган миқдорда амалга оширилади.

Дотация — бюджет тизими бюджетларига уларнинг ўз даромадлари етишмаган тақдирда даромадлар билан харажатлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағларидир.

Мисол

Тошкент вилоятининг Чиноз тумани маҳаллий бюджетининг режалаштирилган харажатлари миқдори 120 млрд. сўм, аммо туман бюджетининг даромадлар прогнози 110 млрд. сўмни ташкил қилмоқда. Бундай ҳолатда бюджетдан молиялаштирилиши кўзда тутилган харажатларни амалга оширишда узилиш бўлмаслиги учун Тошкент вилоят маҳаллий бюджетидан Чиноз тумани маҳаллий бюджетига 10 млрд. сўм дотация берилади.

Юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга дотация қуйи турувчи бюджет харажатларининг режалаштирилган ҳажми субвенциялар ва ўтказиб бериладиган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда мазкур бюджет даромадларининг прогноз қилинган ҳажмидан ошиб кетган тақдирда ажратилади.

Дотациянинг миқдори Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қуйи турувчи бюджетларга ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига ажратилганда - асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда; Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратилганда -Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан белгиланади.

Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар молия йили мобайнида бюджетлар параметрлари ўзгарганда юқори ва қуйи турувчи бюджетлар ўртасида юзага келадиган ўзаро пул муносабатларидир.

Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар молия йили давомида қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги; Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг прогнози аниқлаштирилганлиги; бюджет ташкилот-

лари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бўйсунуви ўзгарганда харажатлар бир бюджетдан бошқа бюджетга ўтказилганлиги ёки капитал қўйилмалар лимитлари бюджетлар даражалари ўртасида қайта тақсимланганлиги муносабатлари билан юзага келади.

Мисол

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида спорт комплексини қуриш режалаштирилган бўлиб, унга сарфланган маблағлар туман бюджетидан ажратиш кўзда тутилган эди. Ушбу мақсад учун туман бюджетига 50 млрд. сўм маблағ ажратилган эди. Аммо, молия йили давомида вилоят ҳокимининг қарорига кўра ушбу комплекс вилоят маҳаллий бюджетидан молиялаштириладиган бўлди. Ушбу ҳолатда Тошкент вилояти молия бошқармаси спорт комплекси учун ажратилган 50 млрд. сўм маблағни ўзаро ҳисоб-китоб қилиб, маблағни Зангиота тумани бюджетидан Тошкент вилояти бюджетига ўтказди.

Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китобларга киритилиши лозим бўлган сумма юқори турувчи молия органи томонидан аниқланади.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бюджетлараро трансфертлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг шахсий ғазна ҳисобварағидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, шунингдек давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг шахсий ғазна ҳисобварақларига ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан бюджетлараро трансфертлар уларнинг шахсий ғазна ҳисобварақларидан туманлар, шаҳарлар бюджетларининг шахсий ғазна ҳисобварақларига, шунингдек давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг шахсий ғазна ҳисобварақларига ўтказилади.

Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан бюджетлараро трансфертлар уларнинг шахсий ғазна ҳисобварақларидан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг шахсий ғазна ҳисобварақларига ўтказилади.

Бюджетлараро трансфертларни ўтказиш ғазна мемориал ордерлари асосида амалга оширилади.

Бюджетлараро трансфертлар бўйича ҳисоб-китоблар жорий молия йилида қўшимча вақт даври ҳисобга олинган ҳолда тугалланиши керак. Кейинги йилнинг январь ойи молия йилига қўшимча вақт

даври бўлиб, бу давр мобайнида ўтган йил учун бюджет тизими бюджетларининг ижроси амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет тизими бюджетларининг кўшимча вақт давридаги ижроси бўйича операцияларни ўтказиш тартибини ва охириги муддатларини белгилайди.

Бюджет ссудаси — қайтариш шарти билан юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига, резидент-юридик шахсга ажратиладиган пул маблағларидир.

Бюджет ссудаси шаклидаги бюджетлараро трансферт бюджет манбаларининг тўлиқ сафарбар қилиниши тегишли бюджетларда назарда тутилган харажатлар қопланишини таъминламаган тақдирда, қайтариш шарти билан ва фоизсиз берилади.

Мисол

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида йилнинг 2-чорагида ижтимоий соҳа ходимларига иш ҳақи тўлаш учун маблағ етишмаяпти. Бундай ҳолда Жиззах вилояти маҳаллий бюджетидан Ғаллаорол тумани бюджет ссудаси(қарзи)ни олиши мумкин.

Бюджет ссудаси прогноз қилинган даромадлар ва режалаштирилган харажатлар ўртасидаги режали вақтинчалик касса узилишини қоплаш учун — тўққиз ойгача бўлган муддатга; даромадлар тушумлари ва харажатларни амалга ошириш ўртасида кутилаётган вақтинчалик касса узилишларини қоплаш учун — олти ойгача бўлган муддатга берилади.

Режали бюджет ссудаси даромадларнинг прогноз қилинган тушумлари, назарда тутилган субвенция, ўтказиб бериладиган даромадларнинг суммаси, айланма касса маблағларидан ва йил бошидаги эркин қолдиқлардан вақтинчалик маблағ жалб қилиш, дотация тасдиқланган тегишли бюджетларда назарда тутилган айрим чораклардаги харажатлар қопланишини таъминламаган ҳолларда берилди.

Бюджет ссудаси Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан — Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига; Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан — туманлар ва шаҳарлар бюджетларига уларнинг даромадлари ҳамда харажатлари ўртасидаги режали ёки кутилаётган вақтинчалик касса узилишини қоплаш учун берилади.

Бюджет ссудаларини беришнинг мажбурий шарти улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш, шунингдек жорий молия йили мобайнида уларни ўз вақтида қоплашдан иборатдир.

Бюджет ссудаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимликларнинг, давлат мақсадли жамғармасини тақсимловчи орган раҳбарининг бюджет ссудасига бўлган эҳтиёжни асословчи ҳисоб-китоблар илова қилинган ёзма сўрови асосида берилади. Бюджет ссудаси бериш тўғрисидаги ёзма сўровни кўриб чиқишда молия органи қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборот ва ҳисоб-китобларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимликларнинг, давлат мақсадли жамғармасини тақсимловчи орган раҳбарининг ёзма сўровини кўриб чиқиш яқунлари бўйича бюджет ссудасини бериш тўғрисидаги қарор:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан — Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан; Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан — тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари бошлиқлари томонидан беш иш куни ичида қабул қилинади.

Бюджет ссудасини ажратиш бюджет ссудасини бераётган молия органи ва бюджет ссудасини олувчи молия органи (ёки давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи орган) ўртасида бюджет ссудаси бериш тўғрисидаги шартнома билан расмийлаштирилади.

Бюджет ссудасини қайтариш муддатларини узайтириш бюджет ссудасини олувчида уни белгиланган муддатларда ўз вақтида тўлаш имкониятини истисно этадиган молиявий қийинчиликлар юзага келган ҳолларда амалга оширилади.

Бюджет ссудасини қайтариш муддатларини узайтириш бюджет ссудасини бериш учун ушбу моддада белгиланган тартибда ва шартлар асосида амалга оширилади.

Бюджет ссудасини олувчи тегишли молия органига бюджет ссудасини тўлаш муддатларини узайтириш тўғрисидаги ёзма сўров билан тўлаш муддати тугашидан камида беш иш куни олдин мурожаат этади.


Бюджет ссудасини тўлаш бюджет ссудасини бериш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатларда маблағларни ўтказиш; қуйи турувчи бюджетларга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказилиши керак бўлган субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар, бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар ва дотациялар эвазига ўзаро

ҳисобга олиш; иш ҳақини тўлаш, ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар, стипендиялар, пенсиялар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, компенсация тўловлари ва нафақалар тўлаш харажатлари қопланганидан сўнг қуйи турувчи бюджетларнинг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг шахсий ғазна ҳисобварақларидан маблағларни сўзсиз ундириб олиш йўли билан амалга оширилади.

3.3. Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатлар механизми

Бугунги кунда амалиётда маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисми бюджетлараро бошқарув йўллари орқали тартибга солувчи умумдавлат солиқлари ва бюджетлараро трансфертлар орқали шакллантирилиб, маҳаллий бюджетлар баланслаштирилган даромадлар ва харажатларга эга бўлиши таъминланмоқда (5-расмга қаранг).

5-РАСМ: Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетларнинг даромадларини баланслаш манбалари



Манба: Муаллифлар томонидан тузилган

Юқорида таъкидлаганимиздек, маҳаллий бюджетларни шакллантиришда маҳаллий даромадлар юқори ва барқарор улушга эга эмас. Шу боис, умумдавлат солиқларидан тушумлар ҳар йили қонуний тартибда белгиланадиган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади. Давлат ҳокимияти ва маҳаллий давлат бошқаруви органларининг барча даражалардаги маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришдаги роли, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидаги улушини кўпайтириш мақсадида қуйидаги умумдавлат солиқлари:

- ▶ сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ▶ юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;
- ▶ юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)дан олинадиган қатъий белгиланган солиқ;
- ▶ республикада ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиғи бўйича тушумлар ҳар йили тўлиқ ҳажмда маҳаллий бюджетлар даромадларига ўтказилади.

Бироқ, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, ҳам мазкур тўлиқ бириктирилган умумдавлат солиқлари, ҳам маҳаллий бюджет харажатларини қоплаш учун етарли эмас, шу сабабли маҳаллий бюджет даромадларининг асосий қисми тартибга солувчи даромадлар ҳисобига таъминланади. Умумдавлат солиқларининг маҳаллий бюджетларга ажратиладиган қисми ҳар йили қабул қилинадиган қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади. Қуйидаги умумдавлат солиқлари бюджет тизимининг бюджетлари ўртасида тақсимланади:

- ▶ юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- ▶ савдо ва умумий овқатланиш корхоналарнинг ягона солиқ тўлови;
- ▶ микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови;
- ▶ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- ▶ ҚҚС;
- ▶ ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- ▶ акциз солиғи;

Кўриниб турганидек, аксарият умумдавлат солиқлари тартибга солувчи даромадлар ҳисобланади ва ажратмаларнинг нормативларига мувофиқ, республика бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар ўртасида қайта тақсимланади.

Бу солиқларнинг «тартибга солувчи даромадлар» деб аталишига сабаб, улар умумдавлат солиқлари сифатида республика бюджетининг даромадлари манбаи бўлса-да, маҳаллий бюджетлар даромадлилик даражасини таъминлаш мақсадида маҳаллий бюджетларга меъёрлар асосида ажратилади. Бу меъёрлар солиқларнинг турлари ва ҳудудлар бўйича табақалаштирилган бўлади ва ҳар йили қайта кўриб чиқилади.

Бу меъёрлар молиявий йил бошлангунга қадар умумдавлат эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган харажатларнинг умумий ҳажми бўйича қарор қабул қилинганидан сўнг ўрнатилади. Нормативларни ўрнатишда маҳаллий ва умумдавлат солиқлари бўйича тушумларнинг прогнози, маҳаллий бюджетларнинг минимал харажатлари прогнозлари эътиборга олинади. Бу меъёрларнинг ўзгаришини маҳаллий бюджет харажатларини шу ҳудуддан тушадиган солиқлар ҳисобига қоплаш ва юқори бюджетлардан қуйи бюджетларга трансфертлар ҳажмини камайтириш зарурияти билан изоҳлаш мумкин.

Умумдавлат солиқлар нормативлари ҳар йили қайта кўриб чиқилади ва Олий Мажлис томонидан давлат бюджетини тасдиқлаш вақтида белгиланади (12-жадвалга қаранг).

Даромадларни бюджетлар ўртасида тақсимлашнинг умумлашган механизми солиқларни умудавлат ва маҳаллий солиқларга ажратишга асосланганлигини ва у ўтиш иқтисодиётидаги барча давлатлар учун хос бўлган хусусиятдир.

12-жадвал: 2014-2015 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

Минтақалар номи		Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи		Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан ажратмалар		Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловидан ажратмалар	
		2014 йил	2015 йил	2014 йил	2015 йил	2014 йил	2015 йил
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	100	100	100	100	100	100
2.	Андижон вилояти	100	100	100	100	100	100
3.	Бухоро вилояти	55	55	100	100	100	100
4.	Жиззах вилояти	100	100	100	100	100	100
5.	Кашқадарё вилояти	52	52	100	100	100	100
6.	Навоий вилояти	62	57	100	100	100	100
7.	Наманган вилояти	100	100	100	100	100	100
8.	Самарқанд вилояти	100	100	100	100	100	100
9.	Сурхондарё вилояти	100	100	100	100	100	100
10.	Сирдарё вилояти	100	100	100	100	100	100
11.	Тошкент вилояти	50	40	100	100	100	100
12.	Фарғона вилояти	98	100	100	100	100	100
13.	Хоразм вилояти	100	100	100	100	100	100
14.	Тошкент шаҳри	3	2	3	2	3	2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли ва 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сонли Қарорлари асосида тайёрланди

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетларнинг даромадларини баланслашнинг иккинчи манбаси – бу бюджетлараро трансфертлардир. Бюджетлараро трансфертлар субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар, дотациялар, бюджет ссудаси ва ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар шаклида амалга оширилади.

Бюджетлараро трансфертларнинг ҳажмлари жорий молия йилида турли даражадаги бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўзгаришига сабаб бўлувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинганда, шу-

бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари (% ҳисобида)

	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи		ҚҚС		Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ		Акциз солиғи			
	2014 йил	2015 йил	2014 йил	2015 йил	2014 йил	2015 йил	Ёнилгидан (бензин, дизел ёқилғиси, авиакеросин)		Алкоголли маҳсулотларга (этил спиртидан ташқари)	
	2014 йил	2015 йил	2014 йил	2015 йил	2014 йил	2015 йил	2014 йил	2015 йил	2014 йил	2015 йил
	100	100	100	100	100	100	55	55	100	100
	100	100	100	100		100			100	100
	50	50	55	55					50	50
	100	100	100	100		100				
	100	100	52	52					50	50
	62	57	62	57					50	50
	100	100	100	100		100			100	100
	100	100	100	100		100			100	100
	100	100	100	100	100	100			100	100
	100	100	100	100		100	98	100	100	100
	50	40	50	40					50	50
	100	100	98	100		100			50	100
	100	100	100	100					100	100
	3	2	3	2					50	50

нингдек, тегишли барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан ҳамда бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг ўзлаштирилишидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Шундай қилиб, маҳаллий бюджетларни баланслаштириш мақсадида республика бюджети томонидан қуйи бюджетларга субвенциялар, дотациялар ва бюджет ссудалари кўринишидаги молиявий ёрдамлар амалга оширилади.

Қуйида келтирилаётган 13-жадвалда 2013-2015 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлар ва харажатлар ҳажмлари, республика бюджетидан субвенцияларнинг чекланган миқдорларини кўришимиз мумкин (13-жадвалга қаранг).

13-жадвал: 2013-2015 йиллар учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлар ва харажатлар ҳажмлари, республика бюджетидан субвенцияларнинг чекланган миқдорлари (млрд. сўм)

Минтақалар номи		Даромадлар			Харажатлар			Халқ талими муассасаларига иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов ҳамда ижтимоий нафакани молиялаштириш учун субвенциялар		
		2013	2014	2015	2013	2014	2015	2013	2014	2015
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	485,1	601,1	763,5	939,8	1096,4	1269,9	454,8	495,4	506,4
2.	Андижон вилояти	635,7	1368,9	1575,4	1 178,8	1368,9	1575,4	543,1		
3.	Бухоро вилояти	804,0	916,1	1075,4	804,0	916,0	1075,4			
4.	Жиззах вилояти	294,9	341,5	447,2	608,9	713,5	814,4	314,0	372,0	367,2
5.	Қашқадарё вилояти	124,7	1442,9	1676,2	1245,7	1442,9	1676,2			
6.	Навоий вилояти	526,2	615,7	725,3	526,2	615,7	725,3			
7.	Наманган вилояти	556,4	758,5	875,7	1087,6	1266,8	1473,0	531,2	508,4	597,4
8.	Самарқанд вилояти	729,1	1098,7	1742,9	1500,6	1741,0	1992,9	771,5	642,2	250,0
9.	Сурхондарё вилояти	514,9	606,6	754,3	1071,0	1225,0	1399,4	556,2	618,4	645,1
10.	Сирдарё вилояти	268,7	317,7	407,0	421,2	477,3	562,7	152,5	159,6	155,7
11.	Тошкент вилояти	119,4	1367,3	1570,5	1190,4	1367,3	1570,5			
12.	Фарғона вилояти	1520,7	1760,3	2002,1	1520,7	1760,3	2002,1			
13.	Хоразм вилояти	417,2	808,7	1033,6	781,3	942,0	1033,6	364,1	133,2	
14.	Тошкент шаҳри	1308,6	1390,2	1569,4	1308,6	1390,2	1569,4			
Жами		10497,4	13394,2	16218,6	14184,9	16323,3	18740,4	3687,2	2929,1	2521,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сонли, 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли, 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сонли Қарорлари асосида тайёрланди

13-жадвалдаги маълумотлар қуйидагиларни акс эттиради: Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Тошкент, Фарғона вилоятлари (2014 йилдан бошлаб Андижон вилояти, 2015 йилдан Хоразм вилояти ҳам) ва Тошкент шаҳри тартибга солувчи солиқлар ҳисобига баланслаштирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах вилоятлари тартибга солувчи солиқлар, ўтказиб бериладиган даромадлар ҳамда иш берувчиларнинг ажратмаларини, ижтимоий

нафақаларни тўлашда субвенциялар ёрдамида баланслаштирилади.

Наманган ва Сурхондарё вилоятларига умумдавлат солиқларидан ажратмалардан, ўтказиб бериладиган даромадлар ва субвенциялардан ташқари 2009 йилда дотациялар ҳам ажратилган эди. 2010 ва 2011 йилда фақат Наманган вилояти дотацион минтақа бўлиб қолганди, 2012 йилдан бошлаб ҳеч бир вилоятнинг маҳаллий бюджетига дотация берилмади. Вилоятларга берилган дотация миқдорларининг 2005-2015 йиллардаги ўзгариш тенденцияси иловада келтирилган.

2013 йилда 8 та маҳаллий бюджетга жами 3687,2 млрд. сўм субвенсия ажратилган бўлса, 2014 йилда 7 та ҳудудга бу миқдор 2929,1 млрд. сўмни ташкил қилган. 2015 йилда эса 6 та маҳаллий бюджетга 2521,8 млрд.сўм субвенсия ажратилиши режалаштирилган. Субвенция оладиган ҳудудлар ва субвенциялар миқдорининг камайиб бораётганлиги ижобий ҳолдир, албатта.

Хулоса қилиб айтганда, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тақчиллигига йўл қўйилмайди. Шунингдек мазкур маҳаллий бюджетларини қабул қилиш ва ижро этишда маблағлар жалб қилишни амалга оширишга (юқори турувчи бюджетлардан бюджет ссудалари олиш бундан мустасно), тасдиқланган бюджетдан ажратилган маблағлардан ортиқ харажатларни амалга оширишга, тегишли бюджетлар маблағлари ҳисобидан бошқа юридик ва жисмоний шахслар фойдасига молиявий кафолатлар ва кафилликлар беришга, ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга бюджет ссудалари ва кредит линиялари беришга йўл қўйилмайди.

Назорат учун саволлар:

1. Бюджетлараро муносабатлар деганда нимани тушунасиш?
2. Бюджетлараро муносабатларда қайси даражадаги бюджетлар ўртасида ўзаро муносабатларига йўл қўйилмайди?
3. Бюджетлараро трансфертлар деганда нимани тушунасиш?
4. Бюджетлараро трансфертлар қандай шаклларда амалга оширилади?
5. Субвенция нима?
6. Ўтказиб бериладиган даромадлар деганда нимани тушунасиш?
7. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тушумлари ўтказиб бериладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳамда улар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари рўйхатини ким тасдиқлайди?
8. Дотация нима?
9. Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар деганда нимани тушунасиш?
10. Бюджетлараро трансфертларни ўтказиш қандай ҳужжат асосида амалга оширилади?
11. Бюджет ссудаси нима?
12. Бюджет ссудаларини беришнинг мажбурий шартинимадан иборат?
13. Қайси умумдавлат солиқлари тўлиқ ҳажмда маҳаллий бюджетлар даромадларига ўтказилади?
14. Қайси умумдавлат солиқлари бюджет тизимининг бюджетлари ўртасида тақсимланади?

4-БОБ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси ва унинг бюджет тизимини тартибга солишдаги аҳамияти

Мазкур бобда Ўзбекистонда Бюджет кодексини қабул қилинишининг зарурияти, Бюджет кодексининг таркибий тузилиши, аҳамияти ва афзалликлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексини мукамаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ёритилган

4.1. Ўзбекистонда Бюджет кодекси қабул қилинишининг зарурияти

Маълумки, давлат бюджети ижтимоий муносабатларнинг бир қисмини ифода этиб, давлатнинг ихтиёрига мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот (миллий даромад)нинг нисбатан каттагина қисмини тўплаш ва уни жамият тараққиёти турли соҳаларининг (иқтисодиёт, маориф, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, ижтимоий таъминот, бошқарув, муҳофаза ва бошқалар) ривожланишига йўналтириш имконини берадиган муҳим тақсимлаш инструменти (воситаси)дир¹³.

Қонунчилик тили билан айтганда, давлат бюджети – давлат пул маблағларининг, шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Бинобарин, давлат бюджети даромадларининг тўғри ва тўлиқ шакллантирилишини таъминлаш ҳамда харажатларини тўғри йўналтиришга қаратилган оқилона бюджет сиёсатини юритиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда, албатта, ушбу жараённинг ҳуқуқий негизи - қонунчилик катта роль ўйнайди.

Ўзбекистонда аҳолининг фаровонлик даражаси, фуқароларга кўрсатиладиган хизматлар, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда кўрсатиладиган бюджет хизматларининг сифати ва самараси бюджет қонунчилиги билан узвий боғлиқдир.

Мамлакатимизда бюджет тизими муносабатлари бугунги кунга қадар «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги қонунлар ҳамда шу соҳага тегишли қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинмоқда эди. Бу эса алоҳида меъёрларнинг турлича талқин қилинишига ва уларни амалга оширишнинг мураккаблашувига олиб келмоқда эди¹⁴.

¹³ Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. – Т: «Шарқ», 2010 й., 455- бет.

¹⁴ Алимов Н. Янги кодекс лойиҳаси муҳокамада. «Биржа» газетасининг 25.11.2013 даги № 137-сони

Давлат молиясини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, бюджет тизимининг устувор йўналишларини ягона битта ҳужжат орқали тартибга солиш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ва давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида 2013 йил 26 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида» ЎРҚ-360-сонли Қонуни қабул қилинди, ҳамда мазкур Қонунга асосан, Ўзбекистон Республикасида 2014 йил 1 январдан бошлаб Бюджет кодекси эксперимент тариқасида, 2014-2015 йиллар давомида синов шarti билан амалга киритилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўзининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш ниётида халқаро донорлик ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда давлат маблағларини бошқариш тизимини ислоҳ қилмоқда. 2014 йилдан кучга кирган Бюджет кодекси бу йўналишдаги ўзаро ҳамкорликнинг яна бир натижасидир. Бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, мамлакатимиздаги барча манфаатдор идоралар, БМТ Тараққиёт Дастури, ХВФ ва АДЕТЕФ (Франция) каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан бевосита ҳамкорликда ишлаб чиқилди. Бюджет кодекси лойиҳасини тайёрлаш жараёнида қатор мутахассислар ва мустақил экспертлардан иборат идоралараро ишчи гуруҳи томонидан икки йил давомида қизғин иш олиб борилди.

Кодексни ишлаб чиқишда дунёдаги иқтисодий жиҳатдан тез суръатлар билан ўсишга эришаётган, ижтимоий ҳимояси кучли бўлган давлатлар тажрибаси ўрганилди. Бунда асосий ўринда халқаро стандартлар асосида давлат бюджети тақсимотини оммавий эълон қилиш, ундаги параметрларнинг, яъни ҳуқуқларнинг кенгайтирилиши, халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқлаштириш, бюджетни ўрта муддатларга режалаштириш, бюджет маблағлари ишлатилиши натижаларини таҳлил қилиш, бюджет ташкилотлари текширувини тартибга солиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бюджет кодекси асосида бюджет тизимининг ҳуқуқий механизми такомиллаштирилди ва унификация қилинган ҳолда, ривожланган мамлакатларда ўзини оқлаб келаётган давлат молиясини бошқаришнинг замонавий усуллари шакллантирилди.

Таъкидлаш жоизки, молия-бюджет тизимида мазкур норматив ҳужжатнинг қабул қилиниши, Ўзбекистонни МДХ давлатлари орасида Бюджет кодекси мавжуд бўлган бешта давлатдан бири сифатида эътироф этиш имконини берди (14-жадвалга қаранг).

14-жадвал: МДҲ давлатларида Бюджет кодексининг мавжудлиги

МДҲ давлатлари	Бюджет кодексининг мавжудлик ҳолати	
 Арманистон	<i>мавжуд эмас</i>	
 Белоруссия	мавжуд	16.07.2008 йилда қабул қилинган
 Молдавия	<i>мавжуд эмас</i>	
 Озарбайжон	<i>мавжуд эмас</i>	<i>лойиҳаси устида ишланмоқда</i>
 Россия	мавжуд	31.07.1998 йилда қабул қилинган
 Тожикистон	<i>мавжуд эмас</i>	
 Туркменистон	<i>мавжуд эмас</i>	<i>лойиҳаси устида ишланмоқда</i>
 Украина	мавжуд	21.06.2001 йилда қабул қилинган
 Қозғистон	мавжуд	04.12.2008 йилда қабул қилинган
 Қирғизистон	<i>мавжуд эмас</i>	<i>лойиҳаси устида ишланмоқда</i>
 Ўзбекистон	мавжуд	26.12.2013 йилда қабул қилинган

Манба: www.google.com қидирув портали орқали мазкур давлатларнинг Олий қонунчилик органларининг расмий интернет сайтлари маълумотлари асосида муаллифлар томонидан мустақил тайёрланган

Халқаро тажрибада, Бюджет кодекси – маълум бир мамлакат бюджет тизимининг асосларини, унинг тузилиши, умумий принципла-

рини, турли даражадаги бюджетлар ва уларнинг ваколатларини, бюджет жараёни асослари ва бюджетлараро муносабатларни, бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгиловчи қонун ҳужжати ҳисобланади¹⁵.

Мамлакатимизда мазкур норматив ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад - амалда қўлланилаётган меъёрлар, низомлар ва бюджет жараёни иштирокчиларининг ваколатларини тизимлаштириш, шунингдек, бюджет жараёнини тартибга солувчи ҳамда амалдаги қарама-қарши ва эскирган меъёрларни бартараф қилувчи яхлит қонунчилик ҳужжатини яратишдан иборатдир.

Қолаверса, Бюджет кодекси барча манфаатдор тарафларни бюджет тизими ва бюджет жараёни тўғрисидаги кенг қамровли ҳамда ишончли ахборот билан таъминлашга хизмат қилади. Бу ахборот давлат бюджетини ишлаб чиқиш ва ижро этиш билан шуғулланаётган ҳукумат учунгина эмас, балки Олий Мажлис, маҳаллий ҳокимият органлари, бюджет ташкилотлари ва барча фуқаролар учун ҳам муҳимдир. Бюджет кодекси минтақаларда ресурсларни қайта тақсимлаш ва уларнинг даромад салоҳиятини мустақамлашнинг барқарор ҳамда самарали механизмини таъминлашга қаратилган. Бюджет ташкилотлари учун бу – бюджетларни тузиш ва ижро этиш ҳамда улар олдига қўйилган вазифаларни бажаришнинг аниқ ва равшан қоидаларидир.

Фуқаролар учун эса Бюджет кодексининг қабул қилиниши шу боис ҳам муҳимки, бугунги кунда Давлат бюджетининг қарийб 60%и ижтимоий соҳага йўналтириляпти. Булар таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимояга доир харажатлардир. Тегишинча, агар қонунчилик Давлат бюджетининг ижроси ва унинг ижросини назорат қилишнинг аниқ таомилларини таъминласа, соғлиқни сақлаш ва таълим каби хизматларидан кенг фойдаланишни таъминлаш, аҳолининг ночор гуруҳларини қўллаб-қувватлаш ва давлатнинг бошқа ижтимоий мажбуриятларини самарали бажариш мумкин¹⁶.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, мазкур кодекс мамлакатимизнинг мустақиллик давридаги қонунчилик фаолиятида қабул қилинган 16-кодекс бўлиб, у молиявий муносабатларни тартибга соладиган Божхона ва Солиқ кодексларидан кейин қабул қилинган, молия соҳасига тааллуқли бўлган учинчи кодексдир. Янги кодекс амалдаги Божхона ва Солиқ кодекслари билан биргаликда давлат маблағларининг халқаро стандартларга мос ягона ва бирхиллаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш имконини беради.

¹⁵ А.М. Бабич, Л.Н. Павлова. Государственные и муниципальные финансы. Учебник для вузов. Издательство: Юнити-Дана, 2012 г. 703 стр.

¹⁶ Б.Юсупов. Бюджет кодекси лойиҳаси тақдимоти. «Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг 2013 йилдаги №33-сони.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда бюджет жараёнининг айрим босқичлари бир нечта қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши, баъзи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормалари турлича талқин қилиниши, бир хил нормаларни ҳаётга татбиқ қилишнинг қийинлиги, «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуннинг алоҳида моддалари янги талабларга мувофиқ эмаслиги амалиётда бир қанча муаммоларни вужудга келтираётган эди. Бюджет кодекси бу камчиликларни бартараф этиш, амалиётда ўзини оқлаган меъёрлар ҳамда халқаро тажриба ҳисобга олинган ҳолда айти йўналишдаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида бутун бюджет жараёнини тартибга солувчи ягона ҳужжат сифатида ишлаб чиқилди.

Бюджет кодексининг қабул қилиниши давлат молиясининг халқаро стандартларга мос келувчи, ягона унификациялашган қонунчилик базаси яратилишига олиб келди. Унда назарда тутилган меъёрлар ва қоидалар бюджет жараёнининг барча босқич ва даражаларида ягона ҳуқуқий нормалар қўлланилишини ва бир хил ёндашувни таъминлаш орқали бюджет жараёнининг ҳамма иштирокчилари ишини енгиллаштиришга қаратилган. Ушбу кодекс нафақат молия, ғазначилик ёки назорат-тафтиш органлари ходимлари учун, балки бюджет жараёнида бевосита иштирок этувчи маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакиллари учун ҳам муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

4.2. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг таркибий тузилиши

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси юқорида таъкидлаганимиздек, тараққий этган мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг асосий иккита – «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджети ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонунларнинг деярли барча меъёрларини ҳамда бюджет жараёнининг алоҳида масалаларини тартибга солувчи олтита қонун, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари ва идоралараро жами 50 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ўз ичига қамраб олган ҳамда унда турли қонуности ҳужжатларида назарда тутилган меъёр ва қоидалар тизимлаштириб, мувофиқлаштирилган, бюджет қонунчилигида фойдаланиладиган аниқ тушунчаларга таърифлар берилган.

Шунингдек, бюджет жараёнига янги усуллар ва дастакларни жорий этиш, ҳамда халқаро стандартлар ва меъёрларни мослаштириш учун асос яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг асоси ва ташкилий структурасини қуйидагича ифодалаш мумкин (6-расмга қаранг).

6-РАСМ: Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг асоси ва ташкилий структураси



Манба: Муаллифлар томонидан мустақил тузилган

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси қабул қилиниши муносабати билан, 2014 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонулари ўз кучини йўқотган деб топилган бўлса, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди¹⁷.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси таркибий тузилиши 6-расмда кўрсатилганидек, 2 қисм, 9 та бўлим, 28 та боб ва 192 та моддадан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг умумий қисми 5 та бўлим(I-V бўлимлар), 15 та боб (1-15 боблар), 82 та модда (1-82 моддалар)дан иборат бўлса, Бюджет кодексининг махсус қисми эса 4 та бўлим (IV-IX бўлимлар), 13 боб (16-28 боблар), 110 модда(83-192 моддалар)дан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг таркибий қисмларини 7-расм кўринишида ифодалашни мақсадга мувофиқ деб билдик.

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги ЎРҚ-361-сонли Қонуни, 2013 йил 27 декабрь.

7-РАСМ: Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг умумий қисми (5 бўлим, 15 боб, 82 модда)

I БЎЛИМ. Умумий қоидалар (1-4 боблар)

- 1-боб. Асосий қоидалар (1-5 моддалар)
- 2-боб. Бюджет тизими тушунчаси ва принциплари (6-17 моддалар)
- 3-боб. Бюджет таснифи (18-24 моддалар)
- 4-боб. Бюджет соҳасидаги ваколатлар (18-24 моддалар)

II БЎЛИМ. Бюджет тизими бюджетлари (5-6 боблар)

- 5-боб. Давлат бюджети (34-35 моддалар)
- 6-боб. Давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари (36-44 моддалар)

III БЎЛИМ. Ўзбекистон Республи- касининг консолида- циялашган бюджети (7-8 боблар)

- 7-боб. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети (45-46 моддалар)
- 8-боб. Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (47-49 моддалар)

IV БЎЛИМ. Бюджет тизими бюд- жетларининг даро- мадлари (9-12 боблар)

- 9-боб. Давлат бюджети даромадлари (50-52 моддалар)
- 10-боб. Давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари (53-59 моддалар)
- 11-боб. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари (60-63 моддалар)
- 12-боб. Беғараз ёрдам (64-68 моддалар)

V БЎЛИМ. Бюджет тизими бюд- жетларининг хара- жатлари (13-15 боблар)

- 13-боб. Давлат бюджети харажатлари (69-73 моддалар)
- 14-боб. Давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари (74-80 моддалар)
- 15-боб. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари харажатлари (81-82 моддалар)

Манба: Муаллифлар томонидан мустақил тузилган

8-РАСМ: Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг махсус қисми (4 бўлим, 13 боб, 110 модда)

VI БЎЛИМ.

Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда тасдиқлаш (16-18 боблар)

16-боб. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини тузиш тартиби (83-96 моддалар)

17-боб. Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини кўриб чиқиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш тартиби (97-101 моддалар)

18-боб. Харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини тузиш ҳамда тасдиқлаш, уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби (102-108 моддалар)

VII БЎЛИМ.

Бюджет тизими бюджетларининг ижроси (19-23 боблар)

19-боб. Бюджет тизими бюджетларини ижро этиш тартиби (109-131 моддалар)

20-боб Бюджетлараро муносабатлар (132-142 моддалар)

21-боб. Бюджет тизими бюджетларига ўзгартиришлар киритиш (143-150 моддалар)

22-боб. Давлат бюджети тақчиллиги ва профицити. Давлат томонидан маблағ жалб қилиш (151-156 моддалар)

23-боб. Бюджет ссудалари, кредит линиялари ва кредитлар (157-160 моддалар)

VIII БЎЛИМ.

Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи (24-25 боблар)

24-боб. Бюджет ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартиби (161-166 моддалар)

25-боб. Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни тасдиқлаш (167-169 моддалар)

IX БЎЛИМ.

Бюджет тизими бюджетларининг ижросини назорат қилиш (26-28 боблар)

26-боб. Давлат молиявий назорати (170-179 моддалар)

27-боб. Давлат молиявий назоратини ташкил этиш (180-186 моддалар)

28-боб. Бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (187-192 моддалар)

4.3. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг аҳамияти ва афзалликлари

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг аҳамияти ва афзалликлари борасида кенгроқ тўхталадиган бўлсак, унда акс этган қуйидаги асосий йўналишларни алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир:

- ▶ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига бюджет тизимини бошқариш асосларини тартибга солиш, унинг тушунчалари ва тузилиш тамойиллари, бюджет таснифи тузилмаси, таркиби ва қўллаш тамойиллари белгиланган. Таъкидлаш жоизки, илгари «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунда 22 та асосий тушунчага таъриф берилган бўлса, кодексда бюджет тизими билан боғлиқ тушунчалар рўйхати кенгайтирилиб, бюджет тизими билан боғлиқ 39 та тушунчага таъриф берилган.

Шунингдек, кодексда бюджет тизимида қўлланиладиган баъзи иқтисодий атама ва тушунчалар бугунги кунгача амалда бўлган қонунлар ва қонуности ҳужжатларида ифодаланганидан фарқли равишда, янги талқинда таърифланган ва таснифланган.

- ▶ Бюджет Кодексига «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунда кўрсатилган бюджет тизимининг 7 та (бюджет таснифи тизими, ҳисоб-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги; бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги; турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги; давлат бюджети баланслиги; давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириш; давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағлар доирасида ва харажатлар сметаларида кўрсатилган мақсадларда амалга ошириш; барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги) асосий тамойиллари қаторига бюджет маблағларининг манзилли ва мақсадли сарфланиши, бюджет маблағлари сарфланишининг натижавийлиги ва самарадорлиги, ғазнанинг ягоналиги, жавобгарлик, очиқ-ойдинлик (ошкоралик) каби бюджет тизимининг қўшимча тамойиллари киритилган.
- ▶ Шуниси аҳамиятлики, илгари «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунда фақат 3 та орган - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти ор-

ганлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари берилган бўлса, Кодексда мазкур органларнинг ваколатларини мувофиқлаштириш билан биргаликда бюджет жараёнида иштирок этувчи бошқа субъектлар, яъни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси; Қорақалпоғистон Республикаси Жўрорғи Кенгеси; халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари; ҳудудий молия органлари; бюджет маблағларини тақсимловчилар; бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар, ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларнинг ваколатлари ҳам аниқ белгилаб қўйилган.

- ▶ Яна бир эътиборли томони шундаки, «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунда давлат мақсадли жамғармаларининг фақат 4 таси акс эттирилган бўлса, Кодексда 7 та давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларининг мақсад ва вазифалари батафсил кўрсатиб ўтилган.
- ▶ Шу ўринда таъкидлаш жоизки, илгари қонунчиликда жамланма бюджети дейилганда давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари тушунилса, эндиликда жамланма бюджет - давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари йиғиндиси сифатида талқин қилинмоқда.
- ▶ 2014 йилга қадар «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунда Республика бюджети даромад ва харажатлари, ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари кўрсатилган бўлса, Бюджет кодексига юқоридагилар билан биргаликда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромад ва харажатлари ҳам акс эттирилган.
Қолаверса, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг қўшимча манбаларини аниқлаш ҳамда улардан фойдаланиш таомиллари белгиланиб, бюджет ижроси қисмида давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг тасдиқланган параметрларига ўзгартириш кiritиш тартиби соддалаштирилган.
- ▶ Кодексда бюджет жараёнининг барча босқичлари очиқ берилган. Жумладан, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини тузиш, кўриб чиқиш ва қабул

Жамланма бюджет давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари йиғиндисидир.

қилиш тартиблари ва муддатлари аниқ белгилаб берилган.

- ▶ Алоҳида бобда бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметалари ҳамда штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби назарда тутилган.
- ▶ Ҳазна ижроси ва давлат харидларини амалга ошириш тартиблари ҳам кенг қамровда белгиланган.
- ▶ Кодексда бюджетлараро муносабатлар тизими такомиллаштирилган, ҳамда қонуний мустаҳкамланган бўлиб, унда бюджетлараро муносабатларнинг асослари, бюджетлараро трансфертларнинг шакллари ва уларни ўтказиш, бюджет ташкилотларига бюджет ссудаларини ажратиш, хўжалик юритувчи субъектларга, чет эл давлатларига ажратиладиган кредит линиялари ва кредитларни бажариш ва бюджет тизимининг турли даражадаги бюджетлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартиблари ҳам ўз аксини топган.
- ▶ Кодексдаги яна бир янгилик, бюджет ҳисоби ва ҳисоботи таъминлари, бюджет ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқиш учун дастлабки шартлар, бюджет ҳисоботи шакллари, бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг молиявий ҳисоботлари, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар тузилмаси, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ташқи аудитдан ўтказиш, уни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш муддатлари ва тартиблари белгилаб берилган.
- ▶ Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, кодексни ишлаб чиқишда халқаро тажрибага таянилган бўлиб, янги норма орқали бюджетни уч йиллик даврга шакллантириш учун пойдевор қўйилган. Маълумки, иқтисодиёти ривожланган аксарият мамлакатларда бюджетни шакллантириш ва тузиш учун йиллик истиқбол учун амалга оширилади.

Мазкур тажрибадан келиб чиққан ҳолда, кодексда бюджетдан маблағ олувчилар фаолияти натижалари билан бюджет харажатларини режалаштиришнинг боғлиқлигини таъминлайдиган ўрта муддатли бюджетни режалаштириш ва дастурли бюджетлаштириш принципларини жорий этиш учун асос яратилган. Бунинг учун кодексда бир қатор янги нормалар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига бир молия йилидан ортиқ муддатга тузилган Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини қабул қилиш тўғрисида таклиф киритишга ҳақлилиги; бюджетдан маблағ олувчилар бюджетни режалаштираётганда бюджет сўровномаси билан бир қаторда ўтган йилда эришилган натижалар ва жорий йилда кутилаётган натижалар тўғрисидаги таҳлилий ҳисоботни; харажат мажбуриятлари реестрини; уч йилдан кам бўлмаган давр учун тузилган ривожланишнинг стратегик режасини; шунингдек ўтган ва жорий йиллар учун ҳамда келгуси уч йил учун бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган харажатлар бюджет таснифига мувофиқ акс эттирилган бюджет буюртмасини тақдим этишлари назарда тутилган.

Ушбу янгиликлар бюджет харажатларини бюджетдан маблағ олувчиларнинг фаолияти натижалари билан боғлашни таъминлайди. Бу эса, бюджетни ўрта муддатга режалаштириш принципларини жорий этиш учун асос яратиб, бир йилдан зиёд даврга бюджет тузиш имкониятини туғдиради.

- ▶ Кодекснинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда фавқулодда ҳолат шароитларида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Қарорига кўра Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда Давлат бюджети қабул қилиниши, ҳамда Фавқулодда Давлат бюджетининг амал қилиши даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисидаги қарорларининг, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари ва харажатлари ҳажми ҳақидаги қарорларининг амал қилиши тўхтатиб турилиши белгилаб қўйилган.
- ▶ Кодекс орқали киритилган яна бир янги норма - давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ижроси тўғрисидаги маълумотлар Олий Мажлис томонидан қабул қилингандан кейин, ҳисобот йили учун давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштириш талабидир.
- ▶ Кодекснинг яна бир муҳим аҳамияти унда давлат молиявий

назорати масалалари ҳам алоҳида тартибга солинган, давлат молиявий назорати асослари, услублари ва турлари, давлат молиявий назорати органлари, давлат молиявий назоратини ташкил қилиш тартиби, даврийлиги ва муддатлари, молиявий назорат объектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатиб ўтилган.

- ▶ Кодексида амалдаги меъёрларни кенгайтириш билан бир қаторда, бюджет жараёни иштирокчиларининг ваколатлари, давлат томонидан маблағ жалб қилиш, бюджет ижроси устидан назорат ва бюджет қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни акс эттирувчи янги моддалар қўшилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Бюджет кодексидagi юқорида санаб ўтилган барча янгиликлар илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида жорий этилган бўлиб, пировардида мамлакатимизда бюджет тизимининг самарадорлиги ҳамда очиқ-ошкорлигини янада ошириш кўзда тутилган.

4.4. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексини мукамаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар

Юқорида айтиб ўтганимиздек, «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонунда¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2014 ва 2015 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси нормаларининг амал қилиши ва самарадорлиги мунтазам равишда ҳамда ҳар томонлама мониторинг ва таҳлил қилинишини таъминлаш зарур бўлган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг айрим нормаларини янада такомиллаштиришга қаратилган тақлифларни белгиланган тартибда киритиш вазифаси юклатилган.

Мазкур вазифаларнинг талаб даражасида бажарилишида маҳаллий вакиллик органлари - Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари, ҳамда маҳаллий ижроия органлари - маҳаллий ҳокимият вакилларининг фаолиятлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари бюджет жараёнининг барча босқичларида бевосита иштирок этиб, улар Бюджет кодекси

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги ЎРҚ-360-сонли Қонуни

сида белгиланган ваколатларини амалга оширишда бюджет жараёнининг барча иштирокчилари билан ўзаро муносабатда бўладилар. Қолаверса, Бюджет кодексининг баъзи норма ва талабларини амалиётга тадбиқ этиш жараёнида пайдо бўлаётган муаммолар ёки тушунмовчиликларга бевосита ва билвосита яқин бўладилар. Бу эса улардан Бюджет кодекси билан тўлиқ таниш бўлишни, унда назарда тутилган нормаларнинг моҳиятини тўлиқ англаб етишни, зарур бўлганда Бюджет кодексига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан юқори вакиллик ва ижроия органларига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Олий Мажлисга таклифлар киритишни талаб этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури кўмагида маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларининг Бюджет кодекси билан танишганлик даржаларини баҳолаш ва кодексни такомиллаштириш нуқтаи назаридан, амалиётда дуч келинаётган муаммолар ва тушунмовчиликлардан келиб чиққан ҳолда, Бюджет кодексининг баъзи норма ва талабларига ўзгартириш киритиш ёхуд умуман янги нормаларни киритишга қаратилган таклиф-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида, танлаб олиш усулида Тошкент шаҳар, Тошкент, Жиззах ва Наманган вилоятларидаги маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакиллари билан социологик сўров ўтказилди. Сўровда жами 86 нафар маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакиллари иштирок этишди.

Сўров натижалари ўрганилганда куйидаги хулосаларга келинди.


- ▶ Сўровда иштирок этган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларининг **15,1 фоизи** (13 нафари) Ўзбекистонда Бюджет кодекси қачон қабул қилинганидан хабардор эмасликларини билдирган бўлсалар, **44,2 фоизи** (38 нафари) Бюджет кодекси қабул қилинган аниқ санасини эслолмасликларини билдирдилар. Сўровда иштирок этган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларининг **37,2 фоизи** (32 нафари) Бюджет кодексининг қабул қилинган санасини билишлари маълум бўлган бўлса, иштирок этганларнинг **3,5 фоизи** (31 нафари) мазкур кодекс билан умуман қизиқмаганликлари аён бўлди.
- ▶ Сўровномадаги «Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексини тўлиқ ўқиб чиққанмисиз?»-деган саволга унда қатнашган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларининг **25,6 фоизи** (22 нафари) «ҳа» деб жавоб қайтарган бўлсалар, сўровда қатнашган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларининг **27,9 фоизи** (24 нафари) Бюджет кодексини ҳали умуман ўқиб чиқмаганликларини билдирдилар.

Сўровда иштирок этган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларининг **40,7 фоизи** (35 нафари) Бюджет кодексини ҳажми катта бўлгани боис ўқимаганман деб жавоб қайтаришган бўлишса, иштирок этганларнинг **5,8 фоизи** (5 нафари) мазкур кодексни ўқишга вақтлари бўлмаганлигини кўрсатишди.

- ▶ **«Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг ёзилиш услуби бўйича фикрингиз?»**- деган саволимизга эса сўровда иштирок этган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларида кўйидагича нисбатда жавоб олдик (1-диаграммага қаранг):

Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, берилган саволга сўровномада қатнашган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларининг **22 нафари** (25 фоиздан кўпроғи) содда, тушунарли деб жавоб қайтарган бўлсалар, сўровда

1-ДИАГРАММА




Манба: Сўровнома натижалари

қатнашган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларининг **23 нафари** (26 фоиздан кўпроғи) Бюджет кодексини мураккаб, тушуниш қийин деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, уларнинг **30 нафари** (34 фоиздан кўпроғи) мазкур кодексни жуда илмий ва юридик тилда ёзилган деб эътироф этган бўлсалар, **3 нафари** (3 фоиздан кўпроғи) ўртача, тушунса бўлади деб, **11 нафари** (12 фоиздан кўпроғи) баъзи моддаларини умуман тушуниб бўлмаслигини таъкидладилар.

- ▶ **«Сизнинг фикрингизча, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг қандай афзалликлари бор?»**- деган саволимизга сўровномада иштирок этган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларининг жавоблари қуйидагича бўлди (2-диаграммага қаранг):

2-ДИАГРАММА

кўрсаткичлар сонда ва фоизда ифодаланган



Манба: Сўровнома натижалари

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар жойларда ўқув семинарлар, давра суҳбатлари уюштириб, Бюджет кодексининг афзалликлари билан жамоатчиликни, соҳа вакилларини таништириб, ўз навбатида кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни ўрганмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги масъул ходимларининг маълумотларига кўра ҳозирда Бюджет кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан, турли соҳа вакиллари - амалиётчилар, иқтисодчи олимлар, педагоглар, ҳуқуқшунослар, маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари, ҳамда хорижий экспертлардан 200 дан ортиқ таклиф ва тавсиялар билдирилган. Ҳозирда мазкур тавсия ва таклифлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги масъул ходимлари томонидан ўрганилмоқда.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистонда Бюджет кодексини қабул қилинишининг заруриятини қандай изоҳлайсиз?
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги ЎРҚ-360-сонли Қонуни қачон қабул қилинди?
3. Бюджет кодекси қайси халқаро ташкилотлар билан бевосита ҳамкорликда ишлаб чиқилди?
4. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси асосини қайси Қонунлар ташкил этади?
5. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси неча боб ва неча моддадан иборат?
6. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг аҳамияти ва афзалликлари нималардан иборат?
7. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси билан бюджет тизимида қандай янги талаб ва нормалар киритилди?
8. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига бюджетни уч йиллик даврга шакллантириш учун қандай нормалар акс эттирилган?
9. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ижроси тўғрисидаги маълумотлар қабул қилингандан кейин, шунингдек ҳисобот йили учун давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ахборот қайси расмий веб-сайтда жойлаштирилиши белгиланган?
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қайси муддатда Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси нормаларининг амал қилиши ва самардорлиги мунтазам равишда ҳамда ҳар томонлама мониторинг ва таҳлил қилинишини таъминлаш, зарур бўлган ҳолларда, Бюджет кодексининг айрим нормаларини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни белгиланган тартибда киритиш вазифаси юклатилган?

5-БОБ Бюджет соҳасидаги ваколатлар

5.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет соҳасидаги ваколатлари

Бюджет соҳасидаги ваколатлар бюджет жараёни иштирокчилари (давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат молиявий назорат органлари, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар)нинг бюджет муносабатлари соҳасидаги ваколатларидир.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 25-модда-сида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет соҳасидаги ваколатлари кўрсатиб ўтилган. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- ▶ давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнини ташкил этади ҳамда мувофиқлаштириб боради;
- ▶ давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда тегишли хулоса тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига юборади;
- ▶ бюджетнома лойиҳасини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;
- ▶ бюджетномани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига тақдим этади;
- ▶ давлат бошқаруви органларининг Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини ижро этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради ҳамда назорат қилади;
- ▶ Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ҳар чорақда кўриб чиқади;
- ▶ ўтган молия йили учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ташқи аудит ўтказиш ҳамда баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига юборади;
- ▶ Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг тегишли даврдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий

Мазкур бобда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, халқ депутатлари вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари ва вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва ҳудудий молия органларининг, шунингдек бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларининг бюджет соҳасидаги ваколатлари ёритилган

Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этади;

- ▶ Кодекснинг 144, 145 ва 149-моддаларида назарда тутилган ҳолларда молия йили мобайнида Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари параметрларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқади;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

5.2. Халқ депутатлари вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари ҳамда вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг бюджет соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27-моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари бюджет соҳасида қуйидаги ваколатларга эга:

- ▶ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларини, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига мувофиқ кўриб чиқади ва қабул қилади;
- ▶ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг тегишли даврдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига мувофиқ ҳар чоракда кўриб чиқади ва тасдиқлайди;
- ▶ маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлар доирасида белгилайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кен-

гашлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 28-моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари бюджет соҳасида куйидаги ваколатларга эга:

тегишли бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни ижро этиш жараёнини ташкил этади ва мувофиқлаштиради

бюджет сўрови олинишига қараб тегишли бюджетларнинг лойиҳаларини тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, уларни тайёрлаш тартиби ва муддатларини белгилайди

маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун тақдим этади

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг қарорларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари параметрларини тасдиқлайди

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари маблағларидан фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади

белгиланган тартибда молия йили мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари параметрларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқади

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг тегишли даврдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига тасдиқлаш учун тақдим этади

Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига тушумлар тўлиқ ва ўз вақтида тушиши устидан назоратни ташкил этади


бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни ташкил этади ва бошқалар

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Ҳуқуқ қўлланмамининг олдинги параграфларида таъкидлаганимиздек, танлаб олиш усулида ўтказилган социологик сўровда иштирок этган Тошкент шаҳар, Тошкент, Жиззах ва Наманган вилоятларидаги маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларига Бюджет кодексига назарда тутилган ваколатлари ва вазифаларини қанчалик даражада билишларини баҳолаш, мазкур ваколат ва вазифаларни амалга оширишда дуч келинаётган муаммоларни ўрганиш, агар зарурият бўлса, уларнинг ваколатларини мувофиқлаштириш юзасидан Бюджет кодексига ўзгартиришлар киритишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида бир қанча саволлар билан мурожаат қилдик.

Сўровнома натижалари ўрганилганда қуйидаги хулосаларга келинди. Маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларининг бюджет жараёнидаги ваколатларидан фойдаланишлари учун дастлаб улар қонунчиликда бюджет жараёнида ўзларига қандай ваколатлар берилганидан яхши хабардор бўлишлари талаб этилади. Биз социологик сўровда иштирок этган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларининг Бюджет кодексига назарда тутилган ваколатлари ва вазифаларини қай даражада билишини баҳолаш мақсадида уларга «Бюджет кодексига назарда тутилган халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари ва маҳаллий ҳокимиятларнинг бюджет соҳасидаги ваколатларини биласизми?», - деган савол билан мурожаат қилдик. Олинган жавобларни таҳлил қилсак, улар қуйидаги кўринишга эга бўлди (3-диаграммага қаранг).

3-диаграмма



Манба: Сўровнома натижалари

Кўриниб турибдики, сўровда иштирок этган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларининг Бюджет кодексида назарда тутилган ўз ваколатлари ва вазифаларини билиш даражалари қониқарли эмас. Буни юқоридаги диаграммадаги рақамлар исботламоқда.

Сўровномада қатнашган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларининг **38 фоизи** (33 нафари) ўзларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини билмасликларини маълум қилган бўлсалар, социологик сўровда қатнашган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларининг **5 фоизи** (4 нафари) Бюджет кодексида уларга ҳеч қандай ваколат кўзда тутилмаган, деб ҳисоблашар эканлар.

Сўровда иштирок этган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларининг **30 фоизи** (26 нафари) Бюджет кодексидаги ўз ваколатларини айримларинигина эслаш олишларни маълум қилишган бўлсалар, иштирок этганларнинг фақат **27 фоизи** (26 нафари) мазкур кодексда назарда тутилган ўз ваколатларини билар эканлар, холос.

Юқоридаги ҳолатни Бюджет кодекси амалга киритилганига қарийб икки йил бўлган бўлсада, баъзи маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакиллари турли хил объектив ва субъектив сабабларга кўра кодексни ўқиб чиқмаганликлари, ёки ўқиган бўлсалар-да унда белгиланган ўз ваколатларини ҳаммасини ҳам эслаб қололмаганлари билан изоҳлаш мумкин. Шу боис, ушбу ҳолатга бир томонлама ёндашиб, хулоса чиқаришдан олдин, биз маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакиллари Бюджет кодексда уларга нисбатан назарда тутилган ваколатларини эслаб қололмаган бўлсалар-да ёки умуман кодексни ўқимаганликлари учун билмасалар-да, аммо амалиётда ўзлари билиб ёки билмай ушбу ваколатларидан фойдаланиб туришармикинлар, дея қизиқдик.

Бу масалага ойдинлик киритиш учун сўровномада амалда бевосита маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари ваколатларига кирадиган бюджет муносабатларига оид бир неча саволлар киритилди.

Афсуски, сўровномада қатнашган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларининг ушбу саволларга берган умумий жавоблари ҳам қониқарли даражада эмас. Мазкур саволлар ва уларга берилган жавоблар натижаларининг таҳлилини келтириладиётган диаграммаларда кўришимиз мумкин.

4-диаграмма

кўрсаткичлар сонда ва фоизда ифодаланган

Сиз ўзингиз вакил бўлган ҳудуд (вилоят, туман ёки шаҳар) бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш, бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш жараёнида бевосита иштирок этганмисиз?



Манба: Сўровнома натижалари


Маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакиллари ўзлари вакил бўлган ҳудудлар бюджетларини тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига мувофиқ кўриб чиқишлари, қабул қилишлари, тасдиқлашлари ва ижроси юзасидан ҳисоботларни қабул қилиш уларининг энг асосий ваколатлари ҳисобланса-да, сўровномада иштирок этган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакиллариининг жавобларидан улар бюджет жараёнидаги ваколатларидан амалда ҳам фойдаланмасликлари маълум бўлди.

Социологик сўровда қатнашган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларига Бюджет кодексига назарда тутилган яна бир қатор ваколатларидан амалда фойдаланиш даражаларини баҳолаш учун берган саволимизга қуйидаги нисбатда жавоблар олдик (5-7 диаграммаларга қаранг).

5-диаграмма

кўрсаткичлар фоизда ифодаланган

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг харажатларига тегишли бюджетларнинг тасдиқланган параметрларига нисбатан уларнинг харажатларини 10 ва ундан ортиқ фоизга қўпайтиришни ёки камайтиришни назарда тутадиган ўзгартиришлар киритиш Бюджет кодексининг 144-моддаси талабларига риоя этилган ҳолда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тақдимномасига кўра тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан амалга оширилишидан хабардормисиз?




Манба: Сўровнома натижалари

6-диаграмма

кўрсаткичлар фоизда ифодаланган

Сиз вакил бўлган Кенгаш ҳудуд (вилоят, туман ёки шаҳар) бюджетининг тегишли даврдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни қандай давр оралиғида кўриб чиқади ва тасдиқлайди?

- Йилда бир марта
- Йилда икки марта
- Ҳар чорақда
- Ҳар ойда




Манба: Сўровнома натижалари

7-диаграмма

кўрсаткичлар фоизда ифодаланган

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг лойиҳаларини тайёрлаш муддатларини биласизми?



Манба: Сўровнома натижалари

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида¹⁹, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги²⁰ Қонунда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига тегишли равишда қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар миқдорларини белгилаш ва маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар бериш ваколати берилган.

Мазкур ваколат Бюджет кодексига ҳам назарда тутилган. Аммо, бизнинг фикримизча, маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари қонунчиликда буён белгиланган ва амал қилиб турган мазкур ваколатдан тўлиқ хабардор эмаслар, ёки мазмун-моҳиятини етарлича тўлиқ тушунмайдилар.

Шу боис аксарият маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари ушбу ваколатларидан амалда деярли фойдаланмайдилар. Сўровда қатнашган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакиллари юқоридаги ваколатлари юзасидан берилган саволга қуйидагича жавоб қайтаришди (8-диаграммага қаранг).


¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддаси

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги 913-ХII-сонли «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 24-моддаси

8-диаграмма

кўрсаткичлар фоизда ифодаланган

Шахсан сиз маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари миқдорларини белгилашда ёки улардан имтиёз беришда иштирок этганмисиз?



Манба: Сўровнома натижалари

Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»²¹ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларда маҳаллий вакиллик органи тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақлидир.

Шунингдек, маҳаллий вакиллик органи депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларини, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини кўриб чиқишда ва қабул қилишда, ҳар чорақда маҳаллий бюджетларининг тегишли даврдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ва тасдиқлашда, маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлар доирасида белгилашда, ёки Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг харажатларига тегишли бюджетларнинг тасдиқланган параметрларига нисбатан уларнинг харажатларини 10 ва ундан ортиқ фоизга кўпайтиришни ёки камайтиришни назарда тутадиган ўзгартиришлар киритишда, шунингдек ваколатлари доирасидаги бошқа масалалар

²¹ Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги 706-ИИ-сонли «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддаси

юзасидан қарор қабул қилишда зарурат туғилганда мазкур масалаларга оид қўшимча маълумот олиш учун тегишли ҳудудий молия, солиқ, статистика ва бошқа давлат ташкилотларига расмий мурожаат қилиб, керакли аниқлаштирувчи маълумот олиш ҳуқуқига эгалар.

Маълумки, бюджет тизимининг асосий тамойилларидан бири бу очиклик тамойилидир. Бюджет кодексида, давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини кўриб чиқиш ҳамда қабул қилиш тартиб-таомилларининг жамият ва оммавий ахборот воситалари учун очиклиги, тасдиқланган Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари тўғрисидаги ахборотнинг оммавий ахборот воситаларида ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши (чоп этилиши), ҳамда давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари тегишли даврдаги ижросининг бориши тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида чоп этилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилиши ва янгилаб борилиши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджетларнинг тасдиқланган даромадлари ва харажатлари миқдори, даромадларнинг манбалари ва таркиби (масалан, мазкур маҳаллий бюджет даромадларининг қанча қисми солиқлардан шакллантирилмоқда, қайси солиқ турларининг салмоғи катта, қанча маблағ юқори бюджетдан ажратилган, мазкур маҳаллий бюджетнинг йил давомида прогнозлаштирилган солиқсиз даромадлар миқдори қанча ва ҳ.к.), ҳамда режалаштирилган харажатларнинг функционал йўналишлари (ижтимоий-маданий соҳа харажатлари, иқтисодиёт харажатлари, бошқарув харажатлари ва ҳ.к) миқдори ҳақида тегишли вилоят, туман ёки шаҳардаги барча юридик шахслар ва фуқаролар ахборот олишга ҳақлидирлар.

Шу боис бу маълумотларни (айниқса, туманлар маҳаллий бюджетларига оид маълумотларни) ўз вақтида тегишли маҳаллий ҳудуднинг оммавий ахборот воситалари орқали чоп этиб бориш керак бўлади. Тегишли маҳаллий бюджетларнинг тасдиқланган параметрлари, чораклик ва йиллик ижроси тўғрисидаги ҳисобот маълумотларни мазкур ҳудуддаги юридик ва жисмоний шахслар эътиборига айнан қандай оммавий ахборот воситалари орқали етказишда ҳам баъзи бир муаммоларга дуч келинади (масалан, ҳамма фуқаролар вилоят (туман) ҳокимиятининг расмий газетасини ҳар доим ҳам ўқийвермаслиги, ёки интернетдан фойдаланиш ва ахборот олиш саводхонлиги даражаси ва ҳаказо).


Бу масалага ойдинлик киритиш учун, тегишли маъмурий ҳудуддаги юридик ва жисмоний шахсларга бевосита яқин бўлган ва-

киллик ва ижроия органлари вакилларининг фикр-мулоҳазаларини билиш мақсадида, уларга шу мазмундаги савол билан мурожаат қилиб, қуйидаги жавоблар олдик (9-диаграммага қаранг).

9-диаграмма

кўрсаткичлар фоизда ифодаланган

Сизнинг фикрингизча, сиз вакил бўлган ҳудуд (вилоят, туман)нинг тасдиқланган бюджети даромадлари ва харажатлари миқдори, йўналишлари ҳамда чораклик ва йиллик ижроси тўғрисидаги расмий маълумотларни қайси манбада жойлаштириш лозим, деб ўйлайсиз?



Манба: Сўровнома натижалари

Берилган жавоблардан таҳлил қиладиган бўлсак, сўровда иштирок этган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларининг 24 фоизи ушбу расмий маълумотларни вилоят(туман) ҳокимиятининг расмий газетасида бериб боришни маъқул, деб ҳисоблашишса, 40 фоизи бу каби расмий маълумотларни вилоят(туман) ҳокимиятининг расмий сайтыда эълон қилиб боришни мақсадга мувофиқ, деб билишди.

Сўровда иштирок этганларнинг 12 фоизи бу ҳақда ўйлаб кўрмаганликларини ва аниқ бир фикрга эга эмасликларини билдирдилар. Социологик сўровда қатнашган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари вакилларининг 24 фоизи бу маълумотларни ошкор этиш керак эмас, деган жавобни беришди.

5.3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва ҳудудий молия органларининг бюджет соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 29-моддасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджет соҳасида ваколатлари кўрсатиб ўтилган. Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қуйидаги ваколатларга эга:

- ▶ Давлат бюджети ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларини тайёрлайди;
- ▶ давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳаларини кўриб чиқади;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бюджетнома лойиҳасини кўриб чиқиш учун тақдим этади;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари прогнозини ҳар чорақда етказиши;
- ▶ бюджет маблағларини тақсимловчиларга ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга улар учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмларини етказиши;
- ▶ бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг харажатлар сметалари ва жамланма харажатлар сметалари, штат жадвалларини, шунингдек уларга киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиши;
- ▶ Кодекснинг 145-моддасида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг харажатлари ёйилмасига молия йили мобайнида ўзгартиришлар киритади;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу Кодекснинг 144, 145 ва 149-моддаларида назарда тутилган тартибда Давлат бюджети, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари параметрларига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар тақдим этади;
- ▶ Кодекснинг 146-моддасида назарда тутилган тартибда молия йили мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг тасдиқланган

параметрларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқади;

- ▶ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни уларнинг манбалари кесимида тўлиқ ва ўз вақтида тушиши устидан мониторингни амалга оширади;
- ▶ бюджет тизими бюджетларининг маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;
- ▶ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар, шунингдек бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчиларнинг молиявий ҳисоботлари шакллари ва уларни тақдим этиш тартибини тасдиқлайди;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг тегишли даврдаги ижроси тўғрисида ҳисоботни тақдим этади;
- ▶ бюджетдан ташқари махсус ҳисобварақларда захиралар ташкил этади;
- ▶ Давлат бюджетини ижро этиш жараёнида унга тушумларни кўпайтириш бўйича қўшимча захираларни аниқлайди;
- ▶ бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатларини мақбуллаштиришни амалга оширади;
- ▶ бюджет ссудаларини беради;
- ▶ давлат томонидан маблағлар жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг шартномалари ва давлат кафолатларини рўйхатдан ўтказиши;
- ▶ давлат қарзининг ҳисобини ва мониторингини юритади;
- ▶ бюджет тизими бюджетларининг касса ижросини юритади;
- ▶ бюджет тизими бюджетларининг Ягона ғазна ҳисобварағидаги ва бошқа банк ҳисобварақларидаги маблағларини бошқаради;
- ▶ бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларини рўйхатдан ўтказиши;
- ▶ бюджет тизими бюджетларида маблағлар назарда тутилган юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига кўра тўловларни амалга оширади;
- ▶ бюджет тизими бюджетлари ижросининг бюджет ҳисобини юритади;
- ▶ давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатади, Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатларини бажаради;

- ▶ Ўзбекистон Республикасига келаётган инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш маблағлари ҳисобини юритади;
- ▶ бюджет тизими бюджетлари даромадлари ва харажатларининг баланслилигига таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни молиявий ҳамда иқтисодий экспертизадан ўтказиши;
- ▶ ўз ваколатига кирадиган масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 30-моддасига мувофиқ **ҳудудий молия органларининг бюджет соҳасида ваколатларига қуйидагилар киреди:**

- ▶ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари лойиҳаларини тайёрлайди ҳамда уларни тегишinchа Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига кўриб чиқиш учун киритади;
- ▶ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни уларнинг манбалари кесимида тўлиқ ва ўз вақтида тушиши устидан мониторингни амалга оширади;
- ▶ тегишли бюджетнинг ижро этилиши жараёнида унга тушумларни кўпайтириш бўйича қўшимча захираларни аниқлайди;
- ▶ бюджет ташкилотларига ва бюджет маблағлари олувчиларга улар учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмларини етказиши;
- ▶ бюджет ташкилотларининг харажатлар сметалари ва штат жадвалларини ҳамда бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаларини, шунингдек уларга киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиши;
- ▶ Кодекснинг 146 — 148-моддаларида назарда тутилган тартибда тегишли бюджетлар параметрларига молия йили мобайнида ўзгартиришлар киритади;
- ▶ тегишли бюджетларнинг маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;
- ▶ юқори турувчи молия органларига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига тегишли бюд-

жетнинг ижроси тўғрисида ҳар чораклик ҳисоботларни тақдим этади;

- ▶ бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар харажатларини мақбуллаштиришни амалга оширади;
- ▶ тегишли бюджетлар ижросининг бюджет ҳисобини юритади;
- ▶ маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатлари баланслилигига таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини молиявий ва иқтисодий экспертизадан ўтказиши.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармалари юқорида кўрсатилган ваколатлар билан бир қаторда Давлат бюджети даромадлари прогнозини давлат солиқ хизмати органлари ва божхона органларига ҳар чоракда тегишли маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича етказиши, ҳамда бюджет ссудаларини беради.

Ҳудудий молия органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

5.4. Бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 29-моддасига мувофиқ бюджет маблағларини тақсимловчилар бюджет соҳасида қуйидаги ваколатларга эга:

- ▶ бюджетдан ажратиладиган маблағларни олиш учун бюджет сўровларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади;
- ▶ бюджет буюртмаларини тузиш учун кўрсаткичларни ва материалларни ўз тасарруфидаги ташкилотларга етказиши;
- ▶ харажатлар сметалари ва штат жадвалларини тузиш учун ўз тасарруфидаги ташкилотларга уларнинг тегишли молия йилига бюджетдан ажратиладиган маблағлари ҳажмларини етказиши;
- ▶ ўз тасарруфидаги ташкилотларнинг харажатлар сметалари ва штат жадвалларини, шунингдек уларга киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиши;
- ▶ тасдиқланган харажатлар сметаларини ва жамланма харажатлар сметаларини, штат жадвалларини, шунингдек уларга киритилган ўзгартиришларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этади;

- ▶ харажатлар сметалари ва штат жадвалларидаги ўзгартиришлар тўғрисида ўз тасарруфидаги ташкилотларни хабардор қилади;
- ▶ ўз тасарруфидаги ташкилотларда бюджет ҳисоби юритилишини ташкил этиш ва назорат қилишни таъминлайди;
- ▶ ўз тасарруфидаги ташкилотлардан молиявий ҳисоботларни қабул қилади;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли давр учун жамланма молиявий ҳисоботлар тақдим этади.

Бюджет маблағларини тақсимловчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 32-моддасига мувофиқ **бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет соҳасида ваколатларига қуйидагилар кирadi:**

- ▶ бюджет буюртмасини бюджет маблағларини тақсимловчига, бюджет маблағларини тақсимловчи бўлмаганда эса, тегишли ҳудудий молия органига Кодекснинг 89-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ киритади;
- ▶ харажатлар сметаларини тасдиқлайди ҳамда уларни бюджет маблағларини тақсимловчига, бюджет маблағларини тақсимловчи бўлмаганда эса, тегишли ҳудудий молия органига бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида рўйхатдан ўтказиш учун киритади;
- ▶ харажатлар сметаларида назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларни мўлжалланган мақсадга мувофиқ тасарруф этади;
- ▶ бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалар тузади;
- ▶ Кодекснинг 150-моддасида белгиланган тартибда харажатлар сметаларига ўзгартиришлар киритади;
- ▶ тегишли давр учун молиявий ҳисоботларни бюджет маблағларини тақсимловчига, бюджет маблағларини тақсимловчи бўлмаганда эса, тегишли ҳудудий молия органига тақдим этади.

Бюджет ташкилотлари юқорида кўрсатилган ваколатлар билан бир қаторда, шунингдек:

- ▶ штат жадвалларини тасдиқлайди ва уларни бюджет маблағларини тақсимловчига, бюджет маблағларини тақсимловчи бўлмаганда эса, тегишли ҳудудий молия органига бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида рўйхатдан ўтказиш учун киритади;

- ▶ Кодекснинг 150-моддасида белгиланган тартибда штат жадвалларига ўзгартиришлар киритади;
- ▶ муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларга йўл қўймаслик мақсадида тегишли ҳужжатларни судларга, фазначилик бўлинмаларига ўз вақтида тақдим этади, шунингдек шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди;
- ▶ бюджет ҳисобини юритади ва молиявий ҳисоботларни тузади;
- ▶ бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларини шакллантиради ва улардан фойдаланади.

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. Бюджет соҳасида қайси орган ва ташкилотлар ваколатларга эга?
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бюджет соҳасидаги ваколатларига нималар киради?
3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашилари бюджет соҳасида ваколатларига нималар киради?
4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари бюджет соҳасида қандай ваколатларга эга?
5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджет соҳасида ваколатлари нималардан иборат?
6. Худудий молия органларининг бюджет соҳасида ваколатларга нималардан иборат?
7. Бюджет маблағларини тақсимловчилар бюджет соҳасида қандай ваколатларга эга?
8. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет соҳасида ваколатларга нималар киради?
9. Давлат бошқаруви органларининг давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини ижро этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда назорат қилиш қайси орган ваколатига киради?
10. Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисида қарорларни қайси орган қабул қилади?
11. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромад қисмининг ижроси юзасидан мониторинг ўтказиш қайси орган ваколатига киради?
12. Қайси орган маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлар доирасида белгилайди?
13. Бюджет сўрови олинишига қараб тегишли бюджетларнинг лойиҳаларини тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, уларни тайёрлаш тартиби ва муддатларини белгилаш кимнинг ваколатига киради?
14. Қайси орган давлат қарзининг ҳисобини ва мониторингини юритади?
15. Штат жадвалларини тасдиқлаш ва уларни бюджет маблағларини тақсимловчи, бюджет маблағларини тақсимловчи бўлмаганда эса, тегишли худудий молия органига бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида рўйхатдан ўтказиш учун киритиш кимнинг ваколатига киради?

Мазкур бобда бюджет жараёнининг моҳияти ва унинг босқичлари, маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг маҳаллий бюджетларнинг лойиҳасини тузиш ва тасдиқлаш жараёнидаги функциялари, маҳаллий бюджетларнинг ижросини таъминлаш ва маҳаллий бюджетларга ўзгартиришлар киритиш тартиби, ҳамда Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот ва уни тасдиқлаш тартиби ёритилган

Бюджет жараёни бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, уларнинг ижросини назорат қилиш, бюджет тизими бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнидир.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, 1-боб, 3-модда

6-БОБ Бюджет жараёни ва уни амалга оширишда маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг функциялари

6.1. Бюджет жараёнининг моҳияти ва унинг босқичлари

Бюджет жараёнининг мазмуни мамлакатнинг давлат ва бюджет қурилиши, тегишли ваколатли органлар ва юридик шахсларнинг бюджет ҳуқуқлари билан белгиланади.

Бюджет жараёни, одатда, бюджет фаолиятининг куйидаги тўрт босқичини ўз ичига олади (9-расмга қаранг):

- ▶ бюджет лойиҳасини тузиш;
- ▶ бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- ▶ бюджетни ижро этиш ва унинг назоратини олиб бориш;
- ▶ бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш ва уни тасдиқлаш.

9-РАСМ: Бюджет жараёни босқичлари

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини тузиш

1-босқич

2-босқич

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини кўриб чиқиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш

Тасдиқланган Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини ижро этиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш

3-босқич

4-босқич

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш

Манба: Муаллифлар томонидан мустақил тузилган

Бюджет жараёнининг давомийлиги юқоридаги тўрт босқичнинг барчасидан иборат бўлиб, одатда, уч йилга яқин давом этади. Бунинг бир йилга яқини бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш, уни кўриб чиқиш ва тасдиқлашга, бир календарь йили (1 январдан 31 декабргача) бюджетни ижро этишга (бюджет йили) ва саккиз ойга яқини бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлашга ва уни тасдиқлашга тўғри келади.

Бюджет жараёнини ташкил қилишда қуйидаги тамойилларга риоя қилинади:

- ▶ **ягоналик** – ягона ҳуқуқий база, ягона бюджет таснифи, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ва ҳудудлар бюджетларини тузишда статистик ахборот тузиш учун зарур бўлган бюджет хужжатлари шаклининг ягоналиги;
- ▶ **ҳар бир қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти органи бюджет жараёнининг мустақиллиги** - ўз даромад манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилаш ҳуқуқи билан таъминланади;
- ▶ **баланс усули** – жами бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасида, шунингдек, моддий ва молиявий кўрсаткичлар ўртасида тўғри нисбатларни белгилашни назарда тутаяди.

Бюджет жараёни бюджетни режалаштиришдан бошланади. Бюджетни режалаштириш давлат молиявий сиёсати талабларига мувофиқлаштирилган молиявий режалаштиришнинг муҳим таркибий қисмини ташкил қилади. Бундай режалаштиришнинг иқтисодий вазифаси турли даражадаги бюджетлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларни тузиш ва ижро этиш жараёнида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умуммиллий дастурлари асосида ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад қийматини молия тизими бўғинлари ўртасида марказлаштирилган тарзда қайта тақсимлаш пропорцияларини тўғри белгилашдан иборатдир.

Бюджет лойиҳасини тузиш бюджет жараёнининг энг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Давлат бюджетининг лойиҳасини тузиш (яратиш, ишлаб чиқиш) бўйича ишлар янги бюджет йилининг бошланишидан анча олдин, масалан, ГФРда – 6 ой, Японияда – 8 ой, Францияда – 14 ой, АҚШда – 18 ой, Ўзбекистонда – 7 ой олдин бошланади. Унинг лойиҳасини тузиш ижроия ҳокимият органлари, одатда, Молия вазирлиги (Ҳазначилик) томонидан амалга оширилади.

Баъзи бир мамлакатларда бюджет лойиҳасини тузиш давлат ижроия ҳокимияти бошлиғи (раҳбари)нинг келгуси йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг умумий йўналишлари бўйича чиқишидан (маърузасидан) бошланади. Масалан, АҚШда президент

Бюджет сўрови — келгуси давр учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга бўлган эҳтиёжни асослашни назарда тутувчи ҳужжат.

Бюджет сўрови қўидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- 1) Бюджет ташкилоти, бюджет маблағлари олувчи ва бюджет маблағларини тақсимловчининг бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини ўз ичига олувчи, ўтган йилда эришилган натижалар ва жорий йилда кутилаётган натижалар тўғрисидаги таҳлилий ҳисобот;
- 2) Харажат мажбуриятларининг уларни киритиш (ижро этиш) учун асос бўладиган ҳамда молиялаштириш манбалари ва амал қилиш муддатларини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шартномалар ва (ёки) уларнинг алоҳида қоидалари кўрсатилган реестри;
- 3) Бюджет маблағларини тақсимловчининг ривожлантириш дастури;
- 4) Бюджет маблағларини тақсимловчининг ривожлантириш дастури билан узвий боғлиқ ҳолда тузилган келгуси давр учун бюджет буюртмаси.

Бюджет сўровини тузиш тартиби давлат бюджети бўйича - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан, давлат мақсадли жамғармалари бўйича - уларнинг тақсимловчи органлари томонидан белгиланади.

америка халқига Бюджетнома билан мурожаат қилиб, унда молия-пул сиёсатининг асосий вазифалари, келгуси бюджет йили ва навбатдаги тўрт йил учун федерал бюджет даромад ва харажатларининг ҳукумат баҳоси шакллантирилади³⁸.

Бюджет лойиҳасини тузишдан олдин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли фондларини тайёрлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, давлат мақсадли фондларини тақсимловчи органларга, ҳамда бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга буюртмалар тузиш учун республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўрови юбориши керак.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини тузиш:

- ▶ бюджет сўровини тузиш тартибини юборишни;
- ▶ бюджет сўровларини ҳамда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозларини тайёрлаш ва тақдим этишни;
- ▶ бюджет сўровларини кўриб чиқиш ва жамлашни;
- ▶ бюджетномани ишлаб чиқишни назарда тутати.

Амалдаги қонунчиликка кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили 15 апрелга қадар келгуси давр учун бюджет сўровини тузиш тартибини Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети лойиҳасини тайёрлаш учун — бюджет маблағларини тақсимловчиларга; Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари лойиҳаларини тайёрлаш учун — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига; давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳаларини тайёрлаш учун — давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга юборади.

Бюджет жараёнининг навбатдаги босқичлари ҳақида мазкур параграфнинг кейинги бўлимларида кенгроқ тўхталиб ўтамыз.

³⁸ Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. – Т: «Шарқ», 2010 й., 470- бет

6.2. Маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг маҳаллий бюджетларнинг лойиҳасини тузиш ва тасдиқлаш жараёнидаги функциялари

Бюджет маблағларини тақсимловчилар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан юборилган келгуси давр учун бюджет сўровини тузиш тартибини олгандан сўнг **уч иш куни ичида** тегишли бюджет сўровларини тузиш тўғрисида ва уларни тайёрлаш муддатларини белгилаш ҳақида қарорлар қабул қилишлари лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари эса мазкур қарорлар қабул қилинганидан сўнг **уч иш куни ичида** келгуси давр учун бюджет сўровини тузиш тартибини тегишли бюджетлар лойиҳаларини тайёрлаш учун - туман ва шаҳар ҳокимларига ва бюджет сўровларини тузиш учун - Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчиларга юборади.

Юқорида қайд этиб ўтилган тегишли бюджет сўровларини тузишни ташкилий механизмини қуйидагича ифодалаш мумкин (10-расм).

Туманлар ва шаҳарлар бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларига ва бюджет маблағлари олувчилар юқори молия органлари томонидан тақдим этилган келгуси давр учун бюджет сўровини тузишнинг белгиланган талаблари (тартиби) асосида бюджет сўровларини тузади, ҳамда мазкур бюджет сўровларини белгиланган муддатларда молия органларига тақдим этадилар. Келгуси давр учун тузилган бюджет сўровини тақдим этиш муддати Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 16-боб, 92-моддасига асосан қуйидагича белгиланган.

Келгуси давр учун бюджет сўровлари:

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан тегишли молия органларига - **жорий йилнинг 1 июнигача**;

бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига - **жорий йилнинг 1 июлигача**;

*Туман шаҳар ҳокимлари келгуси давр учун бюджет сўровини тузиш тартибини олгандан сўнг **уч иш куни ичида** тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш тўғрисида ва уларни тайёрлаш муддатларини белгилаш ҳақида қарорлари қабул қилишлари керак.*

*Туман шаҳар ҳокимларининг молия бўлиmlари мазкур қарорлар қабул қилинганидан сўнг **уч иш куни ичида** келгуси давр учун бюджет сўровини тузиш тартибини туманлар ва шаҳарлар бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларига ва бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўровларини тузиш учун юбориши лозим*

давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига — **жорий йилнинг 1 июлигача тақдим этилади.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг прогнози бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга — **жорий йилнинг 15 июнигача тақдим этади.**

10-РАСМ: Бюджет сўровларини тузишнинг ташкилий механизми

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга бюджет сўровини тузиш тартибини юборади

ҳар йили 15 апрелга қадар

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тегишли бюджет сўровларини тузиш тўғрисида ва уларни тайёрлаш муддатларини белгилаш ҳақида қарорлар қабул қилади

ҳар йили 18 апрелга қадар

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари бюджет сўровини тузиш тартибини юборади

ҳар йили 21 апрелга қадар

Туман ва шаҳар ҳокимлари келгуси давр тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш тўғрисида ва уларни тайёрлаш муддатларини белгилаш ҳақида қарорлар қабул қилади

ҳар йили 24 апрелга қадар

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари келгуси давр учун бюджет сўровини тузиш тартибини туманлар ва шаҳарлар бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларига ва бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўровларини тузиш учун юборади

ҳар йили 27 апрелга қадар

11-РАСМ: Бюджет лойиҳасини муҳоама ва қабул қилиш жараёни

жорий йилнинг 25 июнидан кечиктирмай

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан олинган бюджет сўровлари асосида келгуси молия йили учун тайёрланган туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларига тақдим этилиши керак.

жорий йилнинг 1 июлидан кечиктирмай

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия бошқармалари тегишли ҳудудий бюджет лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этиши керак.

жорий йилнинг 15 сентябридан кечиктирмай

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Давлат бюджети лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси билан киритилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан кўриб чиқилиб, қабул қилинган, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрларини тасдиқлашга доир Қарори билан тасдиқланади

Манба: Муаллифлар томонидан тайёрланган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилингандан сўнг **бир ҳафталик муддатда** тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон

Бюджетнома давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари асосида шакллантирилган ҳужжатдир.

Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига — жорий йилнинг 15 сентябрга қадар киритилади; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига хулоса тақдим этиши учун — жорий йилнинг 20 сентябрга қадар киритилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари бўйича икки ҳафталик муддатда хулоса тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, 16- боб, 96-модда

Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари ҳамда харажатларининг ҳажмлари қабул қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қабул қилган қарорларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари **ўн иш куни ичида**:

- ▶ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ҳажмларини, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромадлар ва дотацияларнинг чекланган миқдорларини;
- ▶ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари таркибига кирадиган туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумдавлат солиқ тушумларидан ажратмаларнинг нормативларини. Умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари таркибига килрувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратмаларнинг нормативлари айти шу солиқлардан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратмаларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланган нормативларидан ортиқ бўлмаган миқдорларда белгиланади;
- ▶ Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармалари миқдорларини;
- ▶ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари таркибига кирадиган туманлар ва шаҳарлар бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорларини тасдиқлаш бўйича қарорлар қабул қилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари қабул қилинганидан кейин **бир ҳафталик муддатда** туман ва шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари таркибига кирадиган туманлар ва шаҳарларнинг бюджетлари қабул қилинади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан таъминланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари ўз бюджетларининг баланслилиги бузилишига ва Давлат бюджети тақчиллигининг тасдиқланган чекланган миқдори ошишига олиб келадиган тегишли бюджет даромадларини қисқартиришга ёки харажатларини кўпайтиришга қаратилган бирор-бир қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари қабул қилинганидан кейин молия йили мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг тегишли бюджет даромадлари қисқаришига олиб келадиган қарорлари тегишли бюджет харажатлари қисқартирилган тақдирдагина қабул қилиниши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари баланслаштирилган даромадлар ва харажатларга эга бўлиши лозим.

6.3. Маҳаллий бюджетларнинг ижросини таъминлаш ва уларга ўзгартиришлар киритиш тартиби

Баъзи ҳолларда Давлат бюджетининг ижроси давомида бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар киритиш зарурияти пайдо бўлиши мумкин. Бундай вазиятда бюджетдан ажратиладиган маблағларга молия йили мобайнида ўзгартиришлар киритиш бир бюджет маблағлари олувчиси учун бюджет маблағларининг камайтирилиши бошқа бюджет маблағлари олувчиси учун бюджет маблағларининг тегишли равишда кўпайтирилишини назарда тутган тартибда:

1) тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг 10% га қадари:

- ▶ Давлат бюджетидида кўрсатиб ўтилган бюджет маблағлари олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;
- ▶ Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет

маблағлари олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

- ▶ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган тегишли молия органларининг тақдимномасига биноан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимлар томонидан (капитал қуйилмалар моддалари бундан мустасно).

2) тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг 10% дан ортиғи:

- ▶ Давлат бюджетда кўрсатиб ўтилган бюджет маблағлари олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан;
- ▶ Республика бюджетдан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланадиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;
- ▶ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун – тегишли молия органларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган тақдимномасига биноан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда жойлардаги тегишли ҳокимият вакиллик органлари томонидан (капитал қуйилмалар моддалари бундан мустасно) амалга оширилади.

Бюджет маблағини олувчининг сўровига биноан, молия йили учун унга назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар айрим моддалар бўйича (капитал қуйилмалар моддалари бундан мустасно) бошқа моддалар бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағлари тенг миқдорда камайтирилган ва мазкур бюджет маблағлари олувчи учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг умумий ҳажми сақлаб қолинган ҳолда дастлабки ҳажмининг 10% га қадар камайтирилиши мумкин. Бу ҳолда бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар:

- ▶ Республика бюджетдан ажратиладиган бюджет маблағларига – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;
- ▶ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган бюджет маблағларига – Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлиги белгилаган тартибда тегишли молия органлари томонидан киритилади.

Давлат бюджетини белгиланган параметрлар доирасида ижро этиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари, агар муайян ҳаракатлари бюджет тақчиллигининг қонун ҳужжатларида белгиланган энг юқори даражасидан ошиб кетишига олиб келадиган бўлса, Давлат бюджети даромадларини қисқартирувчи ёки харажатларини оширувчи бирор-бир ҳаракат қилишга ҳақли эмаслар. Шунга мос равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар қабул қилинганидан кейин молия йили мобайнида айрим турлар бўйича бюджет даромадларини қисқартиришга олиб келувчи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг қарори, агар унда бошқа турлар бўйича даромадларни кўпайтириш ва (ёки) бюджет харажатлари тегишли миқдорда қисқартирилиши керак бўлган моддалар назарда тутилган тақдирдагина, қабул қилиниши ва амалга киритилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар қабул қилинганидан кейин молия йили мобайнида тегишли бюджет харажатлари қисқартирилишига ва (ёки) даромадлари кўпайишига олиб келувчи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг қарори қабул қилинганда ҳосил бўладиган ортиқча маблағлар мазкур қарор қабул қилинган даражадаги бюджетга маблағларни қайта тақсимлаш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиб қўйилади.

Агар Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин молия йили давомида Давлат бюджетидан олинган бюджет маблағларини кўпайтириш (камайтириш) тўғрисида қарор қабул қилинадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия органлари томонидан тегишли даражадаги бюджетлар ҳажмига ўзгаришлар киритилиши мумкин. Харажатларни кўпайтириш ёки уларни қисқартириш бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиш йўли билан амалга оширилади. Ўз навбатида, бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Солиқлар ва бюджет тўловлари интизомини мустаҳкамлаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга тасдиқланган кўрсаткичлардан ташқари тушган кўшимча даромадлар айланма касса маблағи меъёри тасдиқланганидан кам бўлмаган миқдорда

сақланиб қолган тақдирда қабул қилинган бюджетдагидан ташқари харажатларга йўналтирилиши мумкин. Ушбу масалага доир тегишли қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимлар томонидан қабул қилинади.

Бюджет ижросини таъминлашда Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини бошқариш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари Давлат бюджети ва унинг тузилмасига кирувчи бюджетларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичлар доирасида бажарилиши учун жавобгардир. Шунинг учун ҳам Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Агар йил мобайнида давлат даромадлари анча қисқарган ва Давлат бюджетининг олдиндан белгиланган тақчиллиги қонун ҳужжатларида белгиланган чегара миқдоридан ошадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг харажатларини алоҳида моддалар бўйича қисқартириш тўғрисида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига таклиф киритади.

Турли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик тафовутни тўғрилаш мақсадида молия йили давомида уларга тегишли бюджетлардан бюджет ссудалари ажратилиши мумкин. Бюджет ссудаларини беришнинг энг кеч муддати ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади. Шунингдек, турли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик фарқни молия йили давомида айланма касса маблағи меъёри ҳисобига уни молия йили охиригача тасдиқланган ҳажмга қадар тиклаган ҳолда, бюджет маблағларининг фойдаланилмаган қолдиқлари ҳисобига ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлатнинг қисқа муддатли қимматли қоғозларини чиқариш ҳисобига ҳам қоплаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг харажатларига тегишли бюджетларнинг тасдиқланган параметрларига нисбатан уларнинг харажатларини 10 ва ундан ортиқ фоизга кўпайтиришни ёки камайитиришни назарда тутадиган ўзгартиришлар киритиш Бюджет кодексининг 144-моддаси талабларига риоя этилган ҳолда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тақдимномасига кўра тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг харажатларига тегишли бюджетларнинг тасдиқланган параметрларига нисбатан уларнинг харажатларини 10 фоиздан кам кўпайтириш ёки камайтиришни назарда тутадиган ўзгартиришлар киритиш тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари тақдимномасига кўра тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг харажатларига ўзгартиришлар киритишга доир қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишувга кўра ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ёзма билдиришлари асосида қабул қилинади.

Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатлари ёйилмасига бир бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчи учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни камайтиришни мос равишда бошқа бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчи учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни кўпайтиришни назарда тутадиган туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг тасдиқланган харажатлар параметрлари доирасида ўзгартиришлар киритиш туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари тақдимномасига кўра туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қарорлари асосида амалга оширилади.

6.4. Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот ва уни тасдиқлаш тартиби

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари тегишли бюджетлар ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 10 майидан сўнг тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига тақдим этади.

Тегишли бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан белгиланади.

Тегишли бюджетнинг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутат-

лари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари қарорлари билан тасдиқланади.

Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот бюджет ижросининг якуни (натижалари)ни ўзида ифода этади. Шу муносабат билан Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар бюджетидан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига шу вазирлик белгилаган муддатларда тақдим этиши керак. Шунга мос равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли молия органларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган муддатларда тақдим этишлари лозим.

Туманларнинг, шунингдек республика (Қорақалпоғистон), вилоят бўйсунувидаги шаҳарларнинг молия органлари шаҳар, туман бюджетининг ҳисобот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли ҳокимликларга ҳамда юқори молия органларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаган муддатларда тақдим этиши керак.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия органлари тегишли бюджетларнинг ҳисобот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва тегишли ҳокимликларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига шу вазирлик белгилаган муддатларда тақдим этиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиб маъқулланганидан кейин бу ҳисоботларни тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Давлат бюджетига ҳисобот давридаги тушумлари тўғрисидаги ҳисоботни ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этишлари шарт.

Давлат солиқ хизматининг жойлардаги солиқ органлари солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Давлат бюджетига ҳисобот давридаги тушумлари тўғрисидаги ҳисоботни

ҳар ойда тегишли молия органларига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этиб туришлари керак.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар ҳисобот даврида давлат мақсадли жамғармаларига маблағлар тушуми ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига шу вазирлик белгиллаган муддатларда тақдим этиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майидан кечиктирмай тақдим этиши керак. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай тақдим этиши керак.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Шунга мос равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Назорат учун саволлар:

1. Бюджет жараёни деганда нимани тушунасиз?
2. Бюджет жараёни одатда нечта босқични ўз ичига олади?
3. Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини тузиш нималарни назарда тутди?
4. Бюджет сўрови нима?
5. Бюджет сўрови ўз ичига қандай ҳужжатларни олади?
6. Келгуси давр учун бюджет сўровини тузиш тартибини маҳаллий бюджетларга қайси орган ва қачон юборади?
7. Маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг маҳаллий бюджетларнинг лойиҳасини тузиш ва тасдиқлаш жараёнидаги функциялари нималардан иборат?
8. Бюджет сўровларини тақдим этиш муддатлари қандай белгиланган?
9. Бюджетнома нима?
10. Тасдиқланган бюджетларга ўзгартиришлар киритиш тартиби қандай?
11. Тегишли бюджетнинг ижро ҳолати қандай муддатларда кўриб чиқилади?
12. Тегишли бюджетнинг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот қачон тақдим этилади ва қайси тартибда тасдиқланади?

Маъмур бобда маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг ҳудудий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлигининг аҳамияти, депутатлик сўровининг моҳияти ва уни амалга ошириш тартиби, ҳамда Парламент назоратининг муҳим бўлган давлат бюджети қабул қилиниши ва ижроси, шунингдек иқтисодий-ижтимоий ривожланиш масалалари юзасидан Парламент назорати ривожланган демократик давлатлар тажрибаси асосида таҳлил қилинган.

7-БОБ Маҳаллий бюджетларнинг самарали ижросини таъминлашда маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг фаолиятларини такомиллаштириш

7.1. Маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг ҳудудий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида: *«Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари – Кенгашлар олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа – бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир»*, деб қайд этиб ўтгани бежиз эмас.

Депутатлик назорати – бу халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий ва муваққат комиссиялари, депутатлик гуруҳлари ва депутатларнинг ижро ҳокимияти органлари ҳамда бошқа юридик ва мансабдор шахслар томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ваколатлари доирасидаги, жумладан қонун ҳужжатларини ҳаётга тадбиқ этиш ҳолатини кузатиш ва текшириш, мавжуд тўсиқ, камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, шунингдек мансабдор шахсларга таъсир чораларини кўриш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий фаолиятдир.

Амалдаги қонунчиликда халқ депутатлари Кенгашларига қатор ваколатлар берилган бўлиб, улар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ўз ваколатларига берилган масалаларни, ташкилий масалалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ назорат этишга доир бошқа масалаларни ҳал этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга кўра маҳаллий вакиллик органи тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масала-

лар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақлидир.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари лойиҳасини ва ижроси юзасидан ҳисоботларни тасдиқлашда, маҳаллий ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир, шунингдек ваколатлари доирасидаги бошқа масалалар юзасидан қарор қабул қилишда зарурат туғилганда мазкур масалаларга оид қўшимча маълумот олиш учун тегишли ҳудудий молия, солиқ, статистика ва бошқа давлат ташкилотларига расмий мурожаат қилиб, керакли аниқлаштирувчи маълумот олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлар 2010-2011 йилларга нисбатан 2012-2014 йилларда депутатлик сўрови ваколатларидан кенгроқ фойдаланганлар. Хусусан, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлари томонидан 2010 йилда – 25, 2011 йилда – 31, 2012 йилда – 35, 2013 йилда – 54 ва 2014 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида 29 мартаба депутатлик сўровидан фойдаланганлар.

Қуйида келтирилаган 12-расмда депутатлик сўровини расмийлаштириш талаблари кўрсатилган.

12-РАСМ: Депутат сўровини расмийлаштириш талаблари

I.

Депутат сўрови депутат томонидан фақат унинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидангина юборилиши лозим. Депутатлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий манфаатларни кўзлаб депутат сўровини юбориш таъқиқланади.

II.

Депутат сўровини юбориш тўғрисидаги қарор депутат томонидан мустақил равишда қабул қилинади. Уни бирон бир тарзда бошқа шахслар ёки идоралар билан келишиб олиниши талаб қилинмайди.

III.

Депутат сўрови давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг битта мансабдор шахси номига ҳам, бир неча мансабдор шахси номига ҳам юборилиши мумкин.

IV.

Депутат сўрови қисқа, лўнда ва тушунарли тарзда ёзилган бўлиб, расмий бланкада расмийлаштирилади ва депутат томонидан имзоланади.

Манба: Муаллифлар томонидан тайёрланган

Депутат сўровида қўйидаги асосий масалалар ёритилган бўлиши керак:

- ▶ депутат сўрови юборилиши сабабларининг қисқача асоси;
- ▶ депутат сўрови кимга юборилаётган бўлса, ўша шахснинг исми – шарифи ва фамилияси;
- ▶ ахборот (ҳужжатлар) тақдим этиш тўғрисидаги ёки тегишли маълумотларни текшириш ҳақидаги талаблар;
- ▶ депутат сўровига жавоб тақдим этиш муддатлари;
- ▶ ахборот (ҳужжатлар) тақдим этилмаган тақдирда айбдор шахсга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чоралари кўрилиши мумкинлиги ҳақидаги ёзувлар кўрсатилган бўлиши лозим.


Депутат ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бево-сита дахлдор бўлган муаммони кенгаш регламентига мувофиқ сессиялар муҳокамасига киритиши мумкин. Бундай масалалар дастлаб тегишли доимий комиссиялар томонидан чуқур ўрганилиб, тайёргарлик кўрилади, яъни муҳокамадаги маъруза матнidan тортиб, қабул қилинадиган қарор лойиҳасигача сессиядан олдин тайёрланади. Айниқса, ҳудуд ривожини учун долзарб ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган масалалар доимий комиссиялар мажлисларида кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида кенгаш режасига киритилган мазкур йўналишдаги масалаларга доир кенг қамровли таҳлилий ва танқидий маълумотларни тўплашда тегишли давлат ва ҳокимият органларига депутатлик сўровини юбориш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, маҳаллий вакиллик органлари бюджет жараёнига доир ёки тегишли ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига доир қарорларни қабул қилишдан олдин ҳудудий давлат ташкилотларига расмий мурожаат қилиб ёки депутат сўровини юбориб керакли бўлган қўшимча маълумот олиш, ёки маълумотларга изоҳ талаб қилиш ҳолатлари ҳам амалда жуда кам юз беради. Социологик сўровда қатнашган маҳаллий вакиллик органлари вакилларига берган қўйидаги саволимиз ва мазкур саволга берилган жавобларни умумлаштириб, шундай хулосага келдик (10- диаграммага қаранг).

10-диаграмма

кўрсаткичлар фоизда ифодаланган

Сиз фаолиятингиз давомида ўзингиз вакил бўлган ҳудуд (вилоят, туман ёки шаҳар) бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этишни самарали бўлишини таъминлаш, шунингдек, тегишли даврдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш жараёнида зарурат туғилганда ҳудудий молия органлари (молия, ғазначилик, пенсия бўлимлари), ҳамда солиқ ва статистика идораларига расмий мурожаат қилиб, керакли маълумотларни талаб қилиб олганмисиз?



Манба: Сўровнома натижалари

Берилган жавоблардан кўриниб турибдики, сўровда иштирок этган маҳаллий вакиллик органлари вакилларининг **19 фоизи** тегишли давлат идораларига мурожаат қилиб, керакли маълумот олиш ўзларининг ваколатлари доирасига кирмайди, деб ҳисоблашишса, **14 фоизи** бундай расмий мурожаатлар билан тегишли идораларнинг махсус ходимлари шуғулланиши керак деб жавоб қайтаришди. Социологик сўровда қатнашган маҳаллий вакиллик органлари вакилларининг **31 фоизи** депутатлик фаолияти давомида ҳали бирор маротаба бундай расмий мурожаат қилишмаган бўлсалар, сўровда иштирок этганларнинг фақат **36 фоизигина** зарурият туғилганда тегишли давлат идораларига расмий мурожаат қилиб, керакли маълумотларни олиб туришларини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва давлат дастурларининг жойлардаги ижросини таъминлаш, ҳудудларда йиллик режаларни шакллантириш, давлат ва ҳудудий дастурларнинг ижроси ҳамда ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига маҳаллий ҳокимият органлари томонидан

уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юбориш мазкур ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Хулоса ўрнида айтганда, депутатлар ҳар бир ҳудуднинг хусусиятидан келиб чиқиб, жойлардаги энг муҳим муаммоларга ўз вақтида эътибор қаратиши ва уларни Кенгаш сессияси ёки доимий комиссия мажлисида муҳокама қилиш ташаббуси билан чиқиши, яъни масаланинг ечимини топишда бевосита фаол иштирок этиши халқ фаровонлигини оширишга, турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

7.2. Бюджет маблағларининг самарали ва мақсадли сарфланиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари устидан Парламент назорати: хориж тажрибаси

Парламент фаолиятида қонунчилик функцияси қанчалик муҳим ўрин тутса, назорат-таҳлил функцияси ҳам шунчалик муҳим роль ўйнайди. Парламент назоратининг асосий мақсади давлат бошқарувида ошкоралик ва қонун устуворлигига риоя қилишни таъминлашдан иборатдир. Замонавий Парламент қонун қабул қилиш йўли билан ижро ҳокимияти ҳокимияти фаолиятини чеклаб туради, мамлакатда конституция нормаларининг сўзсиз бажарилишини таъминлайди, ҳукумат сиёсатини мамлакат равнақи ва аҳоли фаровонлигини ошишига қаратилганлигига йўналтиради ва бажарилиши устидан назорат қилиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2015 йил 23 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида «Депутатларнинг сайловчилар билан ишлашини тубдан яхшилаш, палаталар фаолиятига парламент назоратининг замонавий усулларини татбиқ қилиш, жумладан, давлат бюджетини шакллантириш ва мамлакатимизнинг ушбу муҳим иқтисодий ҳужжати ижросини назорат қилишнинг замонавий усулларини жорий этиш муҳим вазифалардан биридир» деб алоҳида таъкидлаб ўтди.

Мазкур параграфда ривожланган демократик давлатларда Парламент назоратининг қуйидаги **3 та жиҳати**га эътибор қаратилади.

- I. Давлат бюджетини шакллантириш ва қабул қилиш жараёнида Парламент иштироки**
- II. Бюджет маблағларининг сарфланиши устидан Парламент назорати**
- III. Иқтисодий – ижтимоий ривожланиш дастурлари ва Парламент назорати**

I. Давлат бюджетини шакллантириш ва қабул қилиш жараёнида Парламент иштироки. Давлат бюджети шакллантириш ва қабул қилиш жараёнида Парламент иштироки **3 та босқичдан** иборат.

1-БОСҚИЧ: Давлат бюджети лойиҳасини Парламентга киритиш. Ривожланган демократик давлатларда Ҳукумат (Молия вазирлиги) Давлат бюджети лойиҳасини одатда қуйидаги таснифлар бўйича тайёрлайди:

- ▶ **Функционал тасниф** – давлат асосий функцияларини (бошқарув, муҳофаза, таълим, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш) бажариш бўйича;
- ▶ **Иқтисодий тасниф** – иш ҳақи, пенсиялар, капитал харажатлар, жорий тўловлар бўйича;
- ▶ **Идоравий тасниф** – бюджет олувчилари бўйича (вазирликлар, идоралар, ташкилотлар);
- ▶ **Регионал тасниф** – ҳудудлар бўйича;
- ▶ **Дастурий тасниф** – давлат ривожлантириш дастурлари бўйича.

Давлат бюджети лойиҳаси (параметрлари юқорида келтирилган 2 ёки 3 та кўринишдаги таснифда) билан бирга киритилиши шарт бўлган материаллар сафига (1) Бюджетнома (бюджет ёки солиқ-бюджет сиёсатининг йўналишлари ва прогнози), (2) мамлакат иқтисодиёти прогнози ва (3) бюджет параметрларининг олдинги йилги параметрлари билан қиёсий таҳлили кирди.


Мисол

АҚШ Конгрессига киритилган бюджет лойиҳаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ▶ *Бюджет қўмитаси ва Президент томонидан таклиф қилинаётган лойиҳалари қиёсий таҳлили (бюджет даромадлари, харажатлари, янги харажат моддалари, қарзлар ва бошқа мажбуриятлар);*
- ▶ *Бюджетнинг янги харажатлари моддалари таҳлили;*
- ▶ *Амалдаги молиявий дастурлар таҳлили;*
- ▶ *Федерал даромадлар ва штатлар даромадлари нисбатлари;*
- ▶ *Иқтисодий прогнозлар ва бюджет харажатларининг уларга мослиги таҳлили;*
- ▶ *Бюджет ривожланишининг келгуси 5 йилга прогнози;*
- ▶ *Штатлар ва маҳаллий ҳокимият органларига бериладиган молиявий ёрдамдаги сезиларли ўзгаришлар асослари.*

Давлат бюджети лойиҳасининг яна бир муҳим жиҳати бу унинг Парламентга киритиладиган моддалари (параметрлари) сонидир. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти (ИҲТТ) маълумотларига кўра, бюджет параметрлари сони турли давлатларда турлича бўлиб, улар 200 тадан (Австралия, Канада, Франция ва бошқалар) тортиб 2000 тагачани (Германия, Испания, Туркия) ташкил қилади. ИҲТТ бюджет сиёсатининг асосий мақсади ва йўналишларини асослаш учун бюджет лойиҳаси моддалари сони 1000 та атрофида бўлиши мақсадга мувофиқ деб хулоса беради.

11-ДИАГРАММА: Давлат бюджети параметрлари сони



Манба: «Budget Practices Survey». OECD Surveys, 2007.


<http://www.oecd.org/gov/budget/database>

2-БОСҚИЧ: Давлат бюджети лойиҳасини муҳокама қилиш.

Ривожланган демократик давлатларда бюджет лойиҳаси Ҳукумат ёки Парламент томонидан матбуотда эълон қилинади. Парламентдаги муҳокамалар телевидениеда ва бошқа ОАВларида кенг ёритилади.

Мисол

Сингапурда Молия вазирлиги томонидан бюджет лойиҳаси 2 ой мобайнида кенг жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамасига қўйилади ва Парламентга киритилади. АҚШда эса – Оқ уй ва Конгресс томонидан 2016 йил учун бюджет лойиҳаси 2015 йил феврал ойида кенг жамоатчилик ва мутахассислар муҳокамасига қўйилди (2015 йил 1 октябргача қабул қилиниши керак). ИХТТ 39 та давлат ўртасида ўтказган сўров (12-диаграммада) шуни кўрсатмоқдаки, улардан кўпчилигида (23 таси ёки сўровда қатнашганларнинг 59%) давлат бюджети лойиҳасини муҳокама қилиш муддати 2 ойдан 4 ойгачани ташкил қилар экан. Бундан ташқари, 10 та давлатда муҳокама муддати 2 ойгача, 5 та давлатда - 4 ойдан 6 ойгача ва битта давлатда 6 ойдан кўпроқ муддатни ташкил қилади.

12-ДИАГРАММА: Давлат бюджети лойиҳаси муҳокамаси муддатлари

Манба: «Results of the Survey on Budget Practices and Procedures». OECD, 2003.
<http://www.oecd.org/gov/budget/database>

ИХТТга аъзо ва бюджет ислохотлари амалга оширилган 81 та давлат ўртасида ўтказилган сўров натижасига кўра улардан 32 таси (40%и) лойиҳага ҳоҳлаганча ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эгалиги маълум бўлди. Шунингдек, 17%и - бюджет харажатларини камайтириш, 16%и - бир харажатнинг ошишини бошқа харажат камайиши билан баланслаштириш, қолган давлатларда эса ўзгартиришлар фақат Ҳукумат розилиги билан амалга оширилиши мумкинлиги аниқланди.

Мисол

- ▶ **АҚШда** – Парламент (Конгресс) ҳукумат тақдим қилган бюджет лойиҳасини қисман ўзгартириши ёки бутунлай янги ўз лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга
- ▶ **Германия, Голландия, Данияда** – Парламент бюджет лойиҳаси моддаларига ўзгартиришлар, тузатишлар киритиш ҳуқуқига эга. Бунда бир модданинг кўпайиши бошқа модданинг камайиши билан баланслашиши лозим
- ▶ **Буюк Британия ва Британия Ҳамдўстлиги давлатларида** – Парламентнинг бюджетга ўзгартириш киритиш ҳуқуқлари чекланган.

3-БОСҚИЧ: Давлат бюджети лойиҳасини қабул қилиш. Ривожланган демократик давлатларда бюджет лойиҳаси 3 ёки ундан кўп ўқишда муҳокама қилинади.

- ▶ 1-ўқишда: умумий ҳолда кўриб чиқилади, масъул кўмига берилади, жамоатчилик муҳокамасига юборилади
- ▶ 2-ўқишда: депутатларнинг ва жамоатчиликнинг алоҳида моддалар бўйича таклифлари кўриб чиқилади
- ▶ 3-ўқишда: бюджет яхлит ҳужжат(лар) – Қонунлар кўринишида қабул қилинади

Мисол

АҚШда Бюджет тўғрисидаги федерал қонун, Буюк Британияда 2 та Қонун – Харажатлар ва Молия тўғрисидаги қонунлар, Германия ва Францияда Бюджет тўғрисидаги қонун, Швецияда 2 та Қонун - Фискал сиёсат ва Бюджет тўғрисидаги қонунлар кўринишида қабул қилинади.

II. Бюджет маблағларининг сарфланиши устидан Парламент назорати.

Ривожланган демократик давлатларда бюджет маблағларининг сарфланиши устидан Парламент назорати самарадорлигини ошириш мақсадида махсус мустақил орган – Ҳисоб палатаси тузилган ва одат-

да Ҳисоб палатаси Парламентга бўйсунди (ҳисобот беради).

Мисол

АҚШда Конгресс Бош назорат бошқармаси ва Конгресс Бюджет Бошқармаси бевосита Конгресс таркибига киради, Конгресс тасдиқлаган бюджет маблағлари сарфланишини назорат қилади ва Конгрессга узлуксиз ҳисобот беради. Германияда Бюджет комиссияси бюджет ижроси бўйича ҳукумат йиғилишларида қатнашади, жорий назоратни олиб боради, жумладан Молия вазирлигининг бюджет маблағлари сарфланиши тўғрисидаги чораклик ҳисоботини тинглайди ва ҳукумат учун кредит бериш масалаларни ҳал қилади. Францияда Ҳисоб палатаси ҳар йил якуни бўйича бюджет ижроси бўйича ҳисоботни текширади ва хулосани Парламентга ва Президентга топширади. Японияда эса Ҳисоб палатаси ҳар йили Парламентга бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисобот беради ва бу ҳисобот Ҳукуматнинг бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботига хулоса сифатида қабул қилинади.

III. Иқтисодий – ижтимоий ривожланиш дастурлари ва Парламент назорати.

Ривожланган ва иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатлар тажрибасини ўрганиш шунинг кўрсатмоқдаки, уларнинг аксарияти қисмида иқтисодий-ижтимоий ривожланиш Стратегиялари қабул қилинган.

Мисол

Европа:  - 2020,  - 2030,  - 2025,  - 2030;

Осиё:  - 2030,  - 2020,  - 2030,  - 2030;

МДҲ:  - 2020,  - 2050;

Америка ва Африка:  - 2030,  - 2020,  - 2030.

Европада ҳар бир давлатда Стратегиянинг узоқ мақсадли кўрсаткичлари белгиланган. Унинг бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб борилади ва Ҳукумат ҳисоботи тингланади, ОАВда кенг ёритилади. Малайзияда махсус Иқтисодий Режалаштириш Қўмитаси тузилган ва узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқади ва бажарилиши устидан доимий назорат олиб боради. Япония, Корея ва бошқа кўплаб давлатларда ривожланиш Стратегияси доирасида ўрта

муддатли (5 йиллик) ривожлантириш дастурлари қабул қилинган ва бажарилиши доимий мониторинг қилинади.

Парламент назоратини самарали амалга оширишга кўмак берадиган институтлар.

а) Ахборот-таҳлил институтларининг роли. Парламент ҳузурида ахборот-таҳлил институтлари бўлиши ривожланган демократик давлатларда кенг қўлланилади. Ушбу институтлар сенаторлар ва депутатларни зарур ахборот, таҳлил ва эксперт хулосалари билан таъминлайди. АҚШнинг Конгресс тадқиқот хизматида 5 та бошқарма ва 7 та бўлимда 860 та ходим ишлайди. Германия Бундестаги махсус илмий хизмати 12 та бўлимдан иборат бўлиб, уларда 70 дан ортиқ илмий ходим фаолият юритади. Шунингдек Канада (Аналитик тадқиқотлар бошқармаси), Австрия (Парламент тадқиқот хизмати), Франция, Испания (махсус илмий-тадқиқот бўлимлари) ва бошқа давлатлар Парламентларида махсус ахборот-таҳлил марказлари Парламент назоратига кўмак беришади. Европарламентда ҳам махсус Парламент тадқиқотлари Маркази мавжуд.

Тадқиқот марказлари қуйидаги хизматларни кўрсатади:

- ▶ Умумбашарий ва сиёсий муаммолар таҳлили
- ▶ Статистик ва иқтисодий таҳлил
- ▶ Мамлакат сиёсий кучларининг, Ҳукуматининг кучли ва заиф томонларини баҳолаш
- ▶ Мавжуд муаммоларни тушунтириш, Парламентда профессионал нуқтаи-назарни шакллантириш
- ▶ Амалдаги меърий-ҳуқуқий базанинг қиёсий таҳлили
- ▶ Бюджет лойиҳасини ва унинг ижросини илмий-амалий таҳлили

б) Парламент назоратини амалга оширишда статистик маълумотлар ишончилигини ва ҳолислигини таъминлаш. Парламент томонидан иқтисодий-ижтимоий ривожланиш дастурлари бажарилиши, шунингдек давлат бюджети харажатларининг сарфланиши устидан самарали назорат олиб борилиши учун Парламентга тақдим этилаётган статистик маълумотларнинг ҳолислигини ва ишончилигини таъминлаш жуда муҳимдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 2014 йил 29 январда қабул қилинган «Расмий статистиканинг асосий 10 та принципи» номли ҳужжатдаги биринчи принцип статистик маълумотларнинг ҳолислиги принциpidир. Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган «Европа статистика меъёрий кодекси»даги 15 та принципдан биринчиси статистика органининг мустақиллиги принципи ҳисобланади. Шу сабабли ривож-

ланган демократик давлатларда статистика органининг мустақиллиги масаласига катта эътибор қаратилади. АҚШ, Франция, Австрия, Норвегия каби давлатларда статистика органлари мустақил, яъни фақат қонунлар асосида иш қўради ва давлат органларига бевосита бўйсунмайди. Буюк Британияда эса статистика органи Парламентга бўйсунди, Литва ва Ирландия давлатларида Президентга ҳисоб беради.

Юқоридаги таҳлил натижаларидан келиб чиқиб Ўзбекистондаги жорий қонунчилик ва амалиётни ривожлантириш юзасидан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Биринчи. Давлат бюджети лойиҳасини камида 2 та ёки 3 та таснифда тайёрлаш лозим. Бунда бюджет параметрлари сони камида 300-400 та бўлиши, бюджет лойиҳаси эса давлатнинг барча жамғармаларини ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ. Келажакда ИХТТ таклиф қилганидек параметрлар сонини 1000 тага етказиш мумкин.

Олий Мажлисга бюджет лойиҳаси билан биргаликда иқтисодиётнинг келгуси 3 йилга мўлжалланган прогнози ва бюджет параметрларининг унга мос келиши асослари ҳамда бюджет ривожланишининг келгуси 3 йилга мўлжалланган параметрлари прогнозини ҳам киритиш таклиф этилади.

Иккинчи. Давлат бюджети лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритилгандан кейин лойиҳани кўриб чиқиш муддатини 1 ойдан 3 ойгача узайтириш таклиф этилади. Шунинг билан бирга, Қонунчилик палатасида муҳокама қилиш тартиби ёки методологиясини тасдиқлаш лозим. Бюджет лойиҳасини 3 та ўқишда кўриб чиқиш ва қонун сифатида қабул қилиш таклиф қилинади. Худди ривожланган демократик давлатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам бюджет лойиҳасини Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлис палаталари веб-саҳифаларида жойлаштириш ва кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш лозим.

Учинчи. Давлат бюджети ижросининг Олий Мажлисга киритиладиган таркибини тасдиқлаб қўйиш лозим. Давлат бюджети ижроси Олий Мажлис томонидан қониқарсиз деб топилганда (жумладан, бюджет ижроси самарадорлиги индикаторларини ишлаб чиқиш асосида) қабул қилинадиган қарор механизмни ҳам ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш лозим. Шунингдек Ҳисоб палатаси ва Олий Мажлис палаталари ўртасидаги ахборот алмашинуви тартибини тасдиқлаш ҳам талаб этилади.

Тўртинчи. Олий Мажлис ҳузурида сенаторлар ва депутатларни зарур ахборот, таҳлил ва эксперт хулосалари билан таъминлашга хизмат қиладиган ахборот-таҳлил институтини ташкил этиш лозим.

Бешинчи. Олий Мажлис томонидан иқтисодий-ижтимоий ривожланиш дастурлари бажарилиши, шунингдек давлат бюджети харajatларининг сарфланиши устидан самарали назорат олиб борилиши учун Олий Мажлисга тақдим этилаётган статистик маълумотларнинг холислигини ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида Давлат статистика кўмитасини мустақиллигини таъминлаш ва бевосита Олий Мажлисга ҳисобот бериши мақсадга мувофиқ.

Мазкур параграфнинг асосий ғоялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этган «Ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишнинг халқаро тажрибаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллик ҳокимияти органларининг бу соҳадаги фаолиятини такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги 2015 йил 28 апрелда ўтказилган семинарда муҳокама қилинди ва қўллаб-қувватланди.

Назорат учун саволлар:

1. Депутатлик назорати деганда нимани тушунасиз?
2. Депутатлик назоратининг аҳамияти нималарни ўз ичига олади?
3. Депутатлик назоратининг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?
4. Депутат сўрови нима?
5. Депутатлик сўрови қандай расмийлаштирилади?
6. Депутатлик сўровининг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?
7. Депутат сўровида қандай асосий масалалар ёритилган бўлиши керак?
8. Давлат бюджети шакллантириш ва қабул қилиш жараёнида Парламент иштироки босқичларини тушунтириб беринг.
9. Ривожланган демократик давлатларда бюджет лойиҳаси Парламент томонидан одатда неча ўқишда муҳокама қилинади?
10. Бюджет маблағларининг сарфланиши устидан Парламент назорати қайси махсус орган ёрдамида амалга оширилади?
11. Парламент назоратини самарали амалга оширишга кўмак берадиган ахборот-таҳлил институтларининг ролини тушунтириб беринг.
12. Парламент назоратини амалга оширишда статистик маълумотлар ишончлилигини таъминлашда чет эл тажрибасини тушунтириб беринг.

ГЛОССАРИЙ: бюджет тизимида қўлланиладиган асосий тушунча ва атамалар изоҳи

А

Айланма касса маблағи — молия йилида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори.

Б

Бюджетнома — эришилган натижалар ҳисобга олинган ҳолда мамлакатни келгуси давр учун ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини назарда тутадиган ҳужжат бўлиб, ушбу йўналишлар асосида Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари шакллантирилади.

Бюджетдан ажратиладиган маблағлар — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчилар учун назарда тутилган пул маблағлари.

Бюджет жараёни — бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, уларнинг ижросини назорат қилиш, бюджет тизими бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни.

Бюджет жараёни иштирокчилари — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат молиявий назорат органлари, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар.

Бюджет маблағларини тақсимловчи — ўз тасарруфида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан маблағ оладиган ташкилотларга эга бўлган юридик шахс, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи.

Бюджет соҳасидаги ваколатлар — бюджет жараёни иштирокчиларининг бюджет муносабатлари соҳасидаги ваколатлари.

Бюджет ссудаси — қайтариш шарти билан юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига, резидент-юридик шахсга ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджет сўрови — келгуси давр учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга бўлган эҳтиёжни асослашни назарда тутувчи ҳужжат.

Бюджет ташкилоти — давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилот.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари — қонун ҳужжатларида назарда тутилган манбалар ҳисобидан бюджет ташкилоти тасарруфига келиб тушадиган маблағлар.

Бюджет тизими — барча даражадаги бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ташкил этиш принциплари, улар ўртасида бюджет жараёни мобайнида юзага келадиган ўзаро муносабатлар йиғиндиси.

Бюджет тизими бюджетлари — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари.

Бюджет маблағлари олувчи - давлат бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан маблағлар оладиган юридик ёки жисмоний шахс.

Бюджетлараро трансфертлар — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига, давлат мақсадли жамғармаларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳамда бунинг аксича ўтказиладиган маблағлар.

Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар — молия йили мобайнида бюджетлар параметрлари ўзгарганда юқори ва қуйи турувчи бюджетлар ўртасида юзага келадиган ўзаро пул муносабатлар.

В

Вақтинчалик касса узилиши — жорий молия йилининг муайян даврида бюджет тизими бюджетларининг харажатлари даромадларидан вақтинчалик ошиб кетиши.

Вақтинчалик харажатлар сметаси — бюджет ташкилотининг ёки бюджет маблағлари олувчининг харажатлар сметаси тасдиқлангунига ва рўйхатдан ўтказилгунига қадар амал қиладиган ҳужжат бўлиб, унда қонун ҳужжатларидаги ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда унинг учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳар ой учун акс эттирилади.

Д

Давлат бюджети профицити — муайян даврда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадларининг унинг харажатларидан ошиб кетиши.

Давлат бюджети тақчиллиги — муайян даврда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларининг унинг даромадларидан ошиб кетиши.

Давлат молиявий назорати — бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш мақсадида молиявий назорат объектларининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларини ўрганиш ҳамда таққослаш.

Давлат томонидан маблағ жалб қилиш — активларни жалб этиш, бу бўйича Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи-резидентларнинг кредитларини (қарзларини) тўлашга кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши.

Давлат харидлари — бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) харидлари.

Давлат қарзи — Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи маблағларни жалб қилиш натижасида вужудга келган мажбуриятлари.

Даромадлар ва харажатлар сметаси — бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг тегишли йил чораги ёки молия йили учун кутилаётган тушумлари ва харажатлари акс эттириладиган ҳужжат.

Донорлар — Ўзбекистон Республикасига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматиغا, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга бегараз асосда маблағлар ажратадиган давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукумат ташкилотлари, чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари.

Дотация — бюджет тизими бюджетларига уларнинг ўз даромадлари етишмаган тақдирда даромадлар билан харажатлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун қайтармаслик шarti билан ажратиладиган пул маблағлари.

Ж

Жамланма харажатлар сметаси — бюджет маблағларини тақсимловчи томонидан ўз тасаруфидаги бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметалари асосида тузиладиган харажатлар сметаси.

М

Маҳаллий бюджет – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари фондини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Молия йили — биринчи январдан ўттиз биринчи декабрь куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи давр.

Молиявий мажбуриятлар — бюджет ташкилотларида ва бюджет маблағлари олувчиларда уларга пул маблағларини ўтказиш мажбуриятини юкловчи ҳужжатлар, шу жумладан ижро ҳужжатлари асосида юзага келадиган мажбуриятлар.

Молиявий назорат — молиявий бошқарув тизимининг элементларидан бири, барча иқтисодий субъектларнинг (давлат, ҳудудий-маъмурий бўлинмалар, корхона ва ташкилотлар) молиявий фаолияти молиявий-хўжалик қонунчилигига риоя этилиши, амалга оширилган харажатларнинг мақсадга мувофиқли, молиявий-хўжалик операцияларининг иқтисодий самарадорлиги устидан амалга ошириладиган қийматий назоратнинг алоҳида соҳаси.

Молиявий назорат объектлари — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, бюджет маблағларини тақсимловчилар, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар, давлат мақсадли жамғармалари ва

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари.

С

Субвенция — муайян мақсадларга сарфлаш шарт билан юқори турувчи бюджетдан қуйи турувчи бюджетга қайтармаслик шарт билан ажратиладиган пул маблағлари.

Субсидия — товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ва уларни реализация қилишни молиялаштириш ёки биргаликда молиялаштириш ёхуд мақсадли харажатларнинг ўрнини қисман қоплаш учун бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган пул маблағлари.

Т

Тартибга солувчи даромадлар — бюджет тизими бюджетлари ўртасида ажратмалар нормативлари белгиланадиган умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек солиқ бўлмаган тўловлар. Солиқ бўлмаган тўловларга бюджет тизими бюджетларига келиб тушадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўлмаган тўловлар киради.

Х

Харажатлар моддаси — бюджет тизими бюджетлари харажатларининг иқтисодий йўналиши ва тўловларнинг аниқ турлари бўйича белгиловчи бюджет таснифининг бир қисми.

Харажатлар сметаси — бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи томонидан молия йили учун тузиладиган ва тасдиқланадиган, унинг учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар харажатлар моддалари бўйича акс эттириладиган ҳужжат.

Ш

Штат жадвали — доимий ходимлар лавозимлари ва бўш ўринлар номларининг сони ва лавозим маошларининг миқдорлари кўрсатилган рўйхатни ўз ичига оладиган, бюджет ташкилоти томонидан тузиладиган ҳужжат.

Шахсий ғазна ҳисобварақлари — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида очиладиган, бюджет тизими бюджетлари ижроси билан боғлиқ операцияларни акс эттириш учун мўлжалланган таҳлилий ҳисоб регистрлари.

Ю

Юридик мажбуриятлар — тузилган шартномалар, шунингдек тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорлари асосида бюджет ташкилотларида ва бюджетдан маблағ олувчиларда юзага келадиган мажбуриятлар.

Ў

Ўтказиб бериладиган даромадлар — тегишли маъмурий-ҳудудий бирликда шаклландиган ва юқори турувчи бюджетга ўтказиладиган, улар қаерда шаклланган бўлса, кейинчалик ўша маъмурий-ҳудудий бирлик бюджетига ўтказиб бериладиган даромадлар.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети (Давлат бюджети) — давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси.

Ғ

Ғазначилик бўлинмалари — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Ғазначилик бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар бўйича Ғазначилик бўлинмалари.

Ғазначилик мемориал ордери — маблағларни бир шахсий ғазна ҳисобварағидан бошқа шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиш учун фойдаланиладиган тўлов ҳужжати.

Ҳ

Ҳудудий молия органлари — Қорақалпоғистон Республикасининг Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- [1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014 й.
- [2] Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ги Қонуни, 1993 йил 2 сентябрь, 913-ХII-сон
- [3] Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни, 2004 йил 2 декабрь, 706-II-сон
- [4] Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни, 2013 йил 26 декабрь, 360-сон.
- [5] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1449-сонли Қарори (2010 йил 24 декабр).
- [6] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1675-сонли Қарори (2011 йил 30 декабр).
- [7] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1887-сонли Қарори (2012 йил 25 декабр).
- [8] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2099-сонли Қарори (2013 йил 25 декабр).
- [9] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2270-сонли Қарори (2014 йил 4 декабр).
- [10] Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йил 27 январь)

варда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқи).

- [11] Ваҳобов А.В., Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети: Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия. 2002.
- [12] Ваҳобов А., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги: Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия. 2005.
- [13] Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Т.: Иқтисод-молия. 2007.
- [14] Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. - Т.: Шарқ. 2010.
- [15] Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет (тизими, тузилмаси, жараёни). / Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия. 2007.
- [16] Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Т.: infoCOM. UZ. 2010.
- [17] Бабич А.М., Павлова Л.Н. Государственные и муниципальные финансы. Учебник для вузов. М.: Юнити-Дана. 2012.
- [18] «Budget Practices Survey». OECD Surveys, 2007. <http://www.oecd.org/gov/budget/database>
- [19] «Results of the Survey on Budget Practices and Procedures». OECD, 2003.<http://www.oecd.org/gov/budget/database>
- [20] Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, <http://www.lex.uz>.
- [21] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий веб-сайти, <http://www.mf.uz>.
- [22] Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий веб-сайти, <http://www.soliq.uz>.

1-илова

2005-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг таркиби (млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	2005	2006*	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015 (режа)
Даромадлар (мақсадли жамғармаларсиз) - жами	3433,5	4042,5	6145,0	8760,8	10840,2	13596,7	17061,3	21295,7	26223,2	31730,5	36184,9
1. Бевосита солиқлар	986,9	1115,5	1574,4	2315,8	2840,4	3546,8	4497,0	5414,2	6353,7	7433,0	8554,3
1.1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	281,3	219,0	313,9	432,9	544,8	644,5	861,6	1001,1	1038,8	1120,2	1284,8
1.2. Савдо ва умумий оқватлашиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	72,3	73,0	106,8	175,2	229,0	390,9	561,4	645,9	832,6	954,4	1193,1
1.3. Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналардан ажратмалар	92,7	95,5	159,8	224,5	306,3	365,4	480,2	588,2	755,0	967,9	1067,1
1.4. Жисмоний шахслар даромадига солиқ	434,4	603,4	754,8	1108,8	1311,8	1594,6	1919,1	2301,8	2717,3	3261,7	3648,8
1.5. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	45,1	55,0	59,4	87,2	111,8	168,0	225,0	317,3	415,6	553,1	617,0
1.6. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктузилмани ривожлантириш солиғи	61,2	69,6	179,6	287,0	336,7	383,4	449,6	559,9	594,4	575,7	743,5
2. Билвосита солиқлар	1594,2	1986,7	2915,5	4123,3	5438,3	6858,5	8225,0	10434,5	13398,6	16852,3	19115,8

2.1.	Кўшилган қиймат солиғи	814,6	1017,4	1721,7	2505,5	3085,0	3900,2	4761,4	5966,6	7552,5	9476,1	10721,7
2.2.	Ақдиз солиғи	600,3	760,5	773,9	1123,3	1794,5	2219,4	2541,8	3175,9	4168,2	4941,1	5528,8
2.3.	Божхона божи	108,6	132,7	292,9	317,6	334,2	430,3	516,3	759,7	1007,4	1350,0	1583,6
2.4.	Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газни истеъмол қилганлик учун солиқ	70,7	76,1	127,0	177,0	224,7	308,6	405,4	532,4	670,5	1085,1	1281,7
3.	Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	579,5	768,2	993,4	1325,9	1761,6	2095,5	2626,2	3312,5	3888,2	4311,5	5741,8
3.1.	Мулк солиғи	122,9	142,6	190,7	224,1	319,1	432,9	571,5	736,1	1011,6	1273,7	1716,7
3.2.	Ер солиғи	88,0	138,5	158,2	186,0	231,5	322,7	437,2	486,3	583,4	647,5	929,6
3.3.	Ер ости бойлиқларидан фойдаланганлик учун солиқ	354,2	465,7	615,2	880,6	1168,4	1284,5	1555,0	2016,3	2190,9	2275,6	2931,8
3.4.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	14,4	21,3	29,3	35,2	42,6	55,3	62,4	73,9	102,4	114,7	163,7
4.	Бошқа даромадлар	272,9	172,0	661,7	995,7	799,9	1095,9	1713,1	2134,4	2582,7	2473,7	2773,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб сайти (www.mf.uz) маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.

* 2006 йил учун маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроеқтисодий курсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-244 сонли Қарори асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.

2-илова

2005-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг таркиби (млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	2005	2006*	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015 (режа)
Харажатлар (мақсадли жамғармаларсиз) - жами	3420,1	4313,5	5823,8	8197,1	10763,9	13386,9	16726,0	20882,0	25825,9	31425,4	37967,7
1. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	1726,6	2255,3	2906,0	4248,7	5895,9	7835,9	9704,9	12299,9	15147,0	18493,7	22457,0
1.1. Маориф	991,3	1285,0	1726,7	2469,1	3332,7	4464,1	5582,9	7130,4	8803,3	10673,5	12776,2
1.2. Соқлиқни сақлаш	362,9	494,7	650,8	934,1	1259,8	1716,5	2226,7	3024,9	3709,9	4507,2	5372,5
1.3. Маданият ва спорт		66,2	76,8	101,4	122,2	154,5	185,3	223,4	287,4	361,5	388,3
1.4. Фан	79,1	22,5	28,2	34,8	61,0	81,3	108,8	137,4	164,7	187,0	245,3
1.5. Ижтимоий таъминот	13,8	16,9	26,3	35,3	45,0	58,2	72,2	86,9	106,4	126,2	150,4
1.6. Болали оилаларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий нафақалар	279,5	282,5	357,9	635,9	1037,7	1312,5	1378,4	1617,2	1611,3	1805,0	2279,8
1.7. Қўшлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурини бир-галикда молиялаштиришга кредит линияси	-	-	-	-	-	-	-	-	374,7	706,7	971,8
2. ННТ, НСТ ва фуқорolik жамиятлари институтларини ривожлантириш учун маблағлар ва грантлар	-	-	2,2	3,0	4,0	4,5	5,0	6,0	7,0	8,2	10,0

3. Иқтисодийёт харажатлари	460,1	650,2	940,7	1261,2	1513,5	1931,6	2317,0	2749,8	3363,3	4119,7
4. Марказлаштирилган инвестициялар- ни молиялаштириш харажатлари	370,6	481,9	617,5	839,9	860,0	1096,1	1131,7	1439,6	1616,5	1800,0
5. Давлат ҳокимияти, бошқарув органлари ва суд органларини ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	96,9	175,8	266,4	353,2	490,1	629,6	852,8	1149,8	1414,2	1636,5
6. Бошқа харажатлар	765,9	1607,7	2120,8	2409,7	2682,8	3358,7	4274,6	5332,7	6529,4	7934,5
<i>Давлат бюджети тақчиллиги (-), профицити (+)</i>	13,4	-271,0	563,7	76,3	209,8	335,3	413,6	397,1	305,1	-1782,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб сайти (www.mf.uz) маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.

*2006 йил учун маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-244 сонли Қарори асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.

3-илова

2006-2014 йиллар учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадларининг миқдори (млрд. сум)												
Кўрсаткичлар	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015 (режа)		
1. Қорақалпоғистон Республикаси	73,0	96,5	139,5	179,6	244,8	312,0	356,9	435,9	557,6	763,5		
2. Андижон вилояти	110,7	140,5	190,5	255,9	348,2	420,7	537,6	662,2	822,6	1575,4		
3. Бухоро вилояти	144,6	198,1	276,1	382,6	478,1	596,5	636,9	762,2	883,5	1075,4		
4. Жиззах вилояти	42,7	59,1	79,0	99,9	135,1	158,4	208,2	261,4	318,4	447,2		
5. Қашқадарё вилояти	240,2	353,7	500,4	589,7	772,7	1093,9	1150,1	1297,7	1512,4	1676,3		
6. Навоий вилояти	86,5	114,4	197,4	185,5	280,4	338,1	379,4	524,7	623,2	725,3		
7. Наманган вилояти	85,8	101,6	130,9	190,6	257,5	346,1	445,3	575,4	608,2	875,6		
8. Самарқанд вилояти	130,6	167,7	221,1	273,0	368,7	495,1	618,6	759,3	883,9	1742,9		
9. Сурхондарё вилояти	81,7	106,9	141,6	194,5	273,4	304,5	399,4	482,2	566,3	754,3		
10. Сирдарё вилояти	60,4	76,7	100,6	100,5	154,4	172,1	227,4	261,5	316,5	407,0		
11. Тошкент вилояти	193,7	304,3	441,3	481,9	636,9	827,8	1025,9	1273,8	1539,6	1570,5		
12. Фарғона вилояти	270,1	410,4	450,9	688,3	813,3	967,6	1125,0	1309,7	1506,5	2002,1		
13. Хоразм вилояти	77,5	98,1	139,3	174,3	222,5	276,6	349,4	447,3	532,4	1033,6		
14. Тошкент шаҳри	257,3	331,2	401,9	646,3	777,7	979,6	1206,9	1532,4	1765,6	1569,4		
Жами	1854,8	2559,2	3410,5	4442,6	5763,7	7289,0	8667,0	10585,7	12436,7	16218,6		

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг расмий веб сайти (www.mf.uz) маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган

**2006-2015 йиллар учун маҳаллий бюджет даромадларининг Давлат бюджети
даромадларидаги салмоғи (млрд. сўм)**

Кўрсаткичлар	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015 (режа)
1. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари (мақсадли жамғармаларсиз) - жами	4042,5	6145,0	8760,8	10840,2	13596,7	17061,3	21295,7	26223,2	31730,5	36184,9
2. Республика бюджети даромадлари	2187,7	3585,8	5350,3	6397,6	7833	9772,3	12628,7	15637,5	19293,8	19966,3
3. Давлат бюджетига нисбатан салмоғи (%)	54,1	58,4	61,1	59,0	57,6	57,3	59,3	59,6	60,8	55,2
4. Маҳаллий бюджетлар даромадлари	1854,8	2559,2	3410,5	4442,6	5763,7	7289,0	8667	10585,7	12436,7	16218,6
5. Давлат бюджетига нисбатан салмоғи (%)	45,9	41,6	38,9	41,0	42,4	42,7	40,7	40,4	39,2	44,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг расмий веб сайти (www.mfi.uz) маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган

5-иллова

2006-2015 йиллар учун маҳаллий бюджет харажатларининг Давлат бюджети харажатларидаги салмоғи (млрд. сўм)											
Кўрсаткичлар	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015 (режа)	
1. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатлари (мақсадли жамғармаларсиз) - жами	4313,5	5823,8	8197,1	10763,9	13386,9	16726	20882	25825,9	31425,4	37967,7	
2. Республика бюджети харажатлари	1921,3	2679,6	3689,9	4635,8	5549	7058,4	8702,8	11096,9	14124,2	19227,3	
3. Давлат бюджетига нисбатан салмоғи (%)	44,5	46,0	45,0	43,1	41,5	42,2	41,7	43,0	44,9	50,6	
4. Маҳаллий бюджетлар харажатлари	2392,2	3144,2	4507,2	6128,1	7837,9	9667,6	12179,2	14729	17301,2	18740,4	
5. Давлат бюджетига нисбатан салмоғи (%)	55,5	54,0	55,0	56,9	58,5	57,8	58,3	57,0	55,1	49,4	

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг расмий веб сайти (www.mf.uz) маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган

Маҳаллий бюджетлар даромадларида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг улуши (фоизда)												
Кўрсаткичлар	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015 (режа)		
1. Қорақалпоғистон Республикаси	3,9	3,8	4,1	4,0	4,2	4,3	4,1	4,1	4,5	4,7		
2. Андижон вилояти	6,0	5,5	5,6	5,8	6,0	5,8	6,2	6,3	6,6	9,7		
3. Бухоро вилояти	7,8	7,7	8,1	8,6	8,3	8,2	7,3	7,2	7,1	6,6		
4. Жиззах вилояти	2,3	2,3	2,3	2,2	2,3	2,2	2,4	2,5	2,6	2,8		
5. Қашқадарё вилояти	13,0	13,8	14,7	13,3	13,4	15,0	13,3	12,3	12,2	10,3		
6. Навоий вилояти	4,7	4,5	5,8	4,2	4,9	4,6	4,4	5,0	5,0	4,5		
7. Наманган вилояти	4,6	4,0	3,8	4,3	4,5	4,7	5,1	5,4	4,9	5,4		
8. Самарқанд вилояти	7,0	6,6	6,5	6,1	6,4	6,8	7,1	7,2	7,1	10,7		
9. Сурхондарё вилояти	4,4	4,2	4,2	4,4	4,7	4,2	4,6	4,6	4,6	4,7		
10. Сирдарё вилояти	3,3	3,0	2,9	2,3	2,7	2,4	2,6	2,5	2,5	2,5		
11. Тошкент вилояти	10,4	11,9	12,9	10,8	11,1	11,4	11,8	12,0	12,4	9,7		
12. Фарғона вилояти	14,6	16,0	13,2	15,5	14,1	13,3	13,0	12,4	12,1	12,3		
13. Хоразм вилояти	4,2	3,8	4,1	3,9	3,9	3,8	4,0	4,2	4,3	6,4		
14. Тошкент шаҳри	13,9	12,9	11,8	14,5	13,5	13,4	13,9	14,5	14,2	9,7		
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0		

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг расмий веб сайти (www.mfi.uz) маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган

7-илова

2006-2015 йиллар учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг харажатларининг миқдори (млрд. сўм)												
Кўрсаткичлар	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015 (режа)		
1. Қорақалпоғистон Республикаси	149,4	203,9	291,8	384,0	513,2	637,2	822,4	994,7	1195,2	1269,9		
2. Андижон вилояти	196,3	255,0	370,9	504,0	639,7	816,8	1008,6	1207,2	1437,8	1575,4		
3. Бухоро вилояти	135,6	178,5	268,5	358,2	464,1	578,7	702,6	847,6	991,5	1075,4		
4. Жиззах вилояти	99,8	132,1	191,9	270,6	331,5	413,8	536,4	676,4	790,5	814,4		
5. Қашқадарё вилояти	215,4	285,7	415,2	554,6	707,9	843,0	1091,3	1286,5	1553,4	1676,3		
6. Навоий вилояти	85,5	112,4	171,4	226,2	308,3	394,2	467,2	565,2	651,3	725,3		
7. Наманган вилояти	182,1	243,9	348,8	464,5	603,8	750,7	932,0	1125,6	1333,6	1473,0		
8. Самарқанд вилояти	248,6	332,4	472,7	652,7	850,5	1057,4	1339,7	1538,2	1812,0	1992,9		
9. Сурхондарё вилояти	178,5	244,8	349,7	470,2	628,3	756,0	921,7	1097,4	1303,6	1399,4		
10. Сирдарё вилояти	72,4	95,5	136,7	177,2	230,9	283,7	371,4	450,1	527,8	562,3		
11. Тошкент вилояти	197,4	263,6	378,0	511,1	625,9	773,0	970,6	1194,4	1420,6	1570,5		
12. Фарғона вилояти	253,0	339,3	466,7	650,4	817,6	1003,8	1299,8	1600,7	1836,0	2002,1		
13. Хоразм вилояти	130,5	173,5	248,6	324,0	420,4	527,7	659,1	824,8	963,7	1033,6		
14. Тошкент шаҳри	247,7	283,6	396,3	580,4	695,8	831,6	1056,4	1320,2	1484,2	1569,4		
Жами	2392,2	3144,2	4507,2	6128,1	7837,9	9667,6	12179,2	14729	17301,2	18740,4		

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг расмий веб сайти (www.mfi.uz) маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган

Маҳаллий бюджетлар харажатларида Қорақалпоғистон Республикаси Бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг улуши (фоизда)												
Кўрсаткичлар	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015 (режа)		
1. Қорақалпоғистон Республикаси	6,2	6,5	6,5	6,3	6,5	6,6	6,8	6,8	6,9	6,8		
2. Андижон вилояти	8,2	8,1	8,2	8,2	8,2	8,4	8,3	8,2	8,3	8,4		
3. Бухоро вилояти	5,7	5,7	6,0	5,8	5,9	6,0	5,8	5,8	5,7	5,7		
4. Жиззах вилояти	4,2	4,2	4,3	4,4	4,2	4,3	4,4	4,6	4,6	4,3		
5. Қашқадарё вилояти	9,0	9,1	9,2	9,1	9,0	8,7	9,0	8,7	9,0	8,9		
6. Навоий вилояти	3,6	3,6	3,8	3,7	3,9	4,1	3,8	3,8	3,8	3,9		
7. Наманган вилояти	7,6	7,8	7,7	7,6	7,7	7,8	7,7	7,6	7,7	7,9		
8. Самарқанд вилояти	10,4	10,6	10,5	10,7	10,9	10,9	11,0	10,4	10,5	10,6		
9. Сурхондарё вилояти	7,5	7,8	7,8	7,7	8,0	7,8	7,6	7,5	7,5	7,5		
10. Сирдарё вилояти	3,0	3,0	3,0	2,9	2,9	2,9	3,0	3,1	3,1	3,0		
11. Тошкент вилояти	8,3	8,4	8,4	8,3	8,0	8,0	8,0	8,1	8,2	8,4		
12. Фарғона вилояти	10,6	10,8	10,4	10,6	10,4	10,4	10,7	10,9	10,6	10,7		
13. Хоразм вилояти	5,5	5,5	5,5	5,3	5,4	5,5	5,4	5,6	5,6	5,5		
14. Тошкент шаҳри	10,4	9,0	8,8	9,5	8,9	8,6	8,7	9,0	8,6	8,4		
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0		

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг расмий веб сайти (www.mfi.uz) маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган

9-илова

2006-2011 йилларда республика бюджетидан дотациялар ажратилган ҳудудлар руйхати ва дотациялар миқдори (млрд. сум)												
Кўрсаткичлар	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015 (режа)		
1. Қорақалпоғистон Республикаси	46,1											
2. Андижон вилояти	36,7											
3. Бухоро вилояти												
4. Жиззах вилояти	31,6	32,7	39,3									
5. Қашқадарё вилояти												
6. Навоий вилояти												
7. Наманган вилояти	39,7	56,5	77,6	143,3	161,1	23,1						
8. Самарқанд вилояти												
9. Сурхондарё вилояти	40,5	54,5	73,2	108,3								
10. Сирдарё вилояти												
11. Тошкент вилояти												
12. Фарғона вилояти												
13. Хоразм вилояти	18,7											
14. Тошкент шаҳри												
Жами	216,2	143,7	190,1	251,6	161,1	23,1	2012 йилдан бошлаб вилоят бюджетларига республика бюджетидан дотациялар ажратилмаган					

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли йиллардаги «Асосий макроектсодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги қарорлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган. Рақам мавжуд бўлмаган йилларда ҳудудларга дотация ажратилмаган.

2006-2015 йиллар учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига берилган субвенциялар миқдори (млрд. сум)											
Кўрсаткичлар	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015 (режа)	
1. Қорақалпоғистон Республикаси	41,1	68,1	98, 1	129,3	162,4	318,5	385,5	454,8	495, 4	506,4	
2. Андижон вилояти	53,1	80,7	121,6	178,2	197,6	359,0	470,7	543,1			
3. Бухоро вилояти											
4. Жиззах вилояти	27,7	45,9	66, 7	108,0	105,1	215,3	257, 1	314,0	372,0	367,2	
5. Қашқадарё вилояти											
6. Навоий вилояти											
7. Наманган вилояти	54,0	84,3	121,0	164,3	198,3	387,6	467,2	531,2	508,4	597,4	
8. Самарқанд вилояти	126,0	123,0	162,6	253,5	269,1	547,5	655,7	771,5	642, 3	250,0	
9. Сурхондарё вилояти	52,3	90,9	125,9	185,0	235,0	385,7	475,9	556,2	618,4	645,1	
10. Сирдарё вилояти	14,5	25,8	35,6	57,0	68,0	84,7	132,8	152,5	159,6	155,7	
11. Тошкент вилояти											
12. Фарғона вилояти											
13. Хоразм вилояти	37,0	59,4	87,1	113,5	136,2	248,2	308,5	364,1	133,2		
14. Тошкент шаҳри											
Жами	405,5	578, 0	818,5	1188,9	1372,0	2546,5	3153,4	3687,4	2929,1	2521,8	

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли йиллардаги «Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги қарорлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган. Рақам мавжуд бўлмаган йилларда субвенция ажратилмаган.

**Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий бюджетлари даромадларининг
2006-2014 йиллардаги ижроси (млн. сўмда)**

Шаҳар ва туманлар	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014
1. Нукус шаҳри	9323,0	14739,9	19575,5	19149,9	36768,0	22464,8	28024,4	40326,2	50861,3
2. Тахياتош шаҳри	2329,0	3781,0	3264,0	4170,2	9181,5	5906,8	4330,9	3511,2	
3. Амударё тумани	2899,6	3635,2	5469,7	6578,2	10749,5	13859,0	16820,5	20599,2	22234,7
4. Беруний тумани	6621,2	7277,6	9881,8	11871,7	13342,6	13931,0	17716,4	21169,3	20175,2
